ДАВЛАТ ИШТИРОКИДАГИ КОРХОНАЛАРНИНГ 2023 ЙИЛДАГИ ФАОЛИЯТИ НАТИЖАДОРЛИГИ ВА ДАВЛАТ МУЛКИДАН ФОЙДАЛАНИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА



# ЙИҒМА ҲИСОБОТ

# Мундарижа

**ДАВЛАТ АКТИВЛАРИНИ БОШҚАРИШ АГЕНТЛИГИ ДИРЕКТОРИНИНГ КИРИШ СЎЗИ** ..... 4

1.1. Давактив агентлиги ҳақида умумий маълумот ..... 8

1.2. Давактив агентлигининг асосий устувор йўналишлари ..... 9

1.3. Ҳисобот даврининг муҳим воқеалари ..... 10

**II. ДАВЛАТ ИШТИРОКИДАГИ КОРХОНАЛАРНИ БОШҚАРИШ ВА ИСЛОҲ ҚИЛИШ СТРАТЕГИЯСИ** ..... 20

2.1. Стратегия тўғрисида маълумот ..... 22

2.2. Стратегияни амалга ошириш ҳолати ..... 22

**III. ДАВЛАТ ИШТИРОКИДАГИ КОРХОНАЛАР ВА УЛАРНИНГ МОЛИЯВИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ** ..... 26

3.1. Давлат иштирокидаги корхоналар сони ..... 28

3.2. Давлат иштирокидаги корхоналарда акциядор (иштирокчи, мулкдор) функциясини бажарувчи давлат органлари ..... 32

3.3. Давлат иштирокидаги корхоналарнинг йиғма кўрсаткичлари ..... 33

3.4. Давлат иштирокидаги корхоналарнинг капитал бозоридаги иштироки ..... 47

3.5. Давлат иштирокидаги корхоналарнинг акцияларини IPO ва SPO орқали жойлаштириш ..... 49

3.6. Халқаро кредит рейтингларини олган корхоналар ..... 50

3.7. Молия-хўжалик фаолияти кўрсаткичлари кўрсатилган йирик корхоналар ..... 52

“Олмалик КМК” АЖ ..... 52

“Ўзбекистон МЭТ” АЖ ..... 60

“Ўзбекистон почтаси” АЖ ..... 68

“Иссиқлик электр станциялари” АЖ ..... 74

“Ўзбекгидроэнерго” АЖ ..... 80

“Ўзбектелеком” АК ..... 88

“Ўзтрансгаз” АЖ ..... 96

“Ҳудудгазтаъминот” АЖ ..... 102

“Ўзсувтаъминот” АЖ ..... 110

“Ўзавтосаноат” АЖ ..... 118

“Ўзбек геология қидирув”АЖ ..... 124

“Ўзбекгеофизика” АЖ ..... 132

**IV. ДАВЛАТ ИШТИРОКИДАГИ КОРХОНАЛАРНИНГ БОШҚАРУВ ВА НАЗОРАТ ОРГАНЛАРИ** ..... 136

4.1. Акциядорлар (иштирокчилар, мулкдорлар) умумий йиғилиши натижалари ..... 138

4.2. Кузатув кенгаши таркиби ..... 138

4.3. Ижроия органи тайинланиши ва таркиби ..... 139

**V. ЗАМОНАВИЙ КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВ УСЛУБЛАРИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ** ..... 140

5.1. Давлат иштирокидаги корхоналар кузатув кенгашига ўтказилган танлов натижалари ..... 142

5.2. Давлат иштирокидаги корхоналар веб-сайти ҳолати ..... 142

5.3. Ички аудит, Комплаенс хизмати ва Кузатув кенгашлари қошидаги қўмиталар ..... 144

5.4. Давлат иштирокидаги корхоналар учун янгиланган Корпоратив бошқарув қоидалари ва Ахлоқ кодекси ..... 145

**VI. ДАВЛАТ ИШТИРОКИДАГИ КОРХОНАЛАР СОНИНИ ҚИСҚАРТИРИШ ҲОЛАТИ** ..... 146

6.1. Қайта ташкил қилинган ва тугатилган корхоналар ..... 149

6.2. Хусусийлаштирилган корхоналар, хусусийлаштиришдан тушган тушумлар ..... 149

6.3. Давлат иштирокидаги корхоналар бўйича таклифлар ..... 150

**VII. ДАВЛАТ МУЛКИНИ ИЖАРАГА БЕРИШ ТЎҒРИСИДАГИ МАЪЛУМОТЛАР** ..... 152

**ИЛОВАЛАР** ..... 156

# Давлат активларини бошқариш агентлиги директорининг кириш сўзи

Мамлакатимизда сўнгги йилларда давлатнинг иқтисодиётдаги иштирокини қисқартириш, давлат активларини хусусийлаштириш орқали хусусий сектор улушини кенгайтириш, давлат иштирокидаги корхоналар бошқарув тизимини такомиллаштириш, самарасиз ишлаётган ва истиқболсиз корхоналарни тугатиш юзасидан тизимли ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Давлат активларини бошқариш агентлиги *(кейинги ўринларда – Давактив агентлиги)* давлат мулкини бошқариш соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга оширувчи ваколатли давлат органи сифатида давлат иштирокидаги корхоналарни самарали бошқаришни ташкил этиш ва уларда замонавий корпоратив бошқарув усулларини жорий этиш борасида бир қатор амалий ишлар олиб борди.

Хусусан, 2020-2023 йилларда **2,5 мингта** давлат активларининг хусусийлаштирилиши натижасида иқтисодиётга **1 млрд. доллардан** ортиқ тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилди, **79 мингдан ортиқ** янги иш ўринлари яратилиб, хусусийлаштирилган корхоналарнинг солиқ тушумлари **1,3 баробар**га, соф активлари **1,5 баробар**га ошди.

Давактив агентлигининг 2023 йилдаги фаолияти Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев томонидан илгари сурилган 2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида асосий мақсад ва йўналишлардан бири сифатида **белгиланган давлатнинг иқтисодиётдаги иштирокини қисқартириш, давлатнинг иқтисодий жараёнларга аралашувини чеклаш, давлат ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун тенг шароитлар яратиш, шунингдек, тадбиркорликка кўпроқ эркинлик бериш орқали иқтисодиётда хусусий секторнинг улушини оширишга** қаратилган.

Таъкидлаш жоизки, ўтган йилда давлат мулкини бошқариш соҳасини тартибга солувчи мустақил Ўзбекистон тарихида биринчи муҳим ҳужжат – **“Давлат мулкини бошқариш тўғрисида”ги** Ўзбекистон Республикасининг Қонуни қабул қилинди *(2023 йил 9 март, ЎРҚ-821)*.

Ушбу Қонун билан давлат мулкини бошқариш соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш, давлат мулкини бошқариш принциплари, давлат мулкига эгалик қилиш мезонлари, давлат мулкини бошқариш субъектларининг аниқ вазифалари, давлат мулкини бошқариш соҳасида давлат сиёсатининг йўналишлари, мулкдор ва тартибга солиш вазифаларини ажратилиши, давлат иштирокидаги корхоналарни бошқариш тизимини такомиллаштириш йўналишларида муҳим тартиб-таомиллар белгилаб берилди.

Қонун ва **Давлат иштирокидаги корхоналарни бошқариш ва ислоҳ қилиш стратегияси доирасида** давлат иштирокидаги корхоналар сонини 2025 йилга қадар **75 фоизга** қисқартириш бўйича олдимизга қўйилган режани амалга ошириш мақсадида қабул қилинган хусусийлаштириш дастурларига асосан 2023 йил якуни билан давлат иштирокидаги корхоналар сони, хусусийлаштириш мақсадида қабул қилиб олинган корхоналарни ҳисобга олмаганда **50 фоиздан ортиққа қисқартиришга эришилди.**

Жумладан, **304 та** давлат муассасалари тугатилди, **210 таси қайта ташкил этилди.** Натижада 2024 йил 1 январь ҳолатига давлат иштирокидаги корхоналар сони **2 116 та**ни ташкил этди *(238 та АЖ, 1 362 та МЧЖ ва 516 та ДУК)*.

Ўтган ҳисобот йилида давлат иштирокидаги корхоналарни самарали бошқариш, уларда замонавий корпоратив усулларини кенг жорий этиш юзасидан ҳам салмоқли ишлар амалга оширилди.

Хусусан, биринчи маротаба **64 та** корхоналарнинг кузатув кенгаши таркибига давлат улуши бўйича **314 нафар** аъзолик ўринларига махсус веб-портал *(www.cns.davaktiv.uz)* орқали **оммавий танлов э ълон қилинди.**

Танловда **840 дан ортиқ** *(2,5 баробар кўп)* номзодлардан аризалар келиб тушди, уларнинг **262 таси** танлов ғолиби деб топилиб, **54 та** корхонага номзодлари сайлаш учун тавсия этилди.

Ўтган йилда Давактив агентлиги иштирокидаги **31 та** корхоналарнинг **34 тасига** янги раҳбарларлар тайинланди, шунингдек, **8 та** корхонанинг раҳбарлик лавозимларига танловлар ўтказилиб, лавозимга тайинланди.

Шунингдек, "Тошкент" РФБ АЖ, "Ўзагросуғурта" АЖ, "Ўзбекистон ипотекани қайта молиялаштириш компанияси" АЖ, "UzVC" миллий венчур фонди" МЧЖ, "Қўқон механика заводи" "Ўзавтосаноат", "Ўзбектелеком", "Uzbekistan airways", "Uzbekistan airports", "Олмалиқ КМК" АЖ ва бошқалар каби жами **15 та** корхоналар **кузатув кенгашлари таркибига 39 та хорижий тажрибага эга мустақил аъзолар** киритилди.

Давактив агентлиги фаолиятини рақамлаштириш мақсадида Ягона интерактив давлат хизматлари портали *(my.gov.uz)* орқали қўшимча **5 та давлат хизматларини** кўрсатиш **йўлга қўйилиб, уларнинг сони 15 та**га етказилди.

Таъкидлаш жоизки, Давактив агентлиги фаолиятини **рақамлаштириш, трансформация ҳолати рейтингида 43 та** давлат органлари ўртасида **92,2 фоиз** натижа билан **иккинчи ўринни эгаллади.**

Ҳисобот даврида тарғибот ва ташвиқот ишлари ҳам фаол амалга оширилди. Жумладан **671 та** чиқишлар (***105 та*** *ТВ ва радио,* ***184 та*** *газета ва журналлар,* ***382 та*** *ижтимоий тармоқлар ва бош)*, **2 та брифинг** ва **1 та матбуот анжумани**, шунингдек, хусусийлаштириш жараёнлари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларда **Roadshow тақдимотлари** ўтказилди. 12 та юқори даражадаги **халқаро форумларда** хорижий ишбилармон соҳа вакиллари учун **хусусийлаштириш** ва **корпоратив бошқарув** йўналишлари бўйича тақдимотлар ўтказилди.

Ҳисобот даврида жами **8 107,5 млрд.**сўмлик **853 та** давлат активлари *(2022 йилга нисбатан 1,6 бароборга кўп)*, шу жумладан **6 119,0 млрд.** сўмлик **105 та** корхоналар устав капиталидаги давлат улушлари сотилди. Ушбу кўрсаткич жами сотилган давлат активлари қийматининг **75,0 фоиз**ини ташкил этган.

Умуман олганда, Давактив агентлигининг 2023 йилдаги фаолияти хусусийлаштириш орқали иқтисодиётда давлат улушини қисқартириш ва тадбиркорларга шароит яратиш, давлат мулкини самарали бошқаришни ташкил этишга қаратилди ва ушбу вазифаларни бажариш 2024 йилда ҳам сафарбарлик руҳида ташкил этилади.

**Ортиков Акмалхон Жўрахонович**
Давлат активларини бошқариш агентлиги директори

# 01

## ДАВЛАТ АКТИВЛАРИНИ БОШҚАРИШ АГЕНТЛИГИ ҲАҚИДА УМУМИЙ МАЪЛУМОТ




# 1.1. Давактив агентлиги ҳақида умумий маълумот

Давактив агентлиги тарихи мамлакат мустақиллигининг илк йилларига тўғри келади.

Дастлаб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 10 февралдаги **ПФ–337-сон** Фармони билан Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш ва хусусийлаштириш қўмитаси ташкил этилган.

Кейинчалик, 1994 йилда Ўзбекистон Республикасининг Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси сифатида қайта ташкил этилган.

Шунингдек, ўтган давр мобайнида мамлакатда олиб борилган ислоҳотлар жараёнида Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси фаолияти такомиллаштирилиб, бир неча марта қайта ташкил этилган.

Ўз навбатида, Ўзбекистон Республикасининг 2017-2021 йилларга мўлжалланган ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича **Ҳаракатлар стратегияси** ва Ўзбекистон Республикаси **Маъмурий ислоҳотлар концепциясида** белгиланган мақсадлардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 14 январдаги **ПФ–5630-сон** Фармони билан Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси қайта ташкил этилиши натижасида Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги тузилди.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 25 январдаги **“Республика ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини самарали йўлга қўйишга доир биринчи навбатдаги ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”**ги **ПФ–14-сон** Фармони ижросини таъминлаш мақсадида **“Давлат активларини бошқариш агентлиги фаолиятини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”**ги Президент қарори имзоланди *(ПҚ-101, 24.03.2023й)*.

Давактив агентлиги тузилмаси марказий аппарат ва Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаларидан ташкил топган.

Шунингдек, Давактив агентлиги тузилмасига **Давлат мулки объектларидан самарали фойдаланиш маркази** (**14 та** *ҳудудий бошқармалари билан*), “Электрон онлайн-аукционларни ташкил қилиш маркази” АЖ, Хусусийлаштириш ва давлат активларини бошқариш муаммоларини ўрганиш маркази ва Бино ва мол-мулкларни вақтинчалик сақлаш дирекцияси киради.

Ҳозирда, Давактив агентлиги тузилмасида жами **598 нафар** ишчи ходимлар фаолият юритади, шундан марказий аппаратда **140 нафар**, ҳудудий бошқармаларда **264 нафар**, тизим ташкилотларида **194 нафар**.

Давактив агентлиги давлат мулкини бошқариш ҳамда хусусийлаштириш соҳасида **ягона давлат сиёсатини юритувчи ваколатли давлат бошқарув органи ҳисобланади.**

## 1.2. Давактив агентлигининг асосий устувор йўналишлари

**Давактив агентлигининг асосий устувор йўналишлари:**

1. Давлат активларини бошқариш ва хусусийлаштириш бўйича ваколатли давлат органи сифатида ягона давлат сиёсатини юритиш.

2. Давлат активларини очиқ ва шаффоф хусусийлаштириш орқали уларнинг иқтисодиётдаги улушини муттасил қисқартириб бориш, хусусийлаштириш тартиб-таомилларини соддалаштириш.

3. Давлат мулки ҳисобини юритиш, бошқариш ва хусусийлаштириш ҳамда тўловга қобилиятсизлик жараёнларини тўлиқ рақамлаштириш.

4. Давлат улуши 50 фоиздан юқори бўлган хўжалик жамиятлари ва давлат унитар корхоналарини ислоҳ қилишда иштирок этиш, уларда самарали дивиденд сиёсатининг юритилишини мувофиқлаштириш, корхоналарнинг операцион самарадорлигини ошириш, харидлар ҳамда инвестиция лойиҳаларининг самарадорлигини ошириш.

5. Давлат мулкидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ва бу тўғрисида жамоатчиликни хабардор қилишнинг мутлақо янги тизимини жорий этиш.

6. Баҳоловчи ва риэлторлар хизматини сертификатлаштириш, уларнинг фаолиятини ривожлантириш чораларини кўриш.

7. Тўловга қобилиятсизлик ишлари бўйича давлат сиёсатини амалга ошириш.

## 1.3. Ҳисобот даврининг муҳим воқеалари

2023 йилда мамлакатимизда хусусийлаштириш ва давлат иштирокидаги корхоналарнинг корпоратив бошқарув жараёнларининг янги босқичларига олиб чиқиш бўйича қатор ишлар амалга оширилди. Бунда, давлат активларини сотишнинг барча босқичларида очиқ, шаффоф ва ошкораликни таъминлаш, активлар ўзининг муносиб эгаларига топширилишига эътибор қаратилди.

Жумладан, ҳисобот йилида:

### Биринчи

2021-2025 йилларда давлат иштирокидаги корхоналарни бошқариш ва ислоҳ қилиш стратегияси доирасида Ўзбекистон Республикасининг **“Давлат мулкини бошқариш тўғрисида”ги** Қонуни қабул қилинди *(2023 йил 9 март, ЎРҚ-821)*.

**“Акциядорлик жамиятлари тўғрисида”ги** Қонун лойиҳаси *(янги таҳрирда)* ишлаб чиқилиб, манфаатдор вазирлик ва идоралар билан келишилди ҳамда Вазирлар Маҳкамасига киритилди;

Давлат иштирокидаги корхоналарда Халқаро молия институтлари билан ҳамкорликда корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштиришга қаратилган қуйидаги ҳужжатлар ишлаб чиқилди:

- **Давлат иштирокидаги корхоналар учун корпоратив бошқарув қоидалари** *(янги таҳрирда)*;

- **Ахлоқ кодекси** ва уни тўлақонли жорий этиш учун **Коррупцияга қарши курашиш сиёсати, Манфаатлар тўқнашувини бошқариш сиёсати** ва **Қоидабузарликлар ҳақида хабардор қилиш сиёсати.**

Жаҳон банкининг “Институционал салоҳиятни ошириш - IBL” лойиҳаси доирасида “Strikitsa Consulting” Лтд (Буюк Британия) билан ҳамкорликда 100 та халқаро менеджерлар билан суҳбатлар ўтказилди. [1]

### Иккинчи

Ҳисобот йилида Давактив агентлиги томонидан ишлаб чиқилган жами **56 та** норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган бўлиб шундан, **2 та** Ўзбекистон Республикаси Қонуни, **7 та** Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳужжатлари *(3 та Фармон, 3 та қарор ва 1 та фармойиш)*, **39 та** Вазирлар Маҳкамаси ҳужжатлари *(20 та қарор ва 19 та фармойиш)* ва **3 та** идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ташкил этади.

Шунингдек, хусусийлаштириш жараёнларини жадаллаштириш ва шаффофлигини таъминлаш бўйича **“Давлат мулкини хусусийлаштириш тўғрисида”ги** қонун лойиҳаси ишлаб чиқилиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенатини томонидан маъқулланди. Мазкур Қонун жорий йилнинг 14 февраль куни ЎРҚ-907 рақами билан қабул қилинди.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Иқтисодиётда давлат иштирокини қисқартиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида” 2023 йил 24 мартдаги ПҚ–102-сон қарори қабул қилинди.

Шунингдек, тегишли хусусийлаштириш дастурларига мувофиқ **2023 йилда 20,9 трлн. сўм**лик **5,3 минг**дан ортиқ активлар, шу жумладан давлат улушлари, кўчмас мулк объектлари ва ер участкаларини оммавий савдоларга чиқарилган.

Ушбу даврда **2 008 та давлат активлари 11,4 трлн. сўмга** сотилди ва **9,6 трлн. сўм тушум таъминланди.**

[1] Стратегия доирасида амалга оширилган ишлар мазкур ҳисоботнинг II-бўлимида келтирилган

Сотилган активларнинг **7 таси хорижий инвесторларга 532,5 млн. АҚШ доллари**га сотилган. Жумладан, **“Фарғонаазот” АЖ устав капиталидаги** 99,02 фоиз давлат акция пакети **Сингапур Республикасининг “Индорама Петчем б.в.”** компаниясига корхонани модернизация қилиш учун **100,0 млн. АҚШ доллари инвестиция киритиш** мажбурияти билан **130,0 млн. АҚШ доллари**га сотилган.

## Учинчи

**Тадбиркорлик ва шаҳарсозлик фаолиятини ташкил** этиш учун қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган **23 мингдан ортиқ** *(4,9 минг гектар)* ер участкалари аукцион савдоларига чиқарилган.

Ушбу ер участкаларининг **13 минг таси** *(1,9 минг гектар)* **1,2 трлн сўм**га *(бошланғич нархига нисбатан 57% қимматроқ ёки **447,9 млрд сўм**га)* сотилиб, **875 млрд сўм** тушум туширилиши шундан **469 млрд сўми маҳаллий бюджетларга ўтказилиши таъминланган.**

Фуқаролар ва юридик шахслар томонидан ўзларига тегишли бўлган қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини хусусийлаштириш бўйича “Yerxususiylashtirish” ААТга **56 981 та** шундан, 2023 йилда **26 559 та** аризалар келиб тушган бўлиб, шундан, **12 279 та** давлат ордери берилган ҳамда жисмоний ва юридик шахслар томонидан **102,3 млрд сўм** тўловлар тўланган.

## Тўртинчи

Ҳоким ёрдамчилари томонидан **электрон платформага жами 5 636 та буюртманомалар келиб тушган** *(1 189 таси сотиш, 1 528 таси ижарага бериш ва 2 919 таси ер участкаси масаласида).*

Шундан:

- **341 та**си қабул қилиниб, уларнинг 17 таси сотиш *(4 таси сотилган)*, 324 таси ижарага бериш учун аукцион савдоларига чиқарилган *(109 таси ижарага берилган)*;

- **2 379 та**си бўйича тегишли тушунтириш ва асосларни келтирган ҳолда **жавоб берилган;**

- **2 200 та**си “Yerelektron.uz” дастурига ўтказилган ва **716 та**си ҳоким ёрдамчилари томонидан такроран юборилган.



## Бешинчи

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 24 мартдаги ПҚ-101-сон қарорига мувофиқ давлат органлари ва муассасалари, давлат иштирокидаги корхоналарнинг маъмурий биноларнинг бўш майдонлари ижарага бериш учун электрон онлайн-аукцион савдоларига чиқариш ва ижара шартномалари солиқ органларининг “E-ijara” электрон тизимида рўйхатдан ўтказиш тартиби жорий қилинган бўлиб, **шартномаларни имзолаш онлайн тарзда** савдо платформасида амалга ошириш имконияти яратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 12 июндаги ПФ–91-сон Фармонига асосан 2023 йил 1 июлдан бошлаб давлат мулки бўлган моддий маданий мероснинг кўчмас мулк объектларини **ҳунармандчилик фаолияти билан шуғулланиш**, шу жумладан ҳунармандчилик маҳсулотларини реализация қилиш учун фақат “Халқ амалий санъати усталарининг миллий каталоги” ва “Туризм соҳасида фаолият юритаётган ҳунармандлар реестри”га киритилган ҳунармандларга электрон онлайн-аукцион орқали **ижарага бериш тартиби жорий этилди.**

Бунда, савдо платформасида “Маданий мерос объектларини ҳунармандларга ижарага бериш” тоифаси яратилиб, савдо платформаси “Халқ амалий санъати усталарининг миллий каталоги” ва “Туризм соҳасида фаолият юритаётган ҳунармандлар реестри” ахборот тизимларига **интеграция қилинди.**

Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 25 мартдаги 127-сон қарори юзасидан савдо платформасида “Давлат объектларини телекоммуникация операторларига ижарага бериш” **тоифаси яратилиб**, телекоммуникация воситаларини жойлаштириш учун телекоммуникация операторларига **ижарага берилиш йўлга қўйилган.**

Шунингдек, Президент ва ҳукумат қарорларига асосан 2023 йилда **“Микромарказлар учун давлат мулкини ижарага бериш”, “Микромарказлар учун ер участкаси”, “Гидроэлектр станцияларини қуриш ҳуқуқи”, “Сув ҳавзасини ижарага бериш”** савдо тоифалари яратилиб, ушбу йўналишларда аукционлар ўтказиш имкониятлари ишга туширилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 4 октябрдаги 526-сон ҳамда 16 октябрдаги 540-сон қарорлари ижроси юзасидан **“E-auksion shop” электрон савдо дўкони** ишлаб чиқилиб, **ишга туширилди.**



Шу билан бирга, Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 28 октябрдаги 572-сон қарорига мувофиқ “Давлат мулки объектлари билан савдоларни ўтказиш тўғрисидаги **маълумотларни жойлаштириш портали”** ишлаб чиқилиб, **ишга туширилди.**

**“E-auksion” электрон савдо платформаси**

E-AUKSION

**26** турдаги мол-мулклар ва фойдаланиш ҳуқуқлари

**19,7** трлн. сўм бошланғич нарх билан

**336 538** та аукцион ва танлов савдоларига чиқарилган

**Аукцион савдоларига**

**19 726,1** млрд. сўм бошланғич нарх билан

**92 101** та мол-мулклар ва фойдаланиш ҳуқуқлари чиқарилган

57.41%

**52 873** таси

**8 138,0** млрд. сўмга

(1 657,8 млрд. сўм қимматроқ) реализация қилинган

**Танлов савдоларига**

**226 586,6** гектар ер майдони

**244 437** та ер участкалари чиқарилган

87.59%

**198 471,3** гектар ер участкалари бўйича

**249 617** та танлов ғолиблари аниқланган

**Ҳисобот даврида ўтган аукцион ва танлов савдоларида иштирок этиш учун жами**

**799 049** та аризалар келиб тушган

## Олтинчи

Давлат мулки ва давлат иштирокидаги корхоналар ҳисобини юритиш property.davaktiv.uz ахборот тизими орқали амалга оширилади. Давлат иштирокидаги корхоналар 2024 йил 1 январь ҳолатига **2 116 та**ни ташкил этди.

**Давлат активларининг ташкилий-ҳуқуқий шакли бўйича**

**28 512** та жами

**240** та акциядорлик жамиятлари: **43** та 25 фоизгача ▶ **41** та 25-50 фоизгача ▶ **112** та 51-99 фоизгача ▶ **41** та 100 фоиз

**1 350** та масъулияти чекланган жамиятлар: **104** та 25 фоизгача ▶ **146** та 25-50 фоизгача ▶ **570** та 51-99 фоизгача ▶ **542** та 100 фоиз

**477** та давлат унитар корхоналари

**26 415** та давлат муассасалари

Шунингдек, **property.davaktiv.uz** ахборот тизимига **25 851 та** давлат корхона ва муассасалари томонидан ўзларига бириктирилган **73 912 та** ҳисоб объектлари тўғрисидаги маълумотлар тақдим этилган. Жумладан:

| КЎЧМАС МУЛК ОБЪЕКТЛАРИ | АВТОТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИ | ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК ОБЪЕКТЛАРИ |
|---|---|---|
| **40 363** та | **33 487** та | **62** та |

Шунингдек, Республика мулкидан самарали фойдаланишни ташкил этиш мақсадида давлат кўчмас мулк объектлари бир давлат ташкилотидан бошқа бир давлат ташкилотига ўтказиш бўйича Давактив агентлигининг **85 та қарори қабул қилинди.**

## Еттинчи

Давлат иштирокидаги корхоналарни бошқариш ва ислоҳ қилиш Стратегиясида кўзда тутилган бир қатор чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадида ЕТТБ кўмагида **4 та хорижий** ва **1 та маҳаллий** эксперт компанияси жалб қилиниб, ушбу чора-тадбирларни ижро этиш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилди.

**2 072 та давлат иштирокидаги** *(тугатиш жараёнида, фаолиятсиз, ҳисобот топширмаганлардан ташқари)* корхоналардан **1 489 та**си 2023 йил якуни бўйича солиқ органларига ва "Давлат мулки" сайтига ҳисобот тақдим этган *(шу жумладан 23 та йирик стратегик корхона)*.

Давлат иштирокидаги корхоналар томонидан 2022 йил якуни бўйича давлат улушига ҳисобланган дивиденд (ажратма)лардан давлат бюджетига 2023 йилда **1 056 та** корхоналар томонидан **26,0 трлн. сўм** тўланган.

**Зарар кўрган ва иқтисодий таваккалчилик ҳолатидаги 177 та** давлат иштирокидаги корхоналарни **2023 йилда** молиявий соғломлаштиришга қаратилган **"йўл хариталари" — дастурлари** ишлаб чиқилди. Жумладан:

| ФАОЛИЯТСИЗ, ТУГАТИШ ЖАРАЁНИДА ВА ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН | ДАВЛАТ УЛУШИ СОТИЛГАН | "ЙЎЛ ХАРИТАСИ" ИЖРОСИ БЎЙИЧА МОНИТОРИНГИ ОЛИБ БОРИЛГАН |
|---|---|---|
| **6** та корхоналар | **3** та корхоналар | **168** та корхоналар |

**"ЙЎЛ ХАРИТАСИ" ИЖРОСИ БЎЙИЧА МОНИТОРИНГИ ОЛИБ БОРИЛГАН КОРХОНАЛАРДАН 2023 ЙИЛ ЯКУНЛАРИГА КЎРА**

| | | | |
|---|---|---|---|
| **133** та корхоналар | **2 719** млрд. сўм соф фойда | **35** та корхоналар | **577** млрд. сўм зарар |

## Саккизинчи

**Тўловга қобилиятсизлик соҳасида:**

**а)** Тадбиркорлик субъектлари учун хўжалик жамиятининг тўловга қобилиятсизлиги (банкротлиги) тўғрисида маълумотларни "**my.gov.uz**" орқали олиш **имконияти яратилди.**

**б) 2023 йил 1 декабрдан бошлаб**, "Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида назарда тутилган маълумотларни суд бошқарувчилари томонидан ўз кабинети орқали Давактив агентлигининг расмий **веб-сайтида эълон** қилиб бориш амалиёти йўлга қўйилди.

**в)** “Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан амалдаги қонун ҳужжатлари *(21.02.2024 йилдаги ЎРҚ-911-сон Қонун)*, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари *(12.07.2023 йилдаги ПФ–109-сон фармон)* ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг ҳужжатлари *(21.07.2023 йилдаги 304-сон қарор)* ушбу Қонунга мувофиқлаштирилди.

**г)** 2023 йилнинг ҳисобот даврида 14 781 та (2 824 таси 2022 йилдан ўтган, 11 957 таси 2023 йилда банкрот деб топилган) корхоналарда (мулки мавжуд – 348 та) тугатиш ишлари олиб борилиб, уларнинг 6 776 тасида (4 828 таси 2023 йилда банкрот деб топилган) тугатиш ишлари якунланган (мулки мавжуд – 116 та), қолган 8 005 тасида (мулки мавжуд – 232 та) тугатиш ишлари давом этмоқда.

**д)** банкрот корхоналарнинг жами 392,9 млрд.сўмлик кредиторлик қарздорликлари, хусусан солиқ ва йиғимлардан 30,1 млрд.сўм, иш ҳақидан 11,7 млрд.сўм, банк кредитидан 202,3 млрд.сўм ҳамда бошқа хўжалик юритувчи субъектлардан 148,8 млрд.сўм қарздорликлари қопланган.

Шунингдек, иқтисодий суднинг ажримларига асосан 8 та корхоналарга нисбатан тўловга қобилиятсизликнинг суд санацияси ҳамда 3 та корхоналарга нисбатан ташқи бошқарув таомиллари жорий этилиб, санация ва ташқи бошқарув режаларига мувофиқ корхоналарни молиявий соғломлаштириш чора-тадбирлари амалга оширилмоқда.

**е)** суд бошқарувчилари талабгорларига малака аттестатини бериш бўйича давлат хизмати давлат хизматлари марказлари ва Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали кўрсатиш амалиёти жорий этилди.

Шу сабабли, 74 нафар суд бошқарувчиси талабгори мурожаатига мувофиқ улар аттестациядан ўтказилди ва уларнинг 55 нафарига суд бошқарувчиси аттестати берилди, натижада уларнинг умумий сони 331 тага етказилди.

## Тўққизинчи

**Баҳолаш ва риэлторлик фаолияти соҳасида:**

**а)** Баҳолаш ва риэлторлик соҳасидаги хорижий тажрибани ўрганган ҳолда **“Баҳолаш фаолияти тўғрисида”** ва **“Риэлторлик фаолияти тўғрисида”**ги Қонунларнинг янги таҳрирдаги дастлабки лойиҳалари ишлаб чиқилди.

**б)** Баҳоловчи ва риэлторнинг малака сертификатини олиш учун талабгорлардан аризалар қабул қилиш, малака сертификатини расмийлаштириш ва қайта расмийлаштириш ҳамда баҳоловчиларга тоифа гувоҳномаларини бериш жараёнларини **тўлиқ Ягона интерактив давлат хизматлари портали (my.gov.uz)** орқали **йўлга қўйилди.**

**в)** Ягона миллий баҳолаш стандартини қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш юзасидан консультант сифатида танлаб олинган **PwC компанияси** томонидан Ягона миллий баҳолаш стандартини такомиллаштириш юзасидан таклиф ва тавсиялар тақдим этилди.

Шу билан бирга, баҳолаш соҳасидаги профессионал жамоат бирлашмаларидан таклифлар олиниб, **Ягона миллий баҳолаш стандартининг** *(ЯМБС)* **янги таҳрири ишлаб чиқилди** *(ID-85337)* ҳамда жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилиб, келиб тушган таклифлар асосида стандарт лойиҳаси қайта ишлаб чиқилди ва **Адлия вазирлигида 2023 йил 28 декабрда 3487-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.**

**г) 2023 йил бошидан баҳоловчиларга ва риэлторларга малака сертификатлари берилди — 365 та**

БАҲОЛОВЧИЛАР **206 та**

РИЭЛТОРЛАР **159 та**

**БУГУНГИ КУНДА РЕСПУБЛИКАДА БАҲОЛОВЧИ ВА РИЭЛТОРЛАРДА МАЛАКА СЕРТИФИКАТЛАРИ АМАЛ ҚИЛАДИ**

БАҲОЛОВЧИЛАР **876 та**

РИЭЛТОРЛАР **586 та**

**д)** Баҳолаш хизматлари истеъмолчилари томонидан баҳоловчи ташкилотлар ҳолатини шаффофлик, ишончлилик ва рақобат принциплари асосида таҳлил ва прогноз қилиш, уларнинг бозорда эгаллаган ўрни ҳамда бошқа мезонларга қараб таҳлил қилиш мақсадида 2023 йил 14 ноябрда “Баҳоловчи ташкилотларнинг рейтинги ва ренкингини юритиш тартиби тўғрисида”ги Низом тасдиқланди ва **баҳоловчи ташкилотларнинг рейтинги ва ренкингини аниқлаш жорий этилди.**

**е)** Давактив агентлигининг **www.davbaho.uz** доменида Баҳолаш фаолиятининг ягона ахборот платформасида баҳоловчи ташкилотлар томонидан баҳолаш фаолияти тўғрисидаги маълумотлар шакли электрон рақамли имзо (E-Imzo) орқали тақдим этилиши йўлга қўйилган.

**“Баҳолаш фаолиятининг ягона ахборот платформаси” электрон дастури такомиллаштирилди.**

Платформага **6 та** янги саҳифалар қўшилиб *(“Норматив ҳуқуқий ҳужжатлар”, “Соҳага оид лойиҳалар”, “Статистика”, “Экспертиза”, “Рейтинг” ҳамда “Жамоат ташкилотлари”)* улар тегишли маълумотлар билан тўлдирилди.

**ё)** Судлар сўровларига кўра экспертизадан ўтказиш бўйича **43 маротаба** Эксперт комиссияси иши ташкил этилиб, **24 та эксперт хулосалари тайёрланиб судларга юборилди** *(бунда **206,8 млрд. сўм**лик баҳолаш қийматига эга бўлган объектлар бўйича ҳужжатлар кўриб чиқилиб, хулосалар берилди).*

**ж)** 2023 йил давомида жами **12 та** *(Тошкент шаҳар 1 та, Қашқадарё вилояти 7 та, Сурхондарё 4 та)* баҳоловчиларнинг **малака сертификатлари амал қилиши муддатидан олдин тугатилган.**

## Ўнинчи

**Рақамлаштириш соҳасида:**

**а)** 2023 йил I ярим йиллик якуни бўйича рақамли трансформация ҳолатини рейтинг баҳолаш натижаларига кўра **92,17** фоиз натижа билан давлат органлари ўртасида **иккинчи ўринни эгаллади.**

**б)** Ягона интерактив давлат хизматлари портали (***my.gov.uz***) орқали **5 та давлат хизматларини** кўрсатиш **йўлга қўйилиб**, уларнинг сони **15 та**га етказилди.

*(“Баҳоловчиларга тоифа бериш учун ариза бериш, “Баҳоловчининг малака сертификатини қайта расмийлаштириш”, “Риэлторларнинг малака сертификатини қайта расмийлаштириш”, “Хўжалик жамиятининг тўловга қобилиятсизлиги (банкротлиги) тўғрисида маълумот олиш”, Кўчмас мулк объектлари ва давлат улушлари хусусийлаштирилганлиги тўғрисидаги давлат намунасидаги ордер ва сертификатларни тақдим этиш).*

**в)** Давактив агентлиги ҳамда **11 та вазирлик ва идоралар ўртасида электрон ахборот алмашинуви тизими йўлга қўйилди** *(Адлия вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Кадастр агентлиги, Рақамли технологиялар вазирлиги, Транспорт вазирлиги, Инвестициялар, савдо ва саноат вазирлиги, Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси, Ҳисоб палатаси, Мажбурий ижро бюроси, Маданий мерос агентлиги).*

**г)** Ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича Давактив агентлигининг ахборотлаштириш объектлари, расмий веб-сайти *(davaktiv.uz)* ва мавжуд барча ахборот тизимлари ахборот ва **киберхавфсизлик талабларига мувофиқлиги бўйича экспертизадан ўтказилди** ҳамда **лицензияланган дастурий маҳсулотлар** жорий қилинди.



## Тўққизинчи

**Халқаро ҳамкорлик соҳасида**

**а) 104 та** дан ортиқ учрашувлар ўтказилди, **10 та** соҳага оид вебинар ва тренинглар ташкил этилди. Шунингдек, **7 та** халқаро семинарларда Давактив агентлиги ходимлари иштирок этди.

**б)** Жаҳон банкининг IBL лойиҳаси доирасида хорижий консультантларни жалб қилиш мақсадида **4 та техник вазифалар** ишлаб чиқилиб, келишиш учун Жаҳон банкига юборилди.

**в)** Женева шаҳрида *(Швейцария Конфедерацияси)* бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикасининг **Жаҳон савдо ташкилоти** *(ЖСТ)*га қўшилиши бўйича **Ишчи гуруҳининг 6** ҳамда **7 йиғилиши** доирасида иштирок этилди. Бунда, ЖСТга аъзо бўлиш юзасидан Давактив агентлигининг тегишли хулосалари, **Европа Иттифоқи, АҚШ, Россия, Туркия, Австралия, Британия, Парагвай** ҳамда **Швейцария** давлатларидан йўлланган саволларга тегишли асослантирилган жавоблар тайёрланди ва тақдим этилди.

**г) 14 та** Ҳукуматлараро комиссия йиғилишлари баёнлари юзасидан маълумотлар ва ҳамкорлик таклифлари тайёрланди. Жумладан, сотилиши белгиланган давлат активлари бўйича **Roadshow** ва **давра суҳбатлари**ни ўтказиш билдирилган.

**д) 12 та** юқори даражадаги халқаро **форумларда** хорижий ишбилармон соҳа вакиллари учун **хусусийлаштириш** ва **корпоратив бошқарув** йўналишлари бўйича тақдимотлар ўтказилди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг **Сингапур**га давлат ташрифи доирасида 2023 йил 16 январь куни ташкил этилган **Ўзбек-Сингапур бизнес** форумида;

2023 йил 28 февраль 2 март кунлари **Берлин** ва **Гамбург** шаҳарларида ташкил этилган **Германия-Ўзбекистон** ҳамда **"Гамбургда Ўзбекистон иқтисодиёти куни"** бизнес форумларида;

2023 йил 27-28 апрель кунлари Тошкент шаҳридаги Конгресс залида АҚШ, Европа Иттифоқи, Буюк Британия, МДҲ, Туркия, Хитой, Жанубий-Шарқий Осиё, Ҳиндистон, Миср, яқин Шарқ мамлакатларидан **2,5 мингдан ортиқ** иштирокчи иштирок етган **иккинчи Тошкент халқаро сармоявий** форумида;

2023 йил 16-18 май кунлари Самарқанд шаҳрида Европа тикланиш ва тараққиёт банки (ЕТТБ) Бошқарувчилар кенгашининг 32 йиллик йиғилиши доирасида ташкил этилган бизнес-форум ва учрашувларда.

Шунингдек, 2023 йил декабрь ойида ўтказилган **Ўзбекистон–Англия, Ўзбекистон–Саудия Арабистони** ҳамда **Ўзбекистон–Туркия** бизнес форумларида Давлат активларини бошқариш агентлиги томонидан "Ўзбекистонда хусусийлаштириш ва корпоратив бошқарув соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар" мавзусида тақдимотлар *(Roadshow)* ўтказилди.

Шу билан бирга, хусусийлаштириш дастури тўғрисида тақдимотлар тайёрланиб, **1000 та** брошюралар ва **600 та** тақдимот материаллари **Тошкент, Самарқанд, Истанбул** ва **Дубай Халқаро Аэропортларига** ҳамда Тошкент, Самарқанд темир **йўл вокзал**ларига, шунингдек, **йирик меҳмонхоналарга** тарқатилди.

е) Давлат активларини бошқариш агентлиги ҳамда халқаро инвестиция ташкилоти **"Templeton Asset Management Ltd"** *(Сингапур)* ўртасида ва **Ислом тараққиёт банки гуруҳига кирувчи Инвестициялар ва экспорт кредитларини суғурталаш ислом корпорацияси** ўртасида ҳамкорликни йўлга қўйиш юзасидан Ўзаро англашув меморандуми имзоланди.

ё) 2023 йилнинг 12-октябрь куни **Германия Федерал Молия вазирлиги департаменти директори доктор Андреас Керст** бошчилигидаги делегация билан ҳамкорликда Давактив

агентлиги ходимларининг институционал салоҳиятини оширишга қаратилган **“Давлат активларини бошқариш ва хусусийлаштириш бўйича Германия тажрибаси”** мавзусидаги амалий-семинар;

2023 йил 2-9 декабрь кунлари Германия Федерал Молия вазирлиги ҳамда Давактив агентлиги ўртасида имзоланган ҳамкорлик меморандуми доирасида Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси Қонунчилик Палатаси, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси, Вазирлар Маҳкамаси, Давактив агентлиги вакилларидан иборат делегация аъзолари **Германия Федератив Республикасида ўқув амалий ташрифи ташкил этилди.**



# 02

## ДАВЛАТ ИШТИРОКИДАГИ КОРХОНАЛАРНИ БОШҚАРИШ ВА ИСЛОҲ ҚИЛИШ СТРАТЕГИЯСИ





## 2.1. Стратегия тўғрисида маълумот

Охирги йилларда республикада корпоратив бошқарувни такомиллаштириш ва давлатнинг иқтисодиётдаги иштирокини қисқартириш билан боғлиқ тизимли чора-тадбирлар давлат раҳбарининг тегишли топшириқларига мувофиқ илғор халқаро тажриба асосида ишлаб чиқилган, 2021 - 2025 йилларда давлат иштирокидаги корхоналарни бошқариш ва ислоҳ қилиш стратегияси *(кейинги ўринларда - Стратегия)* доирасида амалга ошириб келинмоқда.

Мазкур ҳужжат Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 29 мартдаги 166-сон қарори билан тасдиқланган бўлиб, қуйидаги йўналишлар бўйича бир қатор вазифаларни белгилайди:

- Давлат иштирокидаги корхоналарни бошқариш ва ислоҳ қилишнинг норматив-ҳуқуқий базасини такомиллаштириш;
- Давлат иштирокидаги корхоналарни кескин қисқартириш;
- Давлат иштирокидаги корхоналар фаолиятини тўлиқ бозор механизмларига ўтказиш;
- Корпоратив бошқарувнинг замонавий услубларини жорий этиш;
- Шаффофлик ва маълумотни ошкор қилиш бўйича амалий чора-тадбирлар белгиланди.

*(Стратегия тўғрисидаги батафсил маълумот ва 2021-2022 йилларда унинг ижроси бўйича ахборот 2022 йил якуни бўйича эълон қилинган Йиғма ҳисоботда ёритилган[2]).*

## 2.2. Стратегияни амалга ошириш ҳолати

1. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат мулкини бошқариш тўғрисида”ги **Қонуни қабул қилинди** *(09.03.2023 йилдаги ЎРҚ-821-сон)*;

Ўзбекистон Республикасининг “Хусусийлаштириш тўғрисида”ги Қонуни[3] Олий Мажлис Қонунчили палатаси томонидан қабул қилинди *(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 05.09.2023 йилдаги 3488-IV-сон)*;

**2 Охирги уч йилда устав фондида давлат улуши мавжуд хўжалик жамиятлари, давлат унитар корхоналари ва кўчмас мулк объектлари хусусийлаштирилди**

**300 га яқин**
ХЎЖАЛИК ЖАМИЯТЛАРИ ВА ДАВЛАТ УНИТАР КОРХОНАЛАРИ

**1 600 дан ортиқ**
КЎЧМАС МУЛК ОБЪЕКТЛАРИ

**650 дан ортиқ**
КОРХОНАЛАР ТУГАТИЛДИ

**160 та**
КОРХОНАЛАР ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

[2] https://davaktiv.uz/uz/news/ davlat - mulkini -boshqarish-togrisidagi-qonunga-muvofiq-tayyorlangan-davlat-ishtirokidagi-korxonalarning-faoliyati-natijadorligi-va-davlat-mulkidan-foydalanish-holati-togrisidagi-yigma-hisobot

[3] Ўзбекистон Республикасининг 14.02.2024 йилдаги ЎРҚ-907-сон Қонуни

Бугунги кунда хусусий сектор муваффақиятли фаолият кўрсатаётган ва рақобат ривожланган соҳаларда давлат иштирокини янада қисқартириш мақсадида 2023 йил 24 март куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг **ПҚ-102-сон қарори қабул қилинди.**

Қарорга мувофиқ **1001 та** давлат иштирокидаги корхоналарнинг устав капиталидаги акция пакетлари ва улушлари, шунингдек **1046 та** давлат мулки объектларини сотиш белгиланди.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги ПФ–158-сон Фармони билан тасдиқланган “Ўзбекистон – 2030” Стратегиясида Иқтисодиётда нодавлат сектор улушини **85 фоизга** етказиш, давлат улуши мавжуд **2,3 мингта** корхоналар сонини 6 баробарга камайтириш мақсади қўйилди.



Ҳисобот йилида “сот ёки тушунтир” тамойили асосида **2 200** яқин корхоналар фаолияти таҳлил қилиниб, янги хусусийлаштириш дастури лойиҳаси тайёрланди. Мазкур хусусийлаштириш дастури кейинчалик, жорий йилнинг 26 апрель куни *(ПҚ-162)* қабул қилинди. Қарор билан оммавий савдоларга чиқариладиган **247 та** давлат иштирокидаги акция пакетлари ва улушлар, **1 028 та** давлат ва давлат иштирокидаги корхоналарнинг кўчмас мулк объектлари шунингдек, маҳаллий фонд бозорида акцияларининг бирламчи *(IPO)* ва *(ёки)* иккиламчи *(SPO)* оммавий таклифи ўтказиладиган **12 та** корхоналар рўйхати тасдиқланди.

*(Ҳисобот йилида давлат иштирокидаги корхоналар сонини қисқартириш тўғрисидаги маълумот мазкур ҳисоботнинг 3.1.-бандида келтирилган)*

3. Шунингдек, Жаҳон банкининг “Институционал салоҳиятни ошириш IBL” лойиҳаси доирасида **38 та** давлат иштирокидаги йирик корхоналар кузатув кенгашлари таркибига халқаро тажрибага эга бўлган **79 та** мустақил аъзоларни жалб этиш, шунингдек кейинчалик давлат иштирокидаги корхоналарнинг бошқарувига киритиш учун **100 нафар** малакали ва салоҳиятли бошқарувчилар захирасини шакллантириш мақсадида “Strikitsa Consulting Ltd” (Буюк Британия) компанияси билан ҳамкорликда **99 та** халқаро мутахассислар билан суҳбатлар ўтказилди. Суҳбатлар натижалари бўйича номзодларнинг давлат иштирокидаги корхоналар кузатув кенгашларига таклиф қилинадиган рўйхати *(short list)* аниқланиб, жамиятлар умумий йиғилиши томонидан сайлаш учун тақдим қилинмоқда.

4. Давактив агентлиги томонидан 2022 йил якуни бўйича Йиғма ҳисобот Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Вазирлар Маҳкамасига тақдим қилинди ҳамда Давактив агентлигининг сайтида[4] жойлаштирилди.

5. Давлат иштирокидаги корхоналарнинг веб-сайтларини мониторинг қилиш тизими йўлга қўйилди.

Хусусан, Давактив агентлигида тузилган махсус ишчи гуруҳ ҳар чорак якуни бўйича давлат иштирокидаги корхоналарнинг веб-сайтлари мавжудлиги, уларнинг актуал маълумотлар билан тўлдирилганлиги ва доимий равишда янгиланиб боришини кузатиб боради[5].

Ўрганиш натижалари бўйича тузилган таҳлилий маълумот Вазирлар Маҳкамасига киритилди ва корхоналарга аниқланган камчиликларни бартараф қилиш бўйича кўрсатмалар берилди.

6. Давлат мулкини бошқариш соҳасида давлат органлари, шу жумладан давлат муассасаларининг (давлат мулкини бошқариш субъектлари) очиқлиги ва ҳисобдорлигини ошириш орқали кенг жамоатчиликнинг ишончини кучайтириш мақсадида “Давлат мулкини бошқариш тўғрисида”ги Қонунга шаффофликка оид талаблар киритилди.

Хусусан, давлат мулкини бошқариш субъектлари оммавий ахборот воситаларида ва ўзининг расмий веб-сайтларида давлат мулкини бошқариш самарадорлиги тўғрисидаги ҳисоботини, давлат мулкининг яхлитлиги ва бут сақланишини таъминлаш билан боғлиқ харажатларни эълон қилиб бориши лозим.

Шу билан бирга, давлат мулкини жисмоний ва нодавлат юридик шахсларга реализация қилиш, шунингдек ижарага ва ишончли бошқарувга бериш оммавий савдолар орқали *(аукционлар, танловлар ёки музокараларга оммавий таклиф этиш йўли билан)* амалга оширилиши белгиланди.

Бундан ташқари, масъулиятли бизнес юритишни назарда тутувчи, CSR ва ESG тамойилларига асосланган ҳисобдорлик тизимини жорий этиш мақсадида Давактив агентлиги томонидан мазкур ҳисобдорлик тизимини жорий этиш босқичлари бўйича таклифлар ва ҳисобот шакли ишлаб чиқилди.

[4] https: // davaktiv.uz / uz/news/davlat-mulkini-boshqarish-togrisidagi-qonunga-muvofiq-tayyorlangan-davlat-ishtirokidagi-korxonalarning-faoliyati-natijadorligi-va-davlat-mulkidan-foydalanish-holati-togrisidagi-yigma-hisobot

[5] 2023 йил якуни бўйича мониторинг натижалари ҳисоботнинг 6.2-бандида келтирилган


IPO
SPO

# 03

## ДАВЛАТ ИШТИРОКИДАГИ КОРХОНАЛАР ВА УЛАРНИНГ МОЛИЯВИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ


2023
2022
+0.68
2021
+1.53


# 3.1. Давлат иштирокидаги корхоналар сони

2024 йил 1 январь ҳолатига давлат иштирокидаги корхоналар сони **2 116 тани**, шундан **238 таси** акциядорлик жамиятлари *(кейинги ўринларда – АЖ)*, **1362 таси** масъулияти чекланган жамият *(кейинги ўринларда – МЧЖ)* ва **516 таси** давлат унитар корхоналари *(кейинги ўринларда – ДУК)* ташкил қилган.

**Корхоналарнинг ташкилий шакли** **2 116та**




Кўриниб турганидек, ҳисобот йилида давлат тасарруфидаги корхоналар сони 2022 йилга нисбатан камайган. Бунда, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукумат қарорлари асосида **266 та** корхона давлат тасарруфига ўтказилган.

**Давлат иштирокидаги корхонлар сони**



Шу билан бирга, ўтган йил давомида **62 та** корхона давлат тасарруфидан чиқарилган, **170 таси** тугатилган, **258 таси** давлат муассасига айлантирилган.

Давлат тасарруфидаги корхоналарнинг **1 684 таси** фаолиятли, **264 таси** фаолиятсиз ҳамда **168 таси** тугатиш жараёнида.

## Корхонларнинг фаолияти ҳолати




Бугунги кунда олиб борилаётган ислоҳотлар доирасида давлат унитар корхонаси шаклида фаолият юритиб келаётган корхоналар хўжалик жамияти шаклида қайта ташкил этилади.

Давлат иштирокидаги корхоналарнинг аксарияти Тошкент шаҳрида жойлашган – 716 та ёки 33,8%, шулардан 260 таси ёки 36,3% - ДУК.

## Тошкент шаҳрида жойлашган Давлат иштирокидаги корхоналар



## Давлат иштирокидаги корхоналар, ҳудудлар кесимида:

| Ҳудуд | Корхона-лар сони | АЖ | МЧЖ | ДУК |
|---|---|---|---|---|
| Қорақалпоғистон Республикаси | 87 | 7 | 63 | 17 |
| Андижон вилояти | 98 | 8 | 76 | 14 |
| Бухоро вилояти | 94 | 16 | 59 | 19 |
| Жиззах вилояти | 84 | 3 | 63 | 18 |
| Қашқадарё вилояти | 190 | 13 | 157 | 20 |
| Навоий вилояти | 86 | 8 | 59 | 19 |
| Наманган вилояти | 120 | 5 | 90 | 25 |
| Самарқанд вилояти | 107 | 8 | 85 | 14 |
| Сурхондарё вилояти | 109 | 3 | 97 | 9 |
| Сирдарё вилояти | 69 | 5 | 44 | 20 |
| Тошкент вилояти | 156 | 12 | 106 | 38 |
| Фарғона вилояти | 131 | 16 | 86 | 29 |
| Хоразм вилояти | 69 | 10 | 45 | 14 |
| Тошкент шаҳар | 716 | 124 | 332 | 260 |
| **Жами:** | **2 116** | **238** | **1 362** | **516** |

Ушбу корхоналарнинг **147 таси**да давлат улуши 25 фоиздан кам, **138 таси**да 25 фоиздан 50 гача *(50 фоиз кирмаган)* ва қолган **1 831 таси**да давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ ҳисобланади.

Давлат корхоналарининг энг катта улуши ахборот ва алоқа соҳасига тўғри келади *(6,6%)*.

**Давлат иштирокидаги корхоналар соҳалар кесимида**




Шунингдек, савдо соҳасида (6%) ва қурилиш соҳасида (5%) давлат корхоналари кўп. Ахборот ва алоқа соҳасидаги кўпчилик корхоналар ДУК шаклида фаолият юритади.

## 3.2. Давлат иштирокидаги корхоналарда акциядор (иштирокчи, мулкдор) функциясини бажарувчи давлат органлари

Давлат иштирокидаги корхоналарда акциядор *(иштирокчи, муассис)* функцияси **72 та** вазирлик ва идоралар томонидан амалга оширилади.

**Давлат иштирокидаги корхоналарда акциядор (иштирокчи, мулкдор) функциясини бажарувчи органлар**



## 3.3. Давлат иштирокидаги корхоналарнинг йиғма кўрсаткичлари

Давлат мулкининг ҳисоби ягона марказлаштирилган электрон ахборот базасининг маълумотлари асосида юритилади.

“Давлат мулкини бошқариш тўғрисида”ги қонуннинг 48-моддасига асосан давлат мулки реестрини шакллантиришда Давактив агентлиги қуйидаги ташкилотларнинг дастлабки маълумотларидан фойдаланади:

▶ акциядорлик жамиятларининг устав капиталларидаги давлат улуши бўйича - Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси акциядорлик жамиятининг;

▶ масъулияти чекланган жамиятларнинг устав капиталларидаги давлат улуши, давлат унитар корхоналари ва давлат муассасалари, шунингдек давлат мулки бўлган интеллектуал мулк объектлари бўйича - Адлия вазирлигининг;

▶ давлат мулки бўлган кўчмас мулк объектлари бўйича - Кадастр агентлигининг;

▶ давлат мулки бўлган моддий маданий мерос объектлари бўйича - Маданий мерос агентлигининг;

▶ давлат мулки бўлган автотранспорт воситалари бўйича - Ички ишлар вазирлигининг.

Шу билан бирга, корхоналар томонидан амалга оширилган харидлар бўйича **“Ўзбекистон Республика товар-хом ашё биржаси” АЖ** ва Ўзбекистон Республикаси Электрон кооперация порталининг **(cooperation.uz)** ахборот тизими билан ўзаро ахборот алмашинуви йўлга қўйилган[6].

Мавжуд маълумотлар асосида **ҳисоботлари тақдим этилган** жами **1 618 та** давлат иштирокидаги корхоналарнинг **2023 йил якуни** бўйича фаолияти таҳлил қилинди.

**Давлатнинг тўғридан тўғри ва билвосита эгалигидаги корхоналар ва давлат муассасаларининг фаолияти таҳлили**




[6] Ушбу ҳисоботда келтирилган маълумотлар давлат иштирокидаги корхоналар тўғрисида Давактив агентлигида мавжуд маълумотлар асосида шакллантирилган, айрим корхоналар томонидан молиявий ва бошқа ҳисоботлари аудиторлик текширувдан кейин қайтадан топширилган ёки ўзгартирилган бўлиши мумкин.




Ялпи қўшилган қийматдаги (ЯИМ) улуши кўрсаткичи давлат корхоналарининг иқтисодиётдаги улуши қисқарганлигидан далолат беради.

## Жами активлари

Корхоналарнинг жами активлари **1 197 931,2 млрд.**сўмни ташкил этиб, ўтган йилга *(1 061 240,2 млрд.сўм)* нисбатан 13 фоизга кўпайган. Бунда активларнинг 90,4 фоизи **36 та** йирик корхоналар *(557 961,3 млр.сўм)*, шу жумладан **14 та** тижорат банклари (517 412,4 млрд.сўм) ва **2 та** суғурта компаниялари *(7 750,8 млрд.сўм)* ҳиссасига тўғри келади (1-иловага қаранг).

### Активлари юқори бўлган корхоналар

#### ЙИРИК КОРХОНАЛАР

“Навоий КМК” АЖ
**127 814,1** трлн.сўм
*(ўсиш 104,0%)*

“Ўзбекнефтгаз” АЖ
**89 087,9** трлн.сўм
*(ўсиш 113,3%)*

“Олмалиқ КМК” АЖ
**55 093,9** трлн.сўм
*(115,5%)*

“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ
**40 203,1** трлн.сўм
*(103,3%)*

“Ўзтрансгаз” АЖ
**32 172,9** трлн.сўм
*(93,5%)*

“Ҳудудий электр тармоқлари” АЖ
**29 412,7** трлн.сўм
*(89,3%)*

#### ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ

“Ўзбекистон Республикаси ТИФ миллий банки” АЖ
**127 502,9** трлн.сўм
*(ўсиш 106,3%)*

“Ўзсаноатқурилишбанк” АЖ
**74 634,4** трлн.сўм
*(ўсиш 116,1%)*

“Агробанк” АЖ
**66 699,7** трлн.сўм
*(ўсиш 125,7%)*

“Асакабанк” АЖ
**58 014,4** трлн.сўм
*(ўсиш 113,4%)*

“Халқ банки” АЖ
**36 602,8** трлн.сўм
*(115,6%)*

Умуман олганда, **жами активлари 725 та** корхоналарда ўтган йилга нисбатан **кўпайган** бўлса, **636 тасида камайган** ва **69 тасида** ўзгаришлар кузатилмаган.

Масалан, 2 та йирик корхоналарда *(“Ўзбекгеофизика” АЖда 11,0%га, “Ўзтрансгаз” АЖда 6,5%га)* **камайган.**

## Дебиторлик қарздорлик

Корхоналарнинг жами **дебиторлик** қарздорлиги **137 616,8 млрд.** сўмни *(ўтган йилга нисбатан 31,0 фоизга ўсган)* ташкил этган, дебиторлик қарздорликнинг **77,6 фоизи** ёки **106 816,5 млрд.** сўми **52 та** йирик корхоналарга тўғри келади.

Ўтган йилга нисбатан дебиторлик қарздорлик **637 та** корхонада 63 349,4 млрд.сўмга **кўпайган** бўлса, **503 та** корхонада 6 360,2 сўмга **камайган**, шунингдек, 136 та корхонада ўзгармаган.

### Дебиторлик қарздорлик

**ЙИРИК КОРХОНАЛАРНИНГ**

**40** тасида **23 753,9** млрд.сўмга кўпайган

“Янги Ангрен ИЭС” АЖ — **188,1** фоиз

“Худудий электр тармоқлари” АЖ — **538,8** фоиз

“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ — **204,8** фоиз

“Ўзагросуғурта” АЖ — **246,8** фоиз

“Ўзавтосаноат” АЖ — **176,5** фоиз

“Навоийуран” ДК — **148,8** фоиз

“Ўзбекистон МЭТ” АЖ — **144,1** фоиз

“Ўзбектелеком” АЖ — **145,9** фоиз

“Ўзбекнефтгаз” АЖ — **119,1** фоиз

**ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ҲИСОБГА ОЛИНМАГАНДА ДЕБИТОРЛИК ҚАРЗДОРЛИКЛАРИ ЭНГ ЮҚОРИ БЎЛГАН КОРХОНАЛАР**

“Ўзтрансгаз” АЖ — **16 735,0** млрд.сўм *(йил бошига нисбатан 7,3 фоизга камайган)*

“Ўзбекнефтгаз” АЖ — **14 666,0** млрд.сўм *(ўсиш 20,0 фоиз)*

“Иссиқлик электр станциялари” АЖ — **9 944,2** млрд.сўм *(ўсиш 7,4 фоиз)*

Ҳудудий электр тармоқлари” АЖ — **9 112,7** млрд.сўм *(ўсиш 5,6 баробар)*

“Ўзбекистон МЭТ” АЖ — **8 015,6** млрд.сўм *(ўсиш 44,1 фоиз)*

“Олмалиқ КМК” АЖ — **7 849,8** млрд.сўм *(ўсиш 8,7 фоиз)*

“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ — **6 334,9** млрд.сўм *(ўсиш 2,0 фоиз)*

“UZGASTRADE” АЖ — **5 775,7** млрд.сўм *(ўсиш 29,5 фоиз)*

“Навоий КМК” АЖ — **3 964,0** млрд.сўм *(ўсиш 100,0 фоиз)*

Умуман олганда, **жами активлари 725 та** корхоналарда ўтган йилга нисбатан **кўпайган** бўлса, **636 тасида камайган** ва **69 тасида** ўзгаришлар кузатилмаган.

Масалан, 2 та йирик корхоналарда *("Ўзбекгеофизика" АЖда 11,0%га, "Ўзтрансгаз" АЖда 6,5%га)* **камайган.**

## Дебиторлик қарздорлик

Корхоналарнинг жами **дебиторлик** қарздорлиги **137 616,8 млрд.** сўмни *(ўтган йилга нисбатан 31,0 фоизга ўсган)* ташкил этган, дебиторлик қарздорликнинг **77,6 фоизи** ёки **106 816,5 млрд.** сўми **52 та** йирик корхоналарга тўғри келади.

Ўтган йилга нисбатан дебиторлик қарздорлик **637 та** корхонада 63 349,4 млрд.сўмга **кўпайган** бўлса, **503 та** корхонада 6 360,2 сўмга **камайган**, шунингдек, 136 та корхонада ўзгармаган.

### Дебиторлик қарздорлик камайган корхоналар

**ЙИРИК КОРХОНАЛАР**

| Корхона | Сумма | Улуш |
|---|---|---|
| "Ўзсувтаъминот" АЖ | **66,3** млрд.сўм | *(50,0%)* |
| "Ўзметкомбинат" АЖ | **2 852,8** млрд.сўм | *(34,0%)* |
| "Ҳудудгазтаъминот" АЖ | **2 351,8** млрд.сўм | *(26,8%)* |
| "Ўзбекгидроэнерго" АЖ | **234,2** млрд.сўм | *(8,4%)* |
| "Навоийазот" ДК | **487,7** млрд.сўм | *(4,0%)* |
| "Ўзбеккўмир" АЖ | **412,4** млрд.сўм | *(4,0%)* |

**Йирик бўлмаган** корхоналарда дебиторлик қарздорлиги кўп бўлган корхоналар қаторига "Қишлоқ қурилиш инвест" МЧЖ - 1 504,1 млрд.сўм *(ўсиш суръати 84,2%)*, "Ягона буюртмачи хизмати инжиниринг компанияси" ДУК – 1 412,7 млрд.сўм *(136,7%)*, "ТТЗ" МЧЖ–748,9 млрд.сўм *(121,7%)*, "Grand road Tashkent" АЖни - 410,3 млрд.сўм *(102,0%)* киритиш мумкин.

## Мажбуриятлар

Давлат иштирокидаги корхоналарнинг **жами мажбуриятлари 813 325,9 млрд.**сўм *(ўсиш суръати -114,6%)*ни ташкил этиб, шундан **банк кредитлари** 170 306,3 млрд.сўм *(93,3%)*ни, **жорий кредиторлик қарздорликлари** 138 147,1 млрд.сўм *(117,4%)*ни ёки **ЯИМга** нисбатан 76,2 фоизни ташкил этган.

Жами мажбуриятларнинг давлат корхоналари активларига нисбати 2023 йилда 67,9 фоизни *(2022 йилда 66,9 фоиз)*, банк кредитларининг активларга нисбати 14,2 фоизни *(2022 йилда 17,2 фоиз)* ташкил этди.

Бунда, тижорат банкларни ҳисобга олмаганда корхоналарнинг жами жорий кредиторлик қарздорлиги **132 534,2 млрд.**сўм *(ўсиш суръати 116,3%)*ни ёки **ЯИМга** нисбатан **12,4 фоизни** ташкил этган, шундан жами кредиторлик қарздорликнинг **80,7 фоизи** *(107 020,8 млрд.сўм)* **38 та йирик** корхоналарга тўғри келади *(2-иловага қаранг)*.

Жорий кредиторлик қарздорликлари мавжуд корхоналар орасида **энг кўп қарздорликлари** бўлган корхоналар ичида *(тижорат банкларидан ташқари)* энг кўп қарздорлик "Ўзтрансгаз" АЖда 21 535,2 млрд. сўмни ташкил қилган *(3-иловага қаранг)*.

## Даромадлар

Корхоналарнинг **жами даромадлари 484 106,1 млрд.**сўм *(2022 йилга нисбатан ўсиш суръати 135,5%)*ни ёки **ЯИМга** нисбатан **45,4 фоизни** ташкил этган, жумладан тижорат банкларнинг даромадлари 73 050,9 млрд.сўм, **41 та** йирик корхоналарнинг даромадлари **250 416,8 млрд.сўм**, бошқа корхоналарнинг даромадлари **36 724,1 млрд.сўмни** ташкил этган.

**Даромадларнинг таркибида** соф тушумнинг улуши **82,3 фоиз** *(398 375,9 млрд.сўм)*, молиявий даромад 10,3 фоиз *(46 690,9 млрд.сўм)* ва бошқа даромадлар 7,4 фоиз *(36 253,2 млрд.сўм)*ни ташкил этади.

### Энг кўп даромад олган корхоналар

“Навоий КМК” АЖ
**67 893,1**
**млрд.сўм**
*(жами улуши 14,0%)*

“UZGASTRADE” АЖ
**40 267,1**
**млрд.сўм**
*(8,3%)*

"Олмалиқ КМК" АЖ
**33 508,5**
**млрд.сўм**
*(6,9%)*

Ҳудудий электр тармоқлари” АЖ
**31 759,8**
**млрд.сўм**
*(6,6%)*

"Ўзбекистон МЭТ" АЖ
**31 043,6**
**млрд.сўм**
*(6,4%)*

"Ўзбекнефтгаз" АЖ
**22 783,7**
**млрд.сўм**
*(4,7%)*

Ушбу корхоналарга жами даромаднинг **46,9 фоизи** ёки 227 255,9 млрд.сўми тўғри келади *(4-иловага қаранг)*.

Бунда 793 та корхоналарнинг даромадлари ўтган йилга нисбатан **кўпайган**, 517 та корхоналарда **камайган**, 19 та корхоналарда **ўзгармаган**.

### Тармоқлар кесимида энг кўп даромад кўрган соҳалар



**24,1%**
МЕТАЛЛУРГИЯ КОРХОНАЛАРИ
*(116 680,7 млрд.сўм, ўсиш суръати 109,9%)*



**20,6%**
НЕФТ-ГАЗ ТАРМОҒИ
*(99 783,7 млрд.сўм, ўсиш 154,4%)*




Умуман олганда ушбу соҳаларга давлат иштирокидаги корхоналар даромадининг **93,8 фоизи** тўғри келади.

Тармоқлар кесимида даромадлар таҳлилига кўра, 5 та соҳаларда даромадлар ўтган йилга нисбатан камайганлигини кўриш мумкин, масалан, Шаробсавдо улгуржи базаларида ўртача 84,0 фоиз, ёғ-мой саноатида 58,9 фоиз, қурилиш корхоналари 26,0 фоиз, экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш корхоналарида 20,5 фоиз, коммунал уй-жой қурилиш ва сув хўжалиги соҳасида 11,6 фоиз, кимё саноати корхоналарида 10,9 фоизга камайган.

2023 йилда Тошкент шаҳрида жойлашган давлат корхоналарининг даромадлари 337 535,9 млрд. сўмни ёки давлат улушидаги корхоналар барча даромадларининг 69,7 фоизини ташкил этди. Иккинчи ўринда Навоий вилоятида жойлашган давлат корхоналари *(85 236,2 млрд. сўм ёки 17,6%) (5-иловага қаранг).*

## Харажатлар

Корхоналарнинг жами **харажатлари 365 135,2 млрд.**сўмни ташкил этиб, ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати 129,7 фоизни ташкил этган. Жумладан, харажатларнинг 72,4 фоизи *(254 579,7 млрд.сўм)*ни таннарх, 17,9 фоизи *(65 229,8 млрд.сўм)*ни давр харажатлари, 12,4 фоизи *(45 325,6 млрд.сўм)*ни молиявий харажатлар ташкил этган *(6-иловага қаранг).*

Бунда 826 та корхоналарда харажатлар ўтган йилга нисбатан **кўпайган** бўлса, 579 та корхоналарда эса, харажатлар **камайган**, 25 та корхоналарда **ўзгармаган**.

Корхоналарнинг жами харажатлари улар даромадларининг 75,4 фоизини ташкил этади. Бунда, 407 та корхоналарнинг **харажатлари улар даромадларидан кўп ҳисобланади.**

Таннархнинг соф тушумдаги улуши 63,9 фоиз (254 579,7 млрд.сўм)ни ташкил этиб, ўтган йилга нисбатан ўртача 2,3 фоизга камайган.

**Таннарх** 393 та корхоналарда ўтган йилга нисбатан **ўсган** бўлса, 533 тасида **камайган**, 17 тасида **ўзгармаган**.

Шунингдек, 92 та корхоналарда таннарх соф тушумдан ва 61 та корхоналарда эса уларнинг жами даромадидан юқори ҳисобланади, яъни, уларнинг даромадлари ишлаб чиқарилган маҳсулотлари *(хизматлари)* **таннархни қоплашга етмайди.**

## Соф фойда ва зарар

2023 йил якуни бўйича ҳисоботлари мавжуд жами **1 618 та** корхоналардан **1 066 таси 45 851,7 млрд.**сўм **соф фойда** кўрган *(ўсиш суръати 111,0 фоиз)* бўлса, 404 та корхоналар ўз фаолиятини жами **11 148,6 млрд.**сўм сўм **зарар билан** якунлаган *(ўсиш суръати 83,1 фоиз)*[7] , 148 таси эса фойда олмаган ва зарар кўрмаган.

Шундай қилиб, 2023 йил учун давлат корхоналари портфелининг соф фойдаси 45 851,7 млрд. сўмни, активлар рентабеллиги **0,05 фоизни** ташкил этди *(7-иловага қаранг)*.

**Соф фойданинг:**

- 75,7 фоизи (***34 689,0 млрд.****сўм)* **30 та йирик корхоналарга** *("Навоий КМК" АЖ 14 896,2 млрд.сўм, "Ўзтрансгаз" АЖ 7 790,4 млрд.сўм, "Олмалиқ КМК" АЖ 6 711,1 млрд.сўм, "Навоийуран" ДК 2 649,4 млрд. сўм, "Ўзбекнефтгаз" АЖ 611,5 млрд.сўм, "Ўзметкомбинат" АЖ 458,2 млрд.сўм)*;

- 15,5 фоизи (***7 097,9 млрд.****сўм)* **14 та тижорат банкларига** *("Ўзбекистон Республикаси ТИФ Миллий банки" АЖ 1 716,5 млрд.сўм, "Ўзсаноатқурилишбанк" АЖ 911,7 млрд.сўм, "Ипотека банк" АЖ 818,9 млрд. сўм, "Агробанк" АЖ 750,9 млрд. сўм, "Алоқа банк" АЖ 607,6 млрд.сўм)*;

- 8,8 фоизи (***4 064,8 млрд.****сўм)* **бошқа 1 022 та корхоналарга** *("УЗБАТ" АЖ 1 009,1 млрд.сўм, "Ўзаэронавигация маркази" ДУК 214,6 млрд.сўм, "Ўзбек-Омон инвестиция компанияси" МЧЖ 138,7 млрд.сўм, "Миллий банклараро процессинг маркази" АЖ 114,4 млрд. сўм)* тўғри келади.

**Жами зарарнинг:**

86,3 фоизи (***-9 622,3 млрд.****сўм)* **8 та йирик корхоналарга** *("Uzgastrade" АЖ – 3 688,0 млрд. сўм, "Ўзбекистон МЭТ" АЖ - 2 899,2 млрд.сўм, "Ўзбекистон темир йўллари" АЖ – 2 228,1 млрд. сўм, "Тошшахартрансхизмат" АЖ - 179,8 млрд.сўм, "Янги Ангрен ИЭС" АЖ - 100,8 млрд.сўм)*;

13,7 фоизи (***-1 526,3 млрд.****сўм)* **бошқа 396 та корхоналарга** *("Иссиқлик манбаи" ДУК - 81,5 млрд.сўм, "Пахтакор футбол клуби" МЧЖ – 79,5 млрд. сўм, "Ангрен иссиқлик энергияси" ДУК - 71,9 млд. сўм, "Grand road Tashkent" МЧЖ – 64,6 млрд. сўм, "Уз-Донг-Янг Компани" МЧЖ – 41,1 млрд. сўм, "Кўприкқурилиш" АЖ - 37,9 млрд.сўм, "Узавтотранс сервис" МЧЖ – 35,2 млрд. сўм)* тўғри келади *(тармоқлар кесимида зарарлар 8-иловада)*.

[7] Маълумот учун: 2022 йил якуни бўйича 988 та корхона 41 307,8 млрд.сўм соф фойда кўрган бўлса, 421 та корхона 13 412,2 млрд. сўм зарар кўрган.

**Тармоқлар кесимида корхоналар зарар кўриб фаолият юритиш сабаблари:**



**Иссиқлик таъминоти корхоналари**

- корхоналарда иссиқлик ва электр энергияси нархлари тартибга солиниши;
- марказлашган иссиқлик таъминоти тизими, магистраль ва тақсимловчи иссиқлик тармоқлари ҳамда марказий қозонхоналар эскирганлиги;
- иссиқлик энергияси кўп миқдорда йўқотилаётганлиги;
- истеъмолчиларнинг йилдан йилга қисқариб бораётганлиги (аҳоли томонидан газ ёки муқобил иситиш тизимига ўтилаётганлиги).



**Электр энергия таъминоти тизимидаги корхоналар**

- Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Идоралараро тариф комиссияси томонидан тасдиқланган тармоқ ички тарифларига асосан электр энергиясини республика ичкарисидаги электр станциялардан сотиб олиш (импортни хисобга олган ҳолда) ва сотиш нархлари орасидаги манфий тафовутлар;
- валютада жалб қилинган кредитлар бўйича валюта курси фарқи, етказиб берилган иссиқлик энергияси учун маблағларнинг вақтида тўланмаслиги, нархларнинг пастлиги, энергоблокларнинг паст қувватда ишлаши, кўмир ёқилғиси табиий газга нисбатан қимматлиги.



**Йўл-транспорт инфратузилмаси**

- асосий воситаларнинг эскирганлиги ва эхтиёт қисмлар нархи қимматлиги;
- қурилиш моллари хом-ашёсининг нархи ошиб кетганлиги;
- харид қилинган автобуслар учун ҳисобланган амортизация харажатларининг юқорилиги
- энергия ресурслари, тижорат банк кредитлари ва бошқа қарздорликлар сабабли МИБ ва бошқа ташкилотлар томонидан ҳисоб рақамларига таъқиқ қўйилиши;



**Бошқа корхоналар**

- қишлоқ хўжалиги техникаларини лизинг орқали сотиш ҳажмларининг камайганлиги;
- фаолиятнинг айрим турлари бўйича рухсат берувчи сертификат (лицензия) муддатининг тугаганлиги;
- ёқилғи сарфи ошиши, хорижий кредит маблағлари жалб қилиниши сабабли манфий курс фарқи.

Давлат иштирокидаги жами 177 та, шундан зарар кўрган 67 та ҳамда иқтисодий таваккалчилик ҳолатидаги 110 та корхоналарни молиявий соғломлаштириш юзасидан 2023 йилга мўлжалланган **“йўл хариталари”** - дастурлари ишлаб чиқилди ва йил якуни бўйича ижроси мониторинг қилинди.

Мониторинг натижасида ушбу корхоналардан 4 таси давлат муассасаси сифатида қайта ташкил этилган, 2 таси фаолиятсиз, 1 тасида белгиланган тартибда тугатиш ишлари олиб борилаётганлиги, 2 тасининг устав капиталида давлат улуши сотилганлиги аниқланди.

Қолган 168 та корхоналар бўйича 2023 йилга мўлжалланган дастурларда маҳсулот *(товар, иш ва хизматлар)* ишлаб чиқариш ҳажми 41 527,3 млрд.сўм прогноз қилинган, амалда 38 586,9 млрд.сўмга *(93%)*, жалб қилинадиган инвестициялар миқдори 4 831,2 млрд.сўм прогноз қилинган, амалда 12 714,9 млрд.сўмга *(856%)*, соф фойда миқдори 2 719,1 млрд.сўм прогноз қилинган, амалда 981,8 млрд.сўмга *(36%)* бажарилган *(9-иловага қаранг)*.

## Дивиденд

2023 йилда **969 та** давлат иштирокидаги корхоналарнинг 2022 йил якуни бўйича олинган соф фойдасидан давлат улуши бўйича жами **26 423,9 млрд.сўм** *(2022 йил фактга нисбатан 18,8 фоизга кўп)* дивиденд ва ажратмалар тўланиши режалаштирилган бўлиб, 2024 йил 1 январь ҳолатига **1 043 та** корхоналар томонидан **26 016,3 млрд.сўм** *(режага нисбатан 1,5 фоизга кам)* дивиденд ва ажратмалар давлат бюджетига тўланган, ўтган йилнинг шу даврига *(22 239,4 млрд. сўм)* нисбатан – 17,0 фоизга кўп *(10-иловага қаранг)*.

Бунда, тўланган дивидендлар **Давлат бюджети** жами даромадларининг **10,8 фоизини** ташкил этган[8].

## Ташқи аудит

Давлат улуши мавжуд 1 657 та корхоналардан Давактив агентлиги таъсисчилигидаги фаолият кўрсатаётган **457 та** корхоналарнинг **66,7 фоиз ёки 305 та**сида 2023 йил якуни бўйича ташқи **аудит текшируви** ўтказилган.

2023 йил якунлари бўйича **3 та корхонада** ташқи аудитор ташкилотлари томонидан **салбий** фикр билдирилган.

Бугунги кунда қайта аудитдан ўтказиш ишлари амалга оширилмоқда.

## Импорт ва экспорт

2023 йил якуни бўйича 107 та давлат иштирокидаги корхоналар томонидан 4 393,0 млн долларлик товарлар экспорт қилинган *(2022 йил якунига нисбатан 4,7 фоизга кўпайган)*. Бунда, корхоналар томонидан амалга оширилган экспорт ҳажми республика жами экспортининг 18 фоизини ташкил этган *(ишлар ва хизматларсиз)*.

Шунингдек, 42 та корхоналарда экспорт ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 32,0 фоизга камайган бўлиб, жумладан, машинасозлик ва электротехника тармоғи корхоналари – 13 та, нефт-газ корхоналари – 3 та, металлургия ташкилотлари – 4 тадан, Банк ва молия – 6 та, кимё саноати - 4 та, қишлоқ хўжалиги корхоналари – 4 та, озиқ овқат – 3 та, енгил саноат, йўл ва хизмат кўрсатиш корхоналари, савдо тармоғи, эркин иқтисодий зонаси – 1 тадан.



[8] Маълумот учун: Тўланган дивидендларнинг 90,3 фоизи 5 та йирик корхона ҳиссасига тўғри келади (“НКМК” АЖ – 13 434,9 млрд. сўм, “ОКМК” АЖ – 6 663,8 млрд. сўм, “Навоийуран” ДУК – 1 418,5 млрд. сўм, “Ўзавтосаноат” АЖ – 1 105,9 млрд. сўм, “Ўзбекнефтегаз” АЖ – 865,5 млрд. сўм).

## Давлат иштирокидаги корхоналар томонидан қилинган импорт

**ДАВЛАТ ИШТИРОКИДАГИ КОРХОНАЛАР ТОМОНИДАН**
**11 127,0** **млн. долларлик** товарлар
ИМПОРТ ҚИЛИНГАН




**РЕСПУБЛИКА ИМПОРТИНИНГ**
**29** **фоизини** ташкил этган
*(2022 йилга нисбатан ўсиш - 14,8%)*

Бунда, импорт хажмининг асосий қисми машинасозлик ва электротехника - **34,5** фоиз, банк ва молия ташкилотлари - **16,0** фоиз, неф-газ - **15,0** фоиз, металлургия - **12,5** фоиз, энергетика - **6,2** фоиз, йўл-транспорт - **3,4** фоиз, ахборот технологиялари - **3,0** фоиз ва бошқа соҳаларга тўғри келади.

### Ижроия органи фаолияти самарадорлиги муҳим кўрсаткичлари (KPI)

2023 йил якуни бўйича тугатиш жараёнида бўлган, фаолият юритмаётган, банкротлик таомили қўлланилган, бўлиб тўлаш шарти билан сотиш ҳамда тижорат банкларини ҳисобга олмаганда **1 585 та** корхонада ижроия органи самарадорлиги муҳим кўрсаткичлари *(кейинги ўринларда – СМК)* жорий этилиши белгиланган.

Шундан, **1 075 та** *(67,8 фоиз)* давлат иштирокидаги корхоналар томонидан Давактив агентлиги расмий веб-сайтига 2023 йил якуни бўйича жойлаштирилган СМК натижалари қуйидагича:

- **463 таси** *(**43,1** фоиз)* юқори даражада баҳоланган *(100 фоиздан ошган)*;
- **89 таси** *(**8,3** фоиз)* етарли *(90 фоиздан ошган)*;
- **126 таси** *(**11,7** фоиз)* ўрта *(80 фоиздан ошган)*;
- **147 таси** *(**13,7** фоиз)* етарли эмас *(60 фоиздан ошган)*;
- **88 таси** *(**8,2** фоиз)* паст *(40 фоиздан ошган)*;
- **162 таси** *(**15,1** фоиз)* қониқарсиз даражада *(40 фоиздан кам)*.


KPI

## KPI жорий этилиши йиллар кесимида

**2023**
**1075**




**2022**
**1369**




**2021**
**1365**




## Соҳалар кесимида















## Баҳолаш натижалари

### Юқори даражада
43,1%
463 та

### Етарли даражада
8,3%
89 та

### Ўрта даражада
11,7%
126 та

### Етарли даражада эмас
13,7%
147 та

### Паст даражада
8,2%
88 та

### Қониқарсиз
15,1%
162 та













Жами корхоналар сони

СМК жорий этилган корхоналар

СМК жорий этилмаган корхоналар

## Ишчилар сони

Давлат иштирокидаги корхоналарда уларнинг тизим корхоналари билан бирга жами **527 914 нафар** ишчи-ходимлар фаолият юритиб, уларнинг **63 273 нафари** (12 фоиз) маъмурий бошқарув ходимларини ташкил этади. **414 115 нафар** ходимлар тизим корхоналари ишчилари ҳисобланади.

Ишчиларнинг 60 фоизи ёки 316,8 минг нафари 6 та тармоқларга тўғри келади *(йўл-транспорт инфратузилмаси 100,2 минг, нефть-газ 79,7 минг, энергетика 51,7 минг, киме саноати 40,8 минг, машинасозлик 32,8 минг, хизмат кўрсатишда 11,4 минг нафар).*

Ишчиларнинг ўртача **78,4 фоизи** ёки 414,1 минг нафари **эркаклар** ҳамда **21,4 фоизи** ёки **113,7 минг** нафари **аёллар** ҳисобланади.

## Давлат иштирокидаги корхоналарнинг ишчилари

*(нафар)*

| № | Номи | Корхона сони | Жами ишчилар | Маъмури бошқарув ходимлари | Тизим корхоналари ишчилари | Эркаклар | Аёллар | Улуши, % |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | **Жами** | **1 618** | **527 914** | **63 273** | **166 834** | **414 115** | **113 372** | **100** |
| 2 | Йўл-транспорт инфратузилмаси | 66 | 100 253 | 2 984 | 78 435 | 80 723 | 19 527 | 19,0 |
| 3 | Нефт-газ | 39 | 79 741 | 6 446 | 2 027 | 65 640 | 14 010 | 15,1 |
| 4 | Энергетика | 20 | 51 766 | 6 800 | 18 688 | 44 163 | 7 664 | 9,8 |
| 5 | Кимё саноати | 9 | 40 818 | 1 243 | 29 876 | 27 036 | 13 664 | 7,7 |
| 6 | Машинасозлик | 33 | 32 799 | 2 877 | 30 519 | 30 966 | 1 833 | 6,2 |
| 7 | Хизмат кўрсатиш | 89 | 11 423 | 1 048 | 7 289 | 7 903 | 3 428 | 2,2 |
| 8 | Бошқалар | 1 362 | 211 114 | 41 875 | | 157 684 | 53 246 | 40,0 |



## 3.4. Давлат иштирокидаги корхоналарнинг капитал бозоридаги иштироки

Ҳисобот йилида Қимматли қоғозлар марказий депозитарийсида жами 625 та акциядорлик жамиятлари рўйхатдан ўтган бўлиб, уларнинг 239 таси ёки 38,2 фоизини давлат иштирокидаги корхоналар ташкил қилган. Умумий эмиссия ҳажми 189 709,1 млрд. сўмни ташкил қилган, бунда, давлат иштирокидаги корхоналар томонидан чиқарилган 158 216,5 млрд. сўмлик *(83,4%)* қимматли қоғозларга тўғри келади.

**Акциядорлик жамиятлари устав фондларидаги давлат улуши**

АКЦИЯ ЭГАЛАРИ ТУЗИЛМАСИДАГИ ДАВЛАТ ИШТИРОКИГА ЭГА АЖЛАР СОНИ

**239**




АЖ УСТАВ ФОНДЛАРИДАГИ ДАВЛАТ УЛУШИНИНГ УМУМИЙ ҲАЖМИ (МЛРД. СЎМ)

**158 216,5**




**АЖ устав фондларидаги давлат улуши тузилмаси (%)**




- Иқтисодиёт ва молия вазирлиги
- Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси
- Давлат активларини бошқариш агентлиги
- Марказий банк, вазирликлар ва б.

**2024 йилнинг 1 январь ҳолатига** Фонд биржаси листингидаги **112 та** акциядорлик жамиятларидан **73 тасида** *(65,2 фоиз)* давлат улуши мавжуд бўлиб, улар томонидан **313 034 та** *(жами битимлар сонининг 78,5 фоизи)* ёки **253,2 млрд.сўмлик** *(жами битимлар суммасининг 10,1 фоизи)* битимлар тузилган.

## Давлат улуши мавжуд АЖларнинг фонд биржасидаги иштироки

**2024 йил 1 январ ҳолатига**

### Листингдаги 112 та эмитентдан




### Капитализация




### Битимлар сони




### Битимлар ҳажми






# 3.5. Давлат иштирокидаги корхоналарнинг акцияларини IPO ва SPO орқали жойлаштириш

Стратегиянинг мақсадларидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукумат ҳужжатларига мувофиқ давлат иштирокидаги корхоналар акцияларини бирламчи ва иккиламчи оммавий таклиф этиш юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинмоқда.

Мазкур қарорлар доирасида:

2023 йил февралда **“Uzauto motors” АЖ**нинг 784 703 дона *(устав фондининг 0,3 фоизи)* акциялари **56,9 млрд сўм** қийматда **IPO** орқали жойлаштирилди.

2023 йилнинг октябрь ойида **“O‘zbektelekom” АЖ**нинг жами 5,5 млн. дона акциялари *(2%)* бирламчи **(IPO)** оммавий таклиф орқали **33 млрд сўмга;**

2023 йил декабрда **“O‘zbekinvest” АЖ**нинг 14,1 млн. дона имтиёзли акциялари *(5%)* бирламчи оммавий таклиф орқали **(IPO) 14,1 млрд сўмга;**

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 19 апрелдаги ПҚ-162 – сон қарорига мувофиқ акциялари маҳаллий фонд бозорида IPO ва SPO ўтказиш орқали жойлаштириладиган **12 та** давлат иштирокидаги корхоналар рўйхати тасдиқланди.

Шу билан бирга Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 19 апрелдаги ПҚ-163 – сон қарорига мувофиқ 2025 йилда акциялари халқаро фонд бозорида IPO ва SPO ўтказиш орқали жойлаштириладиган **4 та** давлат иштирокидаги корхоналар рўйхати тасдиқланди.



# 3.6. Халқаро кредит рейтингларини олган корхоналар

Корхоналарнинг кредит рейтинглари тўғрисидаги маълумотлари молиявий барқарорлик даражасини белгилаш ҳамда кредиторлар ва инвесторларнинг ишончини қўлга киритиш имконини берувчи кўрсаткич ҳисобланади. Шунингдек, стратегик ва молиявий хатарларни бошқариш ва режалаштиришда шаффофликни таъминлайди.

Маълумки, кредит рейтингини аниқлашда рейтинг агентликлари ***(S&P, Moody's, Fitch Ratings ва б.)*** кредит рискини баҳолашни ишлаб чиқиш учун молиявий маълумотларни ва бошқа тегишли омилларни таҳлил қиладилар. Рейтинглар инвесторлар ва кредиторлар учун инвестиция ва кредитлаш бўйича тўғри қарорлар қабул қилишда ёрдам беради.

Ўз навбатида, республикада фаолият кўрсатаётган йирик ташкилотлар ҳам кредит рейтингларини олиб келмоқда.

Бугунги кунга қадар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 октябрдаги ПФ-6096-сон Фармони 1 ва 2 – иловаларига кирган давлат иштирокидаги корхоналардан қуйидаги **21 таси S&P, Moody's, Fitch Ratings** агентликларининг рейтингларини олиб, янгилаб келмоқдалар.



| № | Ташкилот | Рейтинг агентлиги | Рейтинг баҳоси |
|---|---|---|---|
| 1 | **«Навоий КМК» АЖ** | Fitch | BB |
| | | S&P | BB |
| 2 | **«Олмалиқ КМК» АЖ** | Fitch | BB- |
| | | S&P | B+ |
| 3 | **«Ўзметкомбинат» АЖ** | Fitch | BB- |
| 4 | **«Ўзбекнефтгаз» АЖ** | Fitch | BB- |
| | | S&P | BB- |
| 5 | **«Ҳудудгазтаъминот» АЖ** | Fitch | B |
| 6 | **«Ўзбекистон МЭТ» АЖ** | Fitch | B- |
| 7 | **«Иссиқлик электр станциялари» АЖ** | Fitch | B- |
| 8 | **«Ҳудудий электр тармоқлари» АЖ** | Fitch | B- |
| 9 | **«Ўзбекгидроэнерго» АЖ** | Fitch | BB- |
| | | S&P | BB- |
| 10 | **«Ўзкимёсаноат» АЖ** | Fitch | BB- |
| | | Moody's | B1 |
| 11 | **«Ўзавтосаноат» АЖ** | Fitch | BB- |
| | | S&P | B+ |
| 12 | **«Ўзбектелеком» АЖ** | S&P | B+ |
| 13 | **«Агробанк» АТБ** | Fitch | BB- |
| | | Moody's | Ba3 |
| 14 | **«Асакабанк» АТБ** | Fitch | BB- |
| | | S&P | BB- |
| | | Moody's | Ba3 |
| 15 | **«Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ** | Fitch | BB- |
| | | S&P | BB- |
| 16 | **АТ «Халқ банки»** | Fitch | BB- |
| | | S&P | B |
| 17 | **«Туронбанк» АТБ** | S&P | B/B |
| 18 | **«Бизнесни ривожлантириш банки» АТБ** | Fitch | BB- |
| | | Moody's | B1 |
| 19 | **«Алоқабанк» АТБ** | Moody's | Ba3 |
| 20 | **«Ўзмиллий банк» АТБ** | Fitch | BB- |
| | | S&P | BB- |
| | | Moody's | Ba3 |
| 21 | **«Микрокредитбанк» АТБ** | Fitch | BB |
| | | Moody's | Ba3 |

АГМК





# “ОЛМАЛИК КОН-МЕТАЛЛУРГИЯ КОМБИНАТИ” АЖ

## Корхона тўғрисидаги маълумотлар

| | |
|---|---|
| Ташкил қилинган йили: | 1949 йил |
| Жойлашган манзили: | Тошкент вил., Олмалиқ ш., Амир Темур кўчаси, 53 уй |
| Веб-сайт манзили: | agmk.uz |
| Фаолият тури: | Қимматбаҳо ва рангли металлар рудаларини қазиб олиш, қайта ишлаш ва бойитиш |
| Устав фонди: | 2 164 182 733 000 сўм |
| Давлат улуши: | 98,34 % |
| Ходимлар сони: | 36 017 нафар |
| Эркаклар сони:<br>Аёллар сони: | 27 919 нафар<br>8 098 нафар |
| Кузатув кенгаши раиси: | Арипов Абдулла Нигматович |
| Ижроия органи раҳбари: | Хурсанов Абдулла Халмурадович |

| Молиявий кўрсаткичлар (минг. сўмда) | Ўлчов бирлиги | 2022 й. | 2023 й. |
|---|---|---|---|
| Жами даромад | минг.сўм | 30 841 810 208 | 31 574 471 959 |
| Харажатлар | минг.сўм | 19 489 808 270 | 20 593 332 137 |
| Солиқ тўлангунга қадар фойда | минг.сўм | 11 352 001 938 | 10 981 139 822 |
| Соф фойда | минг.сўм | 6 672 646 608 | 6 711 128 306 |
| Бир дона акцияга даромад | сўм | 10 996,14 | 12 587,73 |
| Жами активлар | минг.сўм | 46 115 859 779 | 55 093 947 378 |

## Активлар рентабеллиги ва капитал рентабеллиги




## Соф фойда




| Маҳсулот-хизмат | Ўлчов бирлиги | 2022 йил | 2023 йил | Ўзгариш |
|---|---|---|---|---|
| Ишлаб чиқариш хажми | млрд.сум | 30 525,1 | 31 671,3 | 1 146,2 |
| Мис | минг тон | 148,5 | 148,5 | 0,0 |
| Молибден (Mo) | тонна | 778,3 | 782,3 | 4,0 |

# Ҳисобот йилида рўй берган воқеалар, шу жумладан:

## Асосий фаолиятда

2023 йил “Олмалиқ КМК” акциядорлик жамияти фаолияти якунида саноат маҳсулотини ишлаб чиқариш ҳажми 31,7 трлн сўмни (прогнозга нисбатан 106,1 фоиз) ташкил этди.



Маҳсулот экспорти 657,7 млн долларни ёки тасдиқланган прогнозга нисбатан 101,9 фоизни ташкил қилди.

Инвестиция дастурига киритилган 4 та лойиҳа доирасида ўз маблағлари ҳисобидан 1128,2 млн доллар (101,9 фоиз) ўзлаштирилди.

Маҳаллийлаштириш дастуридаги 147 та лойиҳа доирасида 420,0 млрд сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, прогноз кўрсаткич 119,0 фоизга бажарилди.

## Корпоратив бошқарув йўналишида

“Олмалиқ КМК” АЖ Корпоратив бошқарув органлари:

Кузатув кенгаши (9 кишидан иборат 1 та мустақил аъзо мавжуд);

- Ижро органи (11 кишидан иборат);

- Тафтиш комиссияси (7 кишидан иборат);

- Ички аудит хизмати (7 кишидан иборат).



Кузатув кенгаши қошида 4 та қўмиталар мавжуд: Аудит қўмитаси, Тайинлов ва рағбатлантириш қўмитаси, Стратегия и инвестициялар қўмитаси, Харидлар қўмитаси.

Кузатув кенгаши ва ягона акциядор қарорлари ўрнатилган тартибда қабул қилинади.

2024 йил давомида 1 та ягона акциядор қарори (устав капиталини узгариши), 7 та кузатув кенгаши қарорлари қабул қилинган.

# Экологик йўналишда

Комбинатнинг экологик мавқейини ошириш, халқаро стандарт талабларига мос ишлаб чиқариш фаолиятини шакллантириш мақсадида 2023 йилда халқаро экологик менеджмент тизими ISO 14001:2015 сертификати олинди.

Жами 22 та инженер-техник ходимларга ички экологик аудиторлик хуқуқини берувчи сертификатлар топширилди.

PricewaterhouseCoopers Central Asia & Caucasus B.V. консалтинг компанияси билан тузилган ўзаро шартнома асосида 2023 йилда Комбинатнинг ишлаб чиқариш жараёнларида, атмосферага ташланган иссиқхона газлари ҳисоблаб чиқилди. Иссиқхона газларини босқичма-босқич камайтиришга қаратилган чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди. Унга кўра, корхона фаолиятида қайта тикланувчи муқобил энергияни жорий этиш орқали, энергия самарадорлигини ошириш чоралари кўриб чиқилди жумладан “Олмалиқ КМК” АЖ да 850 минг мВт мўлжалланган қуёш панеллари ўрнатилди.

Хизмат автотранспортларини электромобил ва гибрид автомобилларга ўтказиш борасида техник лойиҳа ишлаб чиқилди. Тажриба тариқасида 20 дона BYD электромобил автотранспорти сотиб олинди.

Атмосферага чиқарилган $CO^2$ газларини таъсирини қисқартириш мақсадида 249 гектар ер майдонлари ўзлаштирилиб 2023 йил куз ва 2024 йил бахор ойларида “Яшил белбоғ”, “Яшил макон” давлат дастурларига таянган холда 1,5 миллион тадан ортиқ манзарали хамда терак дарахтлари экилди. Юқоридагилар билан бир қаторда истиқболли лойиҳаларда экологияни яхшилашга қаратилган қуйидаги дастурлар ижроси назарда тутилган:

Янги сульфат кислота цехларини қуриш жараёнларини тезлаштириш орқали $CO^2$ газларини ушлаб қолиш ва сулфат кислота ишлаб чиқариш хажмини ошириш:

- СК-6 - йиллик қуввати 200 минг/тонна. СК-5 йиллик қуввати 1 млн 800 минг/тонна.

- янги мис эритиш заводи қурилишида замонавий «Flash smelting и flash converting» печларини ишга тушуриш орқали манан эскирган ялиғ қайтарувчи печ фаолиятини тугатиш;

- техноген чиқиндиларини қайта ишлашга йўналтириш, экспорт қилиш.

- Руҳ заводининг клинкерларини мис эритиш заводида қайта ишлаш ҳажмини ошириш.

- оксидланган рудаларни қайта ишлашнинг техник иқтисодий лойиҳасини ишлаб чиқиш.

# Ижтимоий йўналишда

Комбинатнинг ижтимоий блокини Ижтимоий объектлар бошқармаси ва Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш бошқармаси ташкил этади.

ИОБ тузилмасида 15 та мактабгача таълим ташкилотлари (МТТ) мавжуд бўлиб, уларга 3 288 ортиқ болалар қатнайдилар. 2023 йилнинг август ойида мукаммал таъмирдан кейин 33-сон «Эртак» номли мактабгача таълим ташкилотининг тантанали очилиш тадбири бўлиб ўтди.

Комбинат меҳнаткашлари ва уларнинг оила аъзолари учун Олмалиқ шаҳридаги санаторий-профилакторийда, «Олтин-олма» пансионатида ва «Мовий тоғлар» дам олиш масканида соғломлаштириш ва кўнгилочар тадбирлар ташкил этилади, Жамоа шартномаси асосида Комбинат меҳнаткашлари ва уларнинг оила аъзоларига «Оқтош», «Зомин», «Апартак», «Янгийўл», «Чортоқ» санаторийлари, Россия Федерациясининг Ялта ва Кисловодск шаҳарларидаги «Ўзбекистон» фондининг санаторийсига йўлланмалар сотиб олинади ва берилади. Комбинат ходимларининг фарзандлари ўзларининг ёзги таътилларини «Гулзор», «Металлург», «Парвоз», «Истиқлол», «Тонг» болалар соғломлаштириш масканларида мароқли ўтказадилар.

Реконструкция доирасида «Мовий тоғлар» дам олиш маскани ҳудудида эски 16 кемпинг-уйлар ўрнига яшаш учун барча зарур шароитлар ва қулайликлар яратилган 31 замонавий коттежлар қурилди. Барча коттежларнинг умумий сиғими 126 ўринни ташкил этади.

Оммавий-маданий ва жисмоний-соғломлаштириш ишлари «Металлург» маданият марказида ва «ОКМК» спорт мажмуасида амалга оширилади. «Металлург» маданият марказида вокал, хореография, тасвирий санъат, цирк санъати каби йўналишларда 26та бадиий ҳаваскорлик жамоалари фаолият юритиб, улардан 16таси катталар ва 10таси болалар учун мўлжалланган, ва уларда 590 нафар болалар шуғулланадилар.

«Металлург» МС қошида 25 мингдан ортиқ китоб фондига эга кутубхона ўз фаолиятини амалга оширади.

«Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қилинг!» шиори остида ички туризмни ривожлантириш бўйича тадбирларни амалга ошириш мақсадида 2023 йил давомида комбинат ходилари учун Ўзбекистон Республикасининг тарихий жойларига (Хива, Самарқанд, Бухоро, Наманган, Тошкент, Фарғона, Қўқон, Марғилон шаҳарларига) экскурсиялар ташкил этилди.

Шунингдек, комбинат меҳнаткашларининг кундалик ҳаётида жисмоний тарбия ва спортни тарғиб қилиш, меҳнаткашларни мунтазам спорт ва жисмоний тарбия ишларига жалб қилиш мақсадида комбинат цехлари ва корхоналари ўртасида «ОКМК-2023 спартакиада» ўтказилади. Иштирокчиларнинг умумий қамрови 13 000дан ортиқ кишини ташкил этади.

Комбинат Ўзбекистон Республикаси Дзюдо ва Волейбол Федерацияси, Ўзбекистон Республикаси Олимпия қўмитаси ва ОКМК профессионал футбол клубининг бош ҳомийси ҳисобланади. Шунингдек Комбинат томонидан Ўзбекистон Республикаси Кикбоксинг ассоциацияси, Баскетбол федерацияси, Кураш Федерацияси, Стол тенниси федерацияси, Регби Федерацияси ва Шахмат Федерациясини молиялаштириш тўғрисидаги илтимослари қониқтирилди.

Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг хати асосида «ART FILMS MAKERS» МЧЖ томонидан коррупцияга қарши кураш ва унга қарши кураш мавзусидаги ҳужжатли филмни суратга олиш билан боғлиқ харажатларни қоплаш учун 60 миллион сўм ажратилди. Олмалиқ шаҳридаги «Витебскдаги Славянск бозори 2023» XXXII халқаро санъат фестивалида иштирок этиб, биринчи ўринни эгаллаган «Эделвейс» халқ рақс ансамблига умумий қиймати 165 730 000 сўмлик авиачипталарни харид қилишда беғараз молиявий ёрдам кўрсатилди.

2023 йил давомида ОКМК томонидан аризалар бўйича ишламаётган пенсионерларга 10 395 815 минг сўм, даволаниш учун 312 480 минг сўм, дафн маросимларига 1 039 281 минг сўм, иккинчи жаҳон уруши ва меҳнат фронти иштирокчиларига 256 200 минг сўм, Афғонистон ва ЧАДС воқеалар иштирокчиларига байрам саналари муносабати билан 437 100 минг сўм миқдорида моддий ёрдам ажратилди.

2023 йилнинг давомида «Нуроний» пенсионерлар уйида 1 106 нафар комбинат пенсионерлари дам олдилар ва беғараз овқатландилар, ҳар ойда иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларига, «Ўзбекистон Қаҳрамони» қаҳрамонларига, комбинатнинг собиқ ходимларига ҚҚСни ҳисобга олган ҳолда 23,6 млн.сўмлик етти хил озиқ-овқат тўпламлари (201 дона) ажратиб турилади.

Шунингдек, иш берувчи ва касаба уюшмаси қўмитаси томонидан тасдиқланган рўйхатларга биноан, Комбинат, ҳамда Олмалиқ ва Чирчиқ шаҳарларининг иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларига, Ўзбекистон қаҳрамонларига Наврўз, Хотира ва қадрлаш куни, Кончилик ва металлургия саноати ходимлари куни, Мустақиллик куни, Рўза ҳайит, Қурбон ҳайити каби байрамларга 136,4 млн.сўмлик совғалар тўплами тақдим этилди.

Ҳомийликка олинган мактабларни (Олмалиқ шаҳар 80-сон, 6-сон, ҳамда Ангрен шаҳар 9- ва 34-сон, Пскент тумани 79-сон ихтисослаштирилган мактаб-интернат) қўллаб-қувватлашнинг асосий мақсади – ҳар бир ўқувчини ривожлантириш, унинг қобилияти ва иқтидорини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришдан иборат. Ушбу мақсадга эришиш учун, Комбинат заруратга қараб ускуналар, спорт ва мактаб жиҳозлари харид қилади, ободонлаштириш ва таъмирлаш ишларини ташкил қилади.

Корхонанинг ижтимоий сиёсатининг устувор йўналишларидан бири - соғлиқни сақлаш саналади. 2023 йил май ойида ОКМК тиббий-санитария қисми фойдаланишга топширилди. Ушбу тиббиёт муассасаси бир смена давомида уч юзтагача беморни қабул қилади. Муассасанинг электр ва иссиқ сувга бўлган эҳтиёжини қондириш учун бино томига қуёш панеллари ўрнатилган. Энергияни тежаш мақсадида, ҳудуд ҳаракат датчикларига эга бўлган ёритиш тизими билан жиҳозланди. Бинода лифт ускуналари ҳам ўрнатилган.

2023 йил ноябр ойида реконструкциядан сўнг Олмалиқ туманлараро перинатал марказининг тантанали очилиши бўлиб ўтди. Илгари мазкур иншоот 90 ўринга мўлжалланган бўлса, эндиликда 120 тагача беморни қабул қила олади. Мазкур муассасани реконструкция қилиш учун 12,5 миллиард сўм маблғ ажратилди. Перинатал комплекс учун қўшимча зарур тиббий асбоб-ускуналар харид қилишга 2,8 миллиард сўмдан ортиқ маблағ ажратилди.

Шунингдек, Олмалиқ шаҳар тиббиёт бирлашмасига беғараз асосда 360 дона кислород баллонлари ажратилди.

Ўзбекистон Республикаси Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси ҳузуридаги Ангрен кон-қутқарув отрядига беғараз асосда 8та «Хроматек-газохром 2000» портатив газ хроматографлари ва 60та CL-30 ўз-ўзини қутқарувчилар тўплами ажратилди.

## Қўлга киритилган ютуқлар

Халкаро ISO 50001:2018 “Энергия менеджменти тизими”, ISO 14001:2015 “Экологик менеджмент тизими” ва ISO 45001:2018 “Мехнат мухофазаси сертификатлари олинди.

“S&P Global Ratings” “B+” (“барқарор”) ҳамда “Fitch Ratings” “BB-” (“барқарор”) кредит рейтинглари берилди.




O'ZBEKISTON MILLIY ELEKTR TARMOQLARI
AKSIYADORLIK JAMIYATI



## “Ўзбекистон МЭТ” АЖ

## Корхона тўғрисидаги маълумотлар

| | |
|---|---|
| Ташкил қилинган йили: | **2019 йил** |
| Жойлашган манзили: | **Тошкент ш., Осиё кўчаси, 42 уй** |
| Веб-сайт манзили: | **uzbekistonmet.uz** |
| Фаолият тури: | **Электр энергиясини узатиш хизматлари** |
| Устав фонди: | **5 113 388 761 500,0 сўм** |
| Давлат улуши: | **100 %** |
| Ходимлар сони: | **4 212 нафар** |
| Эркаклар сони:<br>Аёллар сони: | **3 671 нафар**<br>**541 нафар** |
| Кузатув кенгаши раиси: | **Кучкаров Джамшид Анварович** |
| Ижроия органи раҳбари: | **Исақулов Дадажон Айнақулович** |

| Молиявий кўрсаткичлар (млн. сўмда) | 2022 й. | 2023 й. |
|---|---|---|
| Жами даромад | 21 944,5 | 31 043,6 |
| Харажатлар | 25 478,8 | 33 008,3 |
| Солиқ тўлангунга қадар фойда | -4 340,0 | -2 899,2 |
| Соф фойда | 0 | 0 |
| Бир дона акцияга даромад | | |
| Жами активлар | | |

## ROA ва ROE
(активлар рентабеллиги ва капитал рентабеллиги)




## Асосий фаолият натижалари (млн. сўмда)




### Ишлаб чиқариш/хизматлар кўрсаткичлари

| Маҳсулот/хизмат | Ўлчов бирлиги | 2022 йил | 2023 йил | Ўзгариш,% |
|---|---|---|---|---|
| Электр энергиясини узатиш | млрд. кВтс. | 67,7 | 71,9 | 106,2 |

# Ҳисобот йилида рўй берган воқеалар, шу жумладан:

## Асосий фаолиятда

2024 йил янги ишлаб чиқариш қувватларни яратиш, модернизация ва мавжуд ишлаб чиқариш қувватларни реконструкция қилиш бўйича 25 та йирик инвестиция лойиҳаларни амалга ошириш режалаштирилмоқда, уларнинг умумий қиймати 1 323,6 млн. АҚШ долл. бўлиб, 2024 йилда 186,7 млн. АҚШ долл. ўзлаштириш кўзда тутилмоқда. Жумладан:

- Ҳукумат кафолати остидаги кредитлар 124,0 млн. АҚШ долл.;

- Соҳа маблағлари 58,7 млн. АҚШ долл.;

- Тижорат банк кредитлари 4,0 млн. АҚШ долл.;

Шундан:

- 25 та лойиҳа янги қурилиш 147,9 млн. АҚШ долл.;

- 4 та лойиҳа модернизация ва реконструкция – 38,8 млн. АҚШ долл.

## Корпоратив бошқарув йўналишида

Жамият ўз фаолиятида Корпоратив бошқарув кодексига риоя қилиш мажбурияти қабул қилган.

“O‘zbekiston MET” AJ Кузатув кенгаши аъзолари 7 кишидан ташкил топган, шу жумладан, битта мустақил аъзодан иборат. Жамият Ягона акциядорининг 2022 йил 4 ноябрдаги 30 сон қарори билан 6 нафар аъзо сайланган. Кузатув кенгаши ҳузурида 4 та қўмита ташкил этилган.

# Экологик йўналишда

“Яшил макон” умуммиллий лойиҳа доирасида режа бўйича жами 20 000 дона дарахт ва кўчатлар экиш белгиланган бўлиб, амалда жами 32 158 дона, шундан 24 506 дона манзарали ҳамда 7 652 дона мевали дарахт кўчатлар экилди.

# Ижтимоий йўналишда

2023 йилда ходимларга ва оила аъзоларига Ботаника, Чинобод, Чимён, Чортоқ, Ситораи Моҳи-Ҳоса, Энергетик оромгоҳи санаторийларига ва дам олиш масканларига жами 153 та йўлланма берилган. Бундан 75 таси касаба уюшма маблағларидан, 32 таси ижтимоий суғурта маблағлари ҳисобидан. Кисловодск санаториясида 17 та ходим соғломлаштирилди.

Нурафшон санаторийсига 28 та йўлланма берилган, Энергетика фахрийларига 23 та бепул ва пенсионерларга 5 та 50 фоизлик йўлланма берилган.

“Оқтош”, “Геолог”, “Чотқол” ва “Нурафшон” болаларни соғломлаштириш лагерларига 145 нафар болалар соғломлаштирилган.

Шунингдек, Хива, Самарқанд, Бухоро қадимий шаҳарларга 400га яқин ходимлар туризмга олиб борилган.

2024 йил май ойи ҳолатига Оқтош, Чимён, Чортоқ, Ситораи Моҳи-Ҳоса, Зомин, Кристалл санаторияларига ва дам олиш масканларига жами 50 та йўлланма берилган. Бундан 31 таси касаба уюшма маблағларидан, 19 таси ижтимоий суғурта маблағлари ҳисобидан.

Кисловодск санаториясида 6 та ходимни малакаси оширилди ва соғломлаштирилди.

“Шифобахш Чимён” санаторийсига 11 та йўлланма Энергетика фахрийларига бепул ва 1 таси пенсионерга 50 фоизлик имтиёз билан берилди.

Ходимларга бассейнга 10 та абонемент 50 фоизли имтиёз билан берилди.

Ходимларга Рус Академик театрига-18 та, Опера ва мусиқий театрга-18 та, Ўзбек миллий Академик театрига 80 та билетлар бепул тарқатилди.

1-июнь Болаларни химоя қилиш кунига “Мейджик Сити” истироҳат паркига 300 та билетлар харид қилинди ва ходимларга тарқатилди.

2023 йил ноябр ойида реконструкциядан сўнг Олмалиқ туманлараро перинатал марказининг тантанали очилиши бўлиб ўтди. Илгари мазкур иншоот 90 ўринга мўлжалланган бўлса, эндиликда 120 тагача беморни қабул қила олади. Мазкур муассасани реконструкция қилиш учун 12,5 миллиард сўм маблағ ажратилди. Перинатал комплекс учун қўшимча зарур тиббий асбоб-ускуналар харид қилишга 2,8 миллиард сўмдан ортиқ маблағ ажратилди.

Шунингдек, Олмалиқ шаҳар тиббиёт бирлашмасига беғараз асосда 360 дона кислород баллонлари ажратилди.

Ўзбекистон Республикаси Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси ҳузуридаги Ангрен кон-қутқарув отрядига беғараз асосда 8та «Хроматек-газохром 2000» портатив газ хроматографлари ва 60та CL-30 ўз-ўзини қутқарувчилар тўплами ажратилди.

## Қўлга киритилган ютуқлар

1. Модернизация ва реконструкция ишларини олиб борилиши ҳисобига 2021 йилда 1.855,0 МВА, 2022 йилда 1.241,0 МВА ҳамда 2023 йилнинг 3-чорагида 1252,3 МВА қўшимча қувватлар яратилди.

2. Энергокомпанияларда чуқур диагностика ўтказиш ва тизимли камчиликларни аниқлаш, ҳаражатларни қисқартириш ва замон талабларига жавоб берадиган операцион бошқарув тизимини яратиш бўйича “McKinsey&Company” халқаро консалтинг компанияси жалб этилди. Мазкур халқаро консалтинг компанияси тавсияларини босқичма-босқич амалга ошириш ҳисобига 2026 йил якунига қадар 1,1 трлн сўм миқдорида иқтисодий самарадорликка эришилади.

3. Grant Thornton халқаро аудит компанияси жамиятдаги ҳаридлар жараёнини тўлиқ аудитдан ўтказди ва ижобий хулоса тақдим этди.

4. Катта тўртликка кирувчи “Ernst & Young” компанияси “МСФО (Молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартлари)” талаби бўйича Жамиятнинг молиявий ҳисоботларига 4 йилдан бери ижобий аудиторлик хулосаларини тақдим этмоқда.

5. Корпоратив бошқарув тамойиллари халқаро стандартларга мослаштирилди, жумладан “Сифат менежменти тизими”, “Коррупцияни олдини олиш ва унга қарши курашиш”, “Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш”, “Меҳнат хавфсизлиги ва саноат хавфсизлигини бошқариш” ва “Энергия бошқаруви тизими” халқаро ICO сертификатлари олинди.

6. Fitch Ratings “Ўзбекистон МЭТ” АЖга биринчи марта “B-” барқарор даражасидаги халқаро кредит рейтингини тақдим этди.

7. Асосий фаолиятга оид бўлмаган шўъба корхоналарини оптималлаштириш ҳисобига тизим ташкилотлари сони 25 тадан 18 тага қисқарди.

8. Халқаро молия институтлари кредит маблағлари иштирокидаги инвестиция лойиҳаларини оптималлаштириш натижасида жами 288,0 млрд.сўмдан ортиқ харажатлар қисқартирилди.

9. Носоҳавий фаолиятларни қисқартириш ҳисобига 41,0 млрд. сўм (шундан 2023 йилда 30,3 млрд. сўм), ҳаридлар жараёнини рақамлаштириш ва харид шартномаларини оптималлаштириш ҳисобига 26,4 млрд. сўм (шундан 2023 йилда 19,1 млрд. сўм) миқдорида иқтисодий самарадорликка эришилди.

10. Энергия ресурсларини тежаш, технологик ва бошқа йўқотишларни камайтириш ҳисобига 30,5 млрд.сўм (шундан 2023 йилда 3,2 млрд. сўм) миқдорида маблағлар иқтисод қилинди.

11. Қурилиш ва таъмирлаш ишларини хўжалик усулида бажариш, бутловчи хом-ашё ва материаллар, хомийлик ҳамда бошқа турдаги харажатларни тежаш ҳисобига 77,3 млрд.сўм (шундан 2023 йилда 7,9 млрд. сўм) миқдоридаги маблағлар иқтисод қилинди.

12. 2022-2023 йилларда жами самарадорлик 463,2 млрд.сўм.






UZPOST
UZPOST



## “Ўзбекистон почтаси” АЖ

## Корхона тўғрисидаги маълумотлар

| | |
|---|---|
| Ташкил қилинган йили: | 2004 йил |
| Жойлашган манзили: | Тошкент ш., Юнусобод тумани, Олой кўчаси, 1 уй |
| Веб-сайт манзили: | uz.post |
| Фаолият тури: | 52 100 (почта алоқаси) |
| Устав фонди: | 38.1 млрд.сўм |
| Давлат улуши: | 31,51 % |
| Ходимлар сони: | 7 466 нафар |
| Эркаклар сони:<br>Аёллар сони: | 3 949 нафар<br>3 517 нафар |
| Кузатув кенгаши раиси: | Эгамбердиев Жамшид Шарифжонович |
| Ижроия органи раҳбари: | Файзуллаев Алишер Насибуллаевич |

| Молиявий кўрсаткичлар (млн. сўмда) | 2022 й. | 2023 й. |
|---|---|---|
| Жами даромад | 367 890,6 | 430 350,7 |
| Харажатлар | 365 627,5 | 426 460,5 |
| Солиқ тўлангунга қадар фойда | 2 263,0 | 3 890,2 |
| Соф фойда | 810,1 | 809,8 |
| Бир дона акцияга даромад | 0,015 | 0,019 |
| Жами активлар | 260 909,8 | 301 077,1 |

## ROA ва ROE
(активлар рентабеллиги ва капитал рентабеллиги)




## **Асосий фаолият натижалари** (млн. сўмда)




| Маҳсулот/хизмат | Ўлчов бирлиги | 2022 йил | 2023 йил | Ўзгариш,% |
|---|---|---|---|---|
| Ёзма хат-хабарлар | минг дона | 10 941,8 | 7 199,4 | 66 |
| Пул ўтказмалар | минг дона | 523,1 | 135,2 | 26 |
| Посилка | минг дона | 115,7 | 82,6 | 71 |
| Даврий нашрлар | минг дона | 31 949,6 | 15 920,2 | 50 |

# Ҳисобот йилида рўй берган воқеалар, шу жумладан:

## Асосий фаолиятда

Лойиҳа мазмуни: Ўзбекистон Республикасининг қишлоқ ва чекка ҳудудларида молиявий хизматлардан фойдаланиш имкониятларини ошириш (оммалаштириш)

Амалга ошириш муддати: зарур ҳужжатлар имзолангандан кейин 12 ой.

Лойиҳанинг умумий миқдори: 130 000 АҚШ доллари, шундан:

- 110 000 АҚШ доллари УПИ фондидан;

- 20 000 АҚШ доллари Жамиятнинг ўз маблағлари.

Лойиҳа давомида "AVVAL" дастурий мажмуасининг техник имкониятларини кенгайтириш, алоқа бўлимларида, айниқса қишлоқ жойларида жойлашган бўлимларда тўловлар ва банк хизматлари бўйича янги хизмат турларини йўлга қўйиш, хизматлар сонини ошириш каби ишлар амалга оширилиши режалаштирилган.



## Корпоратив бошқарув йўналишида

Жамият ўз фаолиятида Корпоратив бошқарув кодексига риоя қилиш мажбурияти қабул қилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 октябрдаги ПФ-6096-сон Фармонига асосан кузатув кенгашларига ва корхоналар бошқарувига халқаро танлов асосида чет эллик соҳа мутахассисларини (жумладан, ватандошларни) фаол жалб этиш орқали кузатув кенгашлари таркибининг камида 30 фоизини малакали халқаро мутахассислар билан тўлдириш белгиланган. Шунга кўра Жамият кузатув кенгашининг 3 нафари мустақил аъзо сифатида сайланиши юзасидан ички низомлари тасдиқланди. Кузатув кенгаши замонавий функцияларини жорий қилиш мақсадида Жамият кузатув кенгаши ҳузурида Стратегия ва инвестициялар қўмитаси, Аудит қўмитаси, Тайинловлар ва ҳақ тўлаш қўмитаси, Коррупцияга қарши курашиш ва этика қўмитаси ташкил этилиб, Қўмита ишини тартибга солувчи ички меъёрий ҳужжат (низом)лар ишлаб чиқилди ва тасдиқланди. Низомларга асосан Кузатув кенгаши аъзоларидан ҳар бир қўмитага 3 нафардан қўмита аъзолари сайланди.



## Экологик йўналишда

2023 йилда Жамият миқёсида “Яшил макон” дастури доирасида жами 11 343 туп дарахт кўчатлар экилди.

## Ижтимоий йўналишда

Ҳисобот даврида Гибрид почта хизмати ҳажми 20,5 млн.донани ташкил этиб, 2022 йилга нисбатан 2,0 баробарга ўсган.

2023 йилда 19 давлат билан ер усти транспорти ва 71 давлат билан ҳаво транспорти орқали ўзаро халқаро почта алмашинувлар ўтказилган.

Шунингдек, “Ўзбекистон почтаси” АЖ томонидан 2023 йилда халқаро почта хизматлари жами экспорт ҳажми 11 292,2 минг. АҚШ доллари (2022-йилда 9 737,2 минг АҚШ доллари)ни, импорт ҳажми эса 2023-йилда 3 395,5 минг АҚШ доллари (2022 йилда 2 528,2 минг АҚШ доллари)ни ташкил этган.

2023-йил ҳисобот давридаги соф фойда 809,8 млн. сўмни ташкил этди.

2023 йил давомида Жамиятнинг Ижроия аппарати, филиаллар марказий аппарати ва туман-шаҳар почта алоқаси боғламаларида фаолият юритаётган 4 228 нафар ходимларнинг малакаси оширилди.

2023 йилда Жамият томондан тавсия этилган сиртқи таълим шаклида 72 нафар Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети ва унинг ҳудудий филиалларида, 1 нафар Тошкент давлат иқтисодиёт университетида ҳамда Бизнес ва тадбиркорлик олий мактабининг магистратура мутахассислигининг сиртқи таълим шаклида 1 нафар, жами 74 нафар ходимлар таълим олишмоқда.

## Қўлга киритилган ютуқлар

“Ўзбекистон почтаси” АЖ томонидан амалга оширилган ишлар натижасида, 2023 йилнинг 5 октябр куни Ар-Риёд шаҳри (Саудия Арабистони)да бўлиб ўтган УПИнинг IV Фавқулодда Конгрессининг Стратегик саммитида Ўзбекистон Республикаси “Почта тарақ-қиётининг юксалувчи юлдузи” мукофоти билан тақдирланди.

Шунингдек, ҳисобот даврида “Ўзбекистон почтаси” АЖ 2IPD 2023 йил бўйича УПИга аъзо 172 давлат орасида катта ютуқларга эришди. Натижада Умумжаҳон почта иттифоқининг Халқаро почта алоқаси ривожланиш индексида Ўзбекистон 41 поғона юқорилаб, 172 давлат ичида энг катта ўсишни қайд этган давлат сифатида қайд этилди ва 74-ўринга кўтарилди.


TEZKOR
VA ISHONCHLI
UZPOST

IES

ISSIQLIK ELEKTR
STANSIYALARI AJ





# “Иссиқлик электр станциялари” АЖ

## Корхона тўғрисидаги маълумотлар

| | |
|---|---|
| Ташкил қилинган йили: | 2019 йил |
| Жойлашган манзили: | Тошкент ш., Бунёдкор шоҳ кўчаси, 23-уй |
| Веб-сайт манзили: | tpp.uz |
| Фаолият тури: | Электр ва иссиқлик энергиясини ишлаб чиқариш |
| Устав фонди: | 13 310 499 925 900 сўм |
| Давлат улуши: | 99,99 % |
| Ходимлар сони: | 10 980 нафар |
| Эркаклар сони:<br>Аёллар сони: | 8 729 нафар<br>2 251 нафар |
| Кузатув кенгаши раиси: | Ортиков Акмалхон Жўрахонович |
| Ижроия органи раҳбари: | Жураев Баҳодир Ибрагимович |

| Молиявий кўрсаткичлар (млрд. сўмда) | 2022 й. | 2023 й. |
|---|---|---|
| Жами даромад | 25 330,13 | 30 788,91 |
| Харажатлар | 22 961,88 | 31 333,45 |
| Солиқ тўлангунга қадар фойда | 2 368,25 | 0,00 |
| Соф фойда | 2 189,56 | -601,46 |
| Бир дона акцияга даромад | - | - |
| Жами активлар | 80 904,55 | 51 575,49 |

## Асосий фаолият натижалари, млрд.сўм




## ROA ва ROE
(активлар рентабеллиги ва капитал рентабеллиги)




| Маҳсулот/хизмат | Ўлчов бирлиги | 2022 йил | 2023 йил | Ўзгариш,% |
|---|---|---|---|---|
| Электр энергиясини ишлаб чиқариш | млн.кВт.с | 55 466,6 | 54 155,6 | -1 311,0 |
| Иссиқлик энергияси узатиш | минг Гкал | 5 348,4 | 12 034,9 | 6 686,5 |

# Ҳисобот йилида рўй берган воқеалар, шу жумладан:

## Корпоратив бошқарув йўналишида

“Иссиқлик электр станциялари” АЖда 2023 йилда Ягона акциядорнинг 8 та қарори (13 та масала) ва Жамият кузатув кенгашининг 13 та мажлиси (59 та масала) ўтказилган ва тегишли қарорлар қабул қилинган.

Жамиятнинг корпоратив бошқарув тизимини 2023 йил якуни бахолаш натижаси бўйича 814 балл берилди ва жамиятда корпоратив бошқарув тизими ҳолати “юқори” деб эътироф этилди.

“Иссиқлик электр станциялари” АЖ кузатув кенгашининг 2021 йил 30 сентябрдаги 4-2021-сонли мажлис баёни билан Жамият кузатув кенгаши қошида кузатув кенгаши аъзолари таркибидан, жумладан Б.Маматов ва Қ.Усмоновлардан иборат аудит қўмитаси ташкил этилган ҳамда мазкур қўмита фаолиятини мувофиқлаштирувчи низом тасдиқланган.



## Экологик йўналишда

Жамиятда экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишда экологик назоратнинг аҳамияти беқиёс. Зеро, экологик назорат атроф-муҳитни муҳофаза қилишни таъминловчи асосий механизмлардан бири ҳисобланади.

Шу мақсадда, Жамиятда экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва энергия самарадорлигини ошириш мақсадида “2020-2030 йилларда Ўзбекистон Республикасини электр энергияси билан таъминлаш Концепцияси” ишлаб чиқилган бўлиб, унга асосан 2030 йилга бориб, электр энергияси ва иссиқлик ишлаб чиқариш-нинг янги технологияларини қўллаш орқали атмосфера ҳавосига ифлослантирувчи ташламалар (шу жумладан иссиқхона газлари CO2) ҳамда ер ости/усти сувларига оқава сувларнинг таъсирини мавжуд вазиятга нисбатан 20-30 фоизга қисқартириш кўрсаткич-ларига эришиш мақсадлари қўйилган.




Жамият бўйича умумий қуввати 9,6 МВт бўлган қуёш фото электр станциялари ўрнатилди. Бунинг натижасида 2023 йил бошидан қуёш панелларини ўрнатиш орқали 7,0 млн. кВт.соат электр энергияси ҳосил қилиниб, тизим корхоналарининг ўз эҳтиёжлари ва хўжалик эхтиёжлари истеъмоли учун узатилади.

Натижада 2 млн м3 табиий газ иқтисодига эришилиши билан бирга, атмосфера ҳавосига чиқариладиган ифлослантирувчи моддалар ҳажмини 2,2 фоизга қисқаришига олиб келади.

“Иссиқлик электр станциялари” АЖ ва унинг тизим корхоналари томонидан 2023 йил баҳор мавсумида 15 000 туп дарахт ва бута кўчатларининг экилиши режалаштирилган бўлиб, бугунги кунга келиб қарийб 46 228 м2 ер майдонида жами 23 244 туп дарахт ва бута кўчатлари, булардан 14 332 туп манзарали ва мевали дарахт кўчатлари, 5 612 дона бута (атиргул, туя) ҳамда 3 300 дона доривор ўсимликлар (райҳон, жамбил, ялпиз ва ҳ.к.) экилди. Режа 155% билан бажарилган.

Куз мавсумида эса 70 000 туп дарахт ва бута кўчатларининг экилиши режалаштирилган бўлиб, 25-октябрь кунидан бугунги кунга қадар 200 340 м2 ер майдонида жами 94 100 туп манзарали ва мевали дарахт кўчатлари экилди. Режа 134% билан бажарилган.

Бундан ташқари, Жамиятда бутун дунёдаги иқлим ўзгариши ва экологик мувозанатни бир маромда ушлаш, салбий таъсирни камайтириш мақсадида ICO 14001 Атроф-муҳитни бошқариш тизими жорий қилинган.

Шунингдек, ҳозирги кунда Жамият ҳамда Европа тараққиёти ва тикланиш банки билан ҳамкорликда Жамият ва унинг тизим корхоналарининг барқарор ва самарали ишлашини таъминлаш мақсадида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, ижтимоий масалалар ва бошқарувни халқаро тамойилларга асосланган ҳолда ташкил қилиш мақсадида

ESG (environmental, social, governance) стандартини жорий қилиш ишлари амалга оширилмоқда.

## Ижтимоий йўналишда

“Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2022 йил 21-22-апрель кунлари Қашқадарё вилоятига ташрифи якунлари тўғрисида”ги қўшма қарорида Қашқадарё вилоятида янгидан ташкил этилган Кўкдала тумани марказида қурилаётган “Маданият маркази” объект қурилиши учун пул маблағлари ажратилиши белгиланган. Шунга кўра, “Иссиқлик электр станциялари” акциядорлик жамияти Қашқадарё вилояти Кўкдала тумани марказида қурилаётган “Маданият маркази” объекти қурилиши учун 2023 йил давомида 1,0 млрд. сўм миқдорида пул маблағларини ўтказган.

“Тахиатош ИЭС” филиали томонидан Шуманай туман хокимиятида жойлашган кутубхона таъмири учун 2023 йил давомида 52,9 млн сўм пул маблағлари ажратилган.

“Фарғона ИЭМ” филиали Фаргона вилоят хокимининг 15.11.2023 йилдаги 344/01-49-сонли йиғилиш баёни 6-банди ижросини таъминлаш учун 500,0 млн сўм пул маблағларини ўтказган.

# Қўлга киритилган ютуқлар

“Рақамли Ўзбекситон – 2030” стратегиясини амалга ошириш бўйича Давлат ва хўжалик бошқаруви органларида рақамли ривожланиш даражасини рейтинг баҳолаш NIS.UZ тизимида 92.5 балл ҳамда Ахборот ва киберхавфсизлик таъминланганлиги ҳолати бўйича рейтинг баҳолаш тизимида 89 балл натижага эришилди.

Очиқ маълумотлар порталида маълумотлар жойлаштирилишини баҳолаш мезони”да “Иссиқлик электр станциялари” АЖ 84.69% билан энг юқори балл тўплаган Давлат ташкилотлари

10 талигидан ўрин эгаллашга муваффақ бўлди.

“Иссиқлик электр станциялари” АЖ марказий аппарати ҳамда унинг тизим корхоналарида ISO 9001 (Сифат менежменти тизими), ISO 14001 (Экологик бошқарув тизими), ISO 45001 (Жамиятда саломатлик ва хавфсизликни бошқариш тизими), ISO 50001 (Энергия бошқаруви тизими) стандартлари жорий этилди.

Халқаро сертификат олинди «Ўзбекистон Республикасининг 2022-2026 йилларга мўлжалланган инвестиция дастурини тасдиқлаш ҳамда инвестиция лойиҳаларини бошқаришнинг янги ёндашув ва механизмларини жорий этиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 30.12.2021 йилдаги ПҚ-72-сон қарори ҳамда 28.12.2022 йилдаги ПҚ–459-сон қарорларига асосан “Иссиқлик электр станциялари” АЖ томонидан 2022-йилда барча маблағлар ҳисобидан 256,27 млн.доллар, 2023 йилда эса умумий қийматда 622.63 млн. долларга тенг инвестиция лойиҳалари доирасида маблағлар ўзлаштирилди.

2023 йилда ЕТТБ иштирокида умумий қиймати 93,7 млн. долларга тенг “Ҳаётий муҳим инфратузилмани қўллаб-қувватлаш дастури: электр энергетика соҳасини қўллаб-қувватлаш” лойиҳаси якунига етди.

2 та лойиҳа доирасида қуйидаги ишлар амалга оширилди.

Биринчи. 2022 йил 11 ноябрда тендер ғолиби Испаниянинг “Интекса” ва Япониянинг “Митсубиши” компаниялар консорциуми билан “тайёр ҳолда топшириш” шарти асосида тузилган умумий қиймати 772 млн. долларга тенг шартномага мувофиқ “Талимаржон ИЭСда умумий қуввати 900 МВтдан кам бўлмаган навбатдаги иккита буғ-газ қурилмаларини қуриш билан кенгайтириш” лойиҳаси доирасида 2023 йил учун белгиланган 101,6 млн. долларни (103,69 млн. доллар) ортиғи билан ўзлаштириш бўйича бош пудратчи ҳамда халқаро молия институтлари билан ҳамкорликда зарур чоралар амалга оширилди.

Иккинчи. “Навоий иссиқлик электр станциясида 650 МВт қувватли учинчи буғ-газ қурилмасини қуриш” инвестиция лойиҳаси доирасида 2023-йилда 4 октябрь куни Япониянинг “Митсубиши корпарацияси ва Митсубиши повер” консорциуми билан қиймати 784,6 млн. долларга тенг шартнома имзоланди.

O'ZBEKGIDROENERGO

АКЦИОНЕРНОЕ ОБЩЕСТВО «УЗБЕКГИДРОЭНЕРГО»





# “Ўзбекгидроэнерго” АЖ

## Корхона тўғрисидаги маълумотлар

| | |
|---|---|
| Ташкил қилинган йили: | 2017 йил |
| Жойлашган манзили: | 100011, Тошкент шаҳар, Навоий кўчаси, 22 уй |
| Веб-сайт манзили: | uzgidro.uz |
| Фаолият тури: | Гидроэлектростанцияларда электр энергиясини ишлаб чиқариш |
| Устав фонди: | 731 106 683 200 сўм |
| Давлат улуши: | 100 % |
| Ходимлар сони: | 4 200 нафар |
| Эркаклар сони:<br>Аёллар сони: | 3 556 нафар<br>644 нафар |
| Кузатув кенгаши раиси: | Мадаминов Умид Маҳмудович |
| Ижроия органи раҳбари: | Сангинов Абдуғани Абдурахмонович |

| Молиявий кўрсаткичлар (млн. сўмда) | 2022 й. | 2023 й. |
|---|---|---|
| Жами даромад | 2 060 786,1 | 2 486 202,2 |
| Харажатлар | 890 757,8 | 1 347 571,3 |
| Солиқ тўлангунга қадар фойда | 1 170 028,3 | 1 138 630,9 |
| Реинвестиция | 988 820,5 | 969 075,2 |
| Соф фойда | 2 440,5 | 3 043,9 |
| Бир дона акцияга даромад (тийин) | 0,0033 | 0,0042 |
| Жами активлар | 9 696 204,9 | 14 226 431,5 |

| Маҳсулот/хизматлар | Ўлчов бирлиги | 2022 йил | 2023 йил | Ўзгариш,% |
|---|---|---|---|---|
| Электр энергияси | млн.кВт.с | 6 483,9 | 6 875,4 | 391,5 |

## Электр энергия ишлаб чиқариш




## Соф тушум



# Ҳисобот йилида рўй берган воқеалар, шу жумладан:

## Асосий фаолиятда

Жамиятнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

Гидроэлектр станцияларда электр энергияси ишлаб чиқариш соҳасида ягона техник сиёсатни амалга ошириш, гидротехник иншоотлардан хавфсиз ва самарали фойдаланишни таъминлаш, шунингдек, гидроэнергетика объектларни марказлаштирилган технологик бошқариш;

Гидроэнергетика салоҳиятини комплекс ўзлаштириш асосида гидроэнергетика соҳасини ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш ҳамда республикамизнинг энергетика баланси таркибида гидроэнергетиканинг улушини кўпайтиришни таъминлаш;

Йирик, ўрта, кичик ва микро гидроэлектр станцияларни лойиҳалаштириш ҳамда қуриш соҳасида замонавий ва ҳар томонлама чуқур асосланган илмий-техник ечимлар асосида янги гидроэлектр станциялар қуриш ва ишлаб турганларини модернизациялаш бўйича инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш;

Янги гидроэлектр станциялар қуриш ва ишлаб турганларини модернизация қилиш бўйича лойиҳаларни амалга оширишга хорижий инвестициялар ва илғор технологияларни жалб этиш бўйича халқаро компаниялар ва молия институтлари билан ҳамкорликни ривожлантириш;

Республикамизнинг сув салоҳиятига тежамкорлик билан муносабатда бўлишни таъминлаш, гидротехника иншоотларини қуриш ва улардан фойдаланишда мавжуд флора ва фаунани сақлаш, шунингдек, мамлакатимизнинг иқлим, табиий ва бошқа хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда сув ресурсларини самарали бошқариш;

Гидроэнергетика соҳасида олий ва ўрта махсус маълумотга эга бўлган кадрларни тизимли асосда тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, ресурсларини ягона бошқарув системасини шакллантириш ва гидроэнергетика обьектларини марказлашган технологик бошқарувини таьминлайди.

## Корпоратив бошқарув йўналишида

“Ўзбекгидроэнерго” акциядорлик жамияти (кейинги ўринларда – Жамият) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 майдаги “Ўзбекгидроэнерго” акциядорлик жамиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПФ-5044-сон Фармони ва 2017 йил 18 майдаги “Ўзбекгидроэнерго” акциядорлик жамияти фаолиятини ташкиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2972-сон Қарорига асосан ташкил этилган. 2017 йил “Ўзбекгидроэнерго” АЖ Ягона акциядор қарори билан Акциядорлик жамиятларининг самарадор-лигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш бўйича Комиссия йиғилишининг 2015 йил 31 декабрдаги 9-сон баённомаси билан тасдиқланган Корпоратив бошқарув Кодексига риоя қилиш мажбурияти қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 8 апрелдаги ПФ-101-сон Фармон ижроси юзасидан Жамият Кузатув кенгашининг қарорлари асосида Кузатув кенгаши қошида Аудит, Харидлар, Инвестиция ва стратегиялар ҳамда Рағбатлантириш бўйича Қўмиталар ташкил этилиб, Кузатув кенгаши аъзоларидан ҳар бир қўмитага кенгаш аъзоларидан 3 нафардан қўмита аъзолари ва котиблари сайланди ҳамда қўмиталар ишини тартибга солувчи тегишли низомлар тасдиқланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Гидроэнергетика соҳасини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2023-йил 30-мартдаги ПҚ-104-сон қарори ижроси юзасидан “Ўзбекгидроэнерго” АЖ Ягона акциядорининг 2023-йил 14-июндаги 1-сон қарорига мувофиқ, стратегик ва корпоратив маслаҳатчи хизмати ташкил этилди.

## Экологик йўналишда

Электр энергиясини ишлаб чиқаришда мамлакатимиздаги табиий ва сунъий сув оқимларининг мавжуд гидросалоҳиятидан ва қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш кўламини янада кенгайтириш, соҳага хусусий инвестицияларни жалб қилиш учун қулай шароитлар яратиш ҳамда шу асосда янги экологик тоза энергия ҳосил қилувчи қувватларни ривожлантириш.

# Ижтимоий йўналишда

Жамият ва тизимдаги корхоналарда фаолият олиб бораётган барча эркак ва аёл ходимлар учун бир хил шарт-шароитлар яратилган бўлиб, бу айниқса, ижтимоий масалаларда аниқ кўринади.

1. Жамият тизим корхона-ташкилотларида фаолият юритаётган ишчи-ходимларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида 2024 йилнинг январ ойида ижтимоий-ҳимояга муҳтож, оғир турмуш шароитида яшаётган оилалар вакиллари бўлган ишчи-ходимлар рўйхати ҳамда корхона-ташкилотларда фаолият юритаётган ногирон (жами 50 нафар) ишчи-ходимлар рўйхати шакллантирилди, ҳар чоракда ушбу ишчи-ходимларга турли хилдаги моддий ёрдамлар кўрсатилмоқда.

Шу жумладан, ходимларни соғломлаштириш мақсадида, 1 йилда бир марта бепул тиббий кўрикдан ўтказилиши йўлга қўйилган.

Шунингдек, Жамият тизимидаги "Энергетиклар сиҳатгоҳи" МЧЖда Жамият ва тизим ишчи-ходимлари махсус чегирмалар билан дам олишмоқда. Жамият ходимларнинг иш ҳақига қўшимча равишда йўл ҳақи ажратилиши йўлга қўйилди.

Шу жумладан, ишчи-ходимлар учун 112 хонадондан иборат кўп қаватли турар жой мажмуаси қурилиб, фойдаланишга топширилди.

2024 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, Жамият тизимида фаолият олиб бораётган иқтидорли ёш лидер хотин-қизларнинг (34 нафар) кадрлар захираси шакллантирилди.

# Қўлга киритилган ютуқлар

– Жамиятда "Экологик, ижтимоий ва корпоратив бошқарув (ESG)" тамойиллари жорий қилинди ва «Sustainable fitch» рейтинг агентлигидан «2-даражали ESG»(яхши) рейтинги олинди;

– 2020-2023 йиллар учун молиявий ҳІСОботлар халқаро молиявий ҳІСОботлар стандартлари (МСФО) асосида тайёрланиб ва халқаро аудит ташкилоти Прайсватерхаускуперс томонидан аудитдан ўтказилиб, унинг натижаси бўйича компаниянинг ижобий хулосаси олиниб келинмоқда;

– Жамият республикада биринчилар қаторида

2020 йилда «Fitch Ratings» халқаро рейтинг агентлигининг «B+» (ижобий) халқаро кредит рейтинги қўлга киритди, 2021 йил октябрь ойида рейтинг «BB-» (барқарор) даражасига кўтарилди ва 2022 йилда ҳам BB- барқарор халқаро кредит рейтингини сақлаб қолди;

– 2022 йилда Жамият харид жараёнларини аудитдан ўтказиш, жумладан, коррупцияга қарши курашиш тизимлари самарадорлигини ошириш («форензик») бўйича "Deloitte" компанияси билан шартнома имзоланди ҳамда жамият харид тизими бўйича ижобий аудит хулосаси олинишига эришилди;

– Коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш ҳамда халқаро даражадаги стандартларни жорий қилиш мақсадида “Серт интернашенл” халқаро сертификатлаш органининг ICO 37001:2016 бўйича халқаро сертификати қўлга киритилди;

– Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023-йил 12-майдаги “Яшил энергия” сертификатлари тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-156-сонли Қарорига мувофиқ Жамият тизимидаги ГЭСларда ишлаб чиқарилган электр энергияси учун “яшил энергия” сертификатлари тизимини жорий этилди ҳамда 2024 йилнинг I-чорагида “Соноаткурилишбанк” ва Бритиш Американ Тобакога жами 6963 та (95,0 млн сўмлик) сертификат сотилди;

– Коррупцияга қарши курашишни олдини олиш мақсадида аноним сўровномаларни ўтказиш учун махсус платформа яратилди;

– ГЭС ва сув омборлари 1000 дан ортиқ Hikvision брендига мансуб янги авлод замонавий интелектуал видеокузатув тизимлари билан жиҳозланди;






UZTELECOM
IT PARK
UZBEKISTAN



# “Ўзбектелеком” АЖ

## Корхона тўғрисидаги маълумотлар

| | |
|---|---|
| Ташкил қилинган йили: | **2000 йил** |
| Жойлашган манзили: | **Тошкент ш., Алишер Навоий кўчаси, 28 “А”** |
| Веб-сайт манзили: | **uztelecom.uz** |
| Фаолият тури: | **Телекоммуникация хизматлари** |
| Устав фонди: | **326 171 555 666 сўм** |
| Давлат улуши: | **94,55%** |
| Ходимлар сони: | **17 363 нафар** |
| Эркаклар сони:<br>Аёллар сони: | **13 009 нафар**<br>**4 354 нафар** |
| Кузатув кенгаши раиси: | **Шерматов Шерзод Хотамович** |
| Ижроия органи раҳбари: | **Хасанов Назиржон Набижонович** |

| Молиявий кўрсаткичлар (млн сўмда) | 2022 й. | 2023 й. |
|---|---|---|
| Жами даромад | 7 075,7 | 8 416,4 |
| Харажатлар | 6 800,7 | 8 375,0 |
| Солиқ тўлангунга қадар фойда | 275,0 | 41,4 |
| Соф фойда | 226,9 | 25,4 |
| Бир дона акцияга даромад | 23,8 сўм | 28,8 сўм |
| Жами активлар | 8 433,1 | 10 407,2 |

## ROA ва ROE
(активлар рентабеллиги ва капитал рентабеллиги)




## Ишлаб чиқариш/хизматлар кўрсаткичлари

| Маҳсулот | 2022 йил | | 2023 йил | | Ўзгариш,% |
|---|---|---|---|---|---|
| | Режа | Амалда | Режа | Амалда | |
| Халқаро ўзаро ҳисоб-китоблар | 1 498,4 | 1 639,1 | 1 642,4 | 1 786,7 | 147,6 |
| Каналлар ижараси | 235,1 | 271,9 | 338,3 | 366,5 | 94,6 |
| Халқаро ва маҳаллий телефон алоқаси | 117,8 | 118,2 | 152,5 | 103,2 | -15,0 |
| Маълумотлар узатиш тармоғи ва Интернет | 1 633,1 | 1 848,4 | 2 608,6 | 2 718,3 | 869,9 |
| Мобиль алоқа | 2 385,6 | 2 353,5 | 2 982,6 | 2 628,3 | 274,8 |
| Алоқа хизматидан бошқа даромадлар | 274,8 | 254,6 | 269,0 | 246,9 | -7,6 |
| **Жами** | **6 144,8** | **6 485,7** | **7 993,4** | **7 849,9** | **1 364,2** |

# АСОСИЙ ФАОЛИЯТ ДАРОМАДЛАРИ



# Ҳисобот йилида рўй берган воқеалар, шу жумладан:

## Асосий фаолиятда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон-нинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармонига мувофиқ, ахборот-коммуникация технологиялари соҳасини ҳам янги босқичга олиб чиқиш бўйича қатор устувор вазифалар белгиланган бўлиб, “Ўзбектелеком” АК томонидан республика ҳудудида барча турдаги телекоммуникация хизматларини тақдим этувчи етакчи оператор сифатида тегишли ишлар жадал амалга оши-рилмоқда.

### Ҳисобот йилидаги муҳим воқеалар

“Ўзбектелеком” АК томонидан 2023 йилда Инвестиция дастурлари доирасида барча молиялаштириш манбалари ҳисоби-дан жами 218,19 млн АҚШ доллари миқдорида инвестициялар ўзлаштирилди. Жумладан:

“Ўзбектелеком” АК телекоммуникация тармоқларида давлат ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш. Ушбу лойиҳа доирасида компаниянинг ўз маблағлари ҳисобидан жами 9,8 млн АҚШ доллари миқдорида қурилмалар келтирилган;

Давлат томонидан кафолатланмаган Швейцария Credit Suisse банкининг 153,1 млн. АҚШ доллари бўлган кредити ҳисобига ““Ўзбектелеком” АКнинг телекоммуникация инфратузилмасини шарқий минтақада янада ривожлантириш” лойиҳаси доирасида 2023 йилда 96,88 млн. АҚШ доллари миқдорида инвестициялар ўзлаштирилди. Шундан 80,00 млн АҚШ доллари хорижий кредитлар, 16,88 млн АҚШ доллари компания ўз маблағлари ҳисобидан;

Телекоммуникация қурилмаларини ишлаб чиқарувчи “ZTE Corporation” (Хитой) компаниясининг маҳсулот кредити ҳисобига ““Ўзбектелеком” АКнинг телекоммуникация инфра-тузилмасини ғарбий минтақада янада ривожлантириш” лойиҳаси доирасида 2023 йилда жами 52,13 млн. АҚШ доллари миқдорида инвестициялар ўзлаштирилди. Шундан 33,92 хорижий кредитлар, 18,21 млн АҚШ доллари компания ўз маблағлари ҳисобидан;

“Ўзбектелеком” АКнинг телекоммуникация инфратузилмасини ривожлантириш лойиҳаси доирасида Япониянинг “Toyota Tsusho Corporation” компанияси билан тузилган шартномага мувофиқ жами 59,38 млн. АҚШ доллари миқдорида инвестицяилар ўзлаш-тирилди. Шундан 56,38 млн АҚШ доллари Ҳукумат кафолати остидаги хорижий кредитлар ҳисобидан, 3,0 млн АҚШ доллари эса компания ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширилган.

# Корпоратив бошқарув йўналишида

“Ўзбектелеком” АК ўзининг бозордаги ўрнини мустаҳкамлаш ва узоқ муддатли ривожланишни таъминлаш учун қатор ишларни олиб бормоқда. Ўзбекистон

Республикаси Президентининг 2020 йил 27 октябрдаги ПФ-6096-сон ҳамда 2022 йил 8 апрелдаги ПФ-101-сон фармонлари ижроси юзасидан Компания тассаруфида Трансформация масалалари бўйича лойиҳа офиси бошқармаси, Комплаенс бошқармаси, Импортни мувофиқлаштириш,

Маҳаллийлаштириш лойиҳаларини шакллантириш бошқармаси, Кузатув кенгашида Стратегия ва инвестициялар қўмитаси, Аудит қўмитаси, Тайинловлар ва ҳақ тўлаш қўмитаси, Коррупцияга қарши курашиш ва этика қўмиталари мавжуд.

# Экологик йўналишда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2023 йилда қайта тикланувчи энергия манбаларини ва энергия тежовчи технологияларни жорий этишни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2023-йил 16-февралдаги ПҚ-57-сон қарорига асосан “Ўзбектелеком” АК томонидан 2023-2024-йилларда қайта тикланувчи энергия манбаларини ўрнатиш ва ишга тушириш бўйича чора-тадбирлар режаси тасдиқланган.

Мазкур чора-тадбирлар режасига биноан 2023-йилда умумий қувват 1298,9 кВт бўлган қуёш панеллари ўрнатилиб ишга туширилган.

Бугунги кунда “Ўзбектелеком” АК нинг умумий қуввати 1419,4 кВт бўлган альтернатив электро энергия манбалари ишлаб турибди, шулардан қуввати 187 кВт бўлган электростанциялари гибрид (қуёш ва шамол) кўринишдаги қурилмаларини ташкил этади.

2023 йилда Компания томонидан 276 454 та дарахтлар экилди.

## Ижтимоий йўналишда

"Ўзбектелеком" акциядорлик компанияси томонидан 2023 йил давомида бир қатор ижтимоий ва бошқа турдаги лойиҳалар амалга оширилди.

2023 йилда "Ўзбектелеком" АК томонидан ушбу мақсадларга қарийб 30,0 млрд. сўм миқдорида маблағ ажратилди, жумладан:

- республикадаги турли даражадаги спорт тадбирларини ташкил этиш ва ўтказишга ҳамда иқтидорли спортчи ёшларнинг халқаро мусобақаларда қатнашиши билан боғлиқ харажатларни қоплашга;
- халқимизнинг қадимий тарихи, бой маданияти ва эзгу қадриятларини ўзида мужассам этган, халқимиз асрлар давомида эъзозлаб келаётган байрам тадбирларига ҳомийликлар;
- республикамизда ўтказилган қатор байрам тадбирлари жойларини тадбир учун зарур бўлган жиҳозлар ҳамда алоқа қурилмалари билан таъминлашга;
- халқ учун ташкил этилган турли фестивал бўлиб ўтган ҳудудларда
- "Wi-Fi" нуқталарини ташкил этишга;
- касб-ҳунар коллежлари, лицейларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, ўқув лабораториялари ва аудиторияларини таъмирлаш ва қайта жиҳозлаш, шунингдек ўқувчи-талабаларни ижтимоий ҳимоялашга;
- турли меҳрибонлик ижтимоий фондларини қўллаб-қувватлашга бошқаларга.

## Қўлга киритилган ютуқлар

Компаниянинг 2018-2023 йиллар учун молиявий ҳисоботларни халқаро стандартлар (МҲХС) асосида тайёрланган ва Deloitte & Touche томонидан аудит хулосаси олинган;

- "Ўзбектелеком"АКни ривожлантириш стратегияси Pricewater house Coopers Central Asia and Caucasus BV (PwC) билан ҳамкорликда ишлаб чиқилди;
- Коррупцияга қарши курашиш бўйича халқаро ISO 37001:2016 стандарти бўйича 2022 йил 5 сентябрдан 2025 йил 4 сентябрга қадар амал қиладиган ABMS-0623/A -сон мувофиқлик сертификати; Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агетлигининг https://e-anticor.uz/ платформасида ўтказилган рейтинг баҳолашда Компания 83 балл билан "яхши" баҳоланди. Сифат менеджменти тизими ISO 9001:2015 стандартига мувофиқлик сертификати олинди;
- S&P Global Ratings рейтинг агентлигидан корпоратив кредит рейтинги "барқарор кутилма" "B+" даражасида сақланиб қолинди;
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 22 августдаги ПҚ-357-сон Қарори ижросини таъминлаш мақсадида Компаниянинг номинал қиймати 1154 сўм бўлган 5 542 046 дона оддий акциялари IPO доирасида 6000 сўмдан жойлаштириш ҳисобига (эмиссиянинг қиймати) Компанияга қарийб 33,0 млрд сўм маблағ жалб этилди.


UZTE
LECOM
24/7

UTG
UZTRANSGAZ





## “Ўзтрансгаз” АЖ

## Корхона тўғрисидаги маълумотлар

| | |
|---|---|
| Ташкил қилинган йили: | 2001 йил |
| Жойлашган манзили: | 100047, Тошкент ш., Яшнабод тум., Шаҳрисабз кўчаси, 85-А уй |
| Веб-сайт манзили: | utg.uz |
| Фаолият тури: | Табиий газни ташиш, сақлаш ва транзит қилиш |
| Устав фонди: | 625 777 072 000 сўм |
| Давлат улуши: | 51,7% |
| Ходимлар сони: | 8 105 нафар |
| Эркаклар сони: | 7 153 нафар |
| Аёллар сони: | 952 нафар |
| Кузатув кенгаши раиси: | Мустафаев Хуршед Бахтиёрович |
| Ижроия органи раҳбари: | Исаков Аскар Шарифжонович |

| Молиявий кўрсаткичлар (млн. сўмда) | 2022 й. | 2023 й. |
|---|---|---|
| Жами даромад | 20 695 026 | 21 484 672 |
| Харажатлар | 22 863 405 | 13 694 228 |
| Солиқ тўлангунга қадар фойда | - 2 168 379 | 7 790 444 |
| Реинвестиция | - 2 168 379 | 7 790 444 |
| Соф фойда | 34 393 246 | 32 172 896 |

## Асосий фаолият натижалари, млрд.сўм




## ROA ва ROE
(капитал рентабеллиги ва активлар рентабеллиги)




| Маҳсулот/хизмат | Ўлчов бирлиги | 2022 йил | 2023 йил | Ўзгариш,% |
|---|---|---|---|---|
| Табиий газ транспортировкаси | млн куб метр | 52 864,9 | 47 153,8 | -5 711,1 |

# Ҳисобот йилида рўй берган воқеалар, шу жумладан:

## Асосий фаолиятда

2023 йилда магистрал газ қувурларда диагностика ва текшириш натижасида аниқланган 47 км (100%) нуқсонли қисмлари алмаштирилди, 3 063,1 км (140%) магистрал газ қувурлари ички сирти поршень қурилмаси ёрдамида тозаланди ҳамда компрессор станциялардаги 88 та (102,3%) газ ҳайдаш агрегатлари таъмирланди.

Шунингдек, газни ер остида сақлаш омборларига жами 3 млрд 473,3 млн куб метр табиий газ (100%) жамланди.

Республиканинг шимол қисмидан жануб қисмига транспорт қилиниши зарур бўлган табиий газ ҳажмини ёз ва куз-қиш мавсумида етказиш учун янги 22 км магистрал газ қувурлари қурилиб, фойдаланишга топширилди. Натижада, қувурларни гидравлик ўтказувчанлиги яхшиланиб, маҳсулдорлиги оширилди.

2024 йилда магистрал газ қувурларда диагностика ва текшириш натижасида аниқланган 41 км нуқсонли қисмларни алмаштириш, 2 289 км магистрал газ қувурлари ички сиртини поршень қурилмаси орқали тозалаш, компрессор станциялардаги 84 та газ ҳайдаш агрегатларини таъмирлаш режалаштирилган. Натижада, магистрал газ қувурлардан хавфсиз фойдаланиш ҳамда рухсат этилган ишчи босимлар оширилади. Қувурда вужудга келган сув, турли механик қоришмалар тозаланади ва ўтказувчанлиги яхшиланади.

## Корпоратив бошқарув йўналишида

“Ўзтрансгаз” АЖ корпоратив бошқарув тизими Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни, Акциядорлик жамиятлари фаолияти самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш бўйича комиссия Мажлисининг 2015 йил 31 декабрдаги 9-сон баённомаси билан тасдиқланган Корпоратив бошқарув кодекси ва бошқа меъёрий ҳужжатларга асосан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 18 августдаги “Давлат иштирокидаги корхоналар ва тижорат банкларини ислоҳ қилиш механизмини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-283-сон қарорига асосан “Ўзтрансгаз” АЖ устав капиталидаги давлат акция пакетлари (улуши) Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлигига ўтказилган.

2023 йилда “Ўзтрансгаз” АЖ кузатув кенгаши томонидан жами 16 та кузатув кенгаши мажлислари ва акциядорлар умумий йиғилиш томонидан жами 6 та йиғилиш ўтказилган.

Гендер тенгликни таъминлаш бўйича. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2022 йил 28 декабрдаги “Гендер тенглик масалалари бўйича маслаҳат кенгашлари фаолиятини такомиллаштириш чораларини кўриш тўғрисида”ги СҚ-682-4-сонли

қарори ижросини таъминлаш мақсадида Жамиятнинг 2023 йил 27 июлдаги 116-сонли буйруғига асосан Маслаҳат кенгаши ташкил этилди.

Юқори касбий салоҳиятга эга, билим ва дунёқараши кенг аёлларни қўллаб-қувватлаш, мансаб пиллапоясидан кўтарилишида ёрдам кўрсатиш мақсадида Давлат бошқарув академиясининг «Раҳбар аёллар» курсларига раҳбар-аёллар тавсия этилди. Жамиятимизда "Халқаро аёлларга нисбатан зўравонликка барҳам бериш" куни муносабати билан "Зўравонликка қарши 16 кунлик" шиори остида давра суҳбати, психологик тренинглар, форумлар ташкил этилди. Унда тизимда фаолият юритаётган аёллар иштирок этди.



Бугунги кунда жамиятимизда мингга яқин хотин-қизларнинг меҳнат қилаётгани ҳам тизимда гендер тенглигини таъминланишдаги омиллардан бири ҳисобланади.

Аёлларда бирдамлик, ҳамжиҳатликни тарғиб қилишда конференция, семинар, форум, тренингларнинг ўрни катта. Жамиятимиз бошқармаларида ҳам айни йўналишда мазкур тадбирлар мунтазам ўтказиб келинади.

## Экологик йўналишда

"Ўзтрансгаз" АЖнинг атмосфера ҳавосига ташланмалар ҳажмини камайтириш ҳамда ташланмаларнинг миқдорини аниқлаш ускуналарини ўрнатиш юзасидан 2023 йилга мўлжалланган чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилган бўлиб, ушбу чора-тадбирга асосан ишлар амалга оширилмоқда.




"Ўзтрансгаз" АЖнинг 2023 йил 23 ноябрдаги 176/176-сонли буйруқ-қарорига асосан Жамият таркибий тузилмалари томонидан 2023 йилда 114 000 туп дарахт кўчатлари экилиши белгиланган бўлиб, амалда 131 660 туп мевали ва манзарали дарахт кўчатлари экилиши таъминланди.

## Ижтимоий йўналишда

"Ўзтрансгаз" акциядорлик жамияти жамоа шартномаси орқали 2023 йил давомида жамият раҳбарияти билан ҳамкорликда фаолият кўрсатиб ходимлар ўртасида маданий-маърифий ва ижтимоий ҳимоя йўналишдаги ишларни тизимли ишлар олиб борилди.

Жумладан:



- жамият бўйича 531 та ходим соғломлаштирилди шундан, "Угам" дам олиш масканида 329 нафар, бошқа санаторий ва оромгоҳларига 202 нафар ходимларга йўлланмалар ажратилди;

- жамоа шартномали орқали тармоқ тизимида 10 йилдан ортиқ меҳнат қилган, ҳозирги кунда оғир хасталикка чалинган 8 нафар ёлғиз пенсионерларга жами 14 814,0 минг сўмлик стационар даволаниш харажатлари қоплаб берилди;

- 210 нафар меҳнат фахрийлари ва ёлғиз пенсионерларга озиқ-овқат маҳсулотлари жамламаси берилди.

Ҳисобот даврида тизимда меҳнат қилаётган ишчи-ходимларнинг 646 нафар фарзандларини болалар ёзги дам олиш масканларида дам олишлари ташкил қилинди. Жумладан:

- “Чотқол” болалар соғломлаштириш оромгоҳида 344 нафар;
- “Зангори Олов” болалар соғломлаштириш оромгоҳида 227 нафар;
- “Афсона” болалар соғломлаштириш оромгоҳида 6 нафар;
- “Ниҳол” болалар соғломлаштириш оромгоҳида 2 нафар;
- “Угам” болалар соғломлаштириш оромгоҳида 2 нафар;
- бошқа болалар соғломлаштириш оромгоҳиларида 65 нафар.

“Ўзтрансгаз” акциядорлик жамиятга бириктирилган Тошкент шаҳрининг Яшнобод туманида жойлашган “Наврўзобод” ҳамда “Яшнаобод” маҳаллаларига доимий равишда эътибор бериб келинмоқда.

Ўтган давр мобайнида маҳаллаларда яшаётган кам таъминланган, эҳтиёжманд оилаларда яшовчи болажонларнинг 20 нафари болалар дам олиш оромгоҳларига юборилди (зангори олов, афсона, ниҳол, угам болалар оромгоҳлари), икки нафар фуқаро “Энергетик оромгоҳи” санаторийсида даволаниб қайтишди, 300 дан ортиқ фуқаролар турли маданий тадбирларга юборилди. Янги йил байрам муносабати билан кам таъминланган оилалардаги 100 нафар болажонларга янги йил совғалари тарқатилди.

Бундан ташқари, Яккасарой туманидаги меҳрибонлик уйидаги ва Яшнобод туманидаги махсус мактаб-интернатдаги 264 нафар болажонларга янги йил совғалари тарқатилди.

## Қўлга киритилган ютуқлар

Аудит ўтказиш режасига асосан, “CERT International” МЧЖ сертификатлаштириш органи томонидан 2023 йил “Ўзтрансгаз” АЖда сертификатлаштириш аудити ўтказилди. Сертификатлаш аудити муваффақиятли якунланиб ИМТ: ИСО 9001:2015; 14001:2015; 45001:2018; 50001:2018 стандартлари талабларига мувофиқлиги бўйича халқаро ва миллий сертификатлар олишга эришилди.

2024 йилнинг 13-21 май кунлари “Ўзтрансгаз” АЖ Жамият ижроия аппарати ҳамда таркибий бўлинма ва ташкилотларида IMT: ISO 9001:2015; 14001:2015; 45001:2018; 50001:2018 стандартлари талабларига мувофиқлиги бўйича “CERT International” МЧЖ сертификатлаштириш органи томонидан биринчи назорат аудити ўтказилди ва Жамиятга берилган сертификатлар мувофиқ деган хулоса берилди.


HUDUDGAZTA'MINOT
HGT
AKSIYADORLIK JAMIYATI
0112



## “Ҳудудгазтаъминот” АЖ

## Корхона тўғрисидаги маълумотлар

| | |
|---|---|
| Ташкил қилинган йили: | **2019 йил** |
| Жойлашган манзили: | **Тошкент ш., Муқимий кўчаси, 98 уй.** |
| Веб-сайт манзили: | **hududgaz.uz** |
| Фаолият тури: | **- етказиб берувчилардан табиий газни сотиб олиш ва газ тақсимлаш тармоқларига уланган истеъмолчиларга сотиш;**<br><br>**- суюлтирилган газни харид қилиш, етказиб бериш, сақлаш ҳамда аҳолига ва ижтимоий соҳа объектларига сотиш;**<br><br>**- бошқа хизматлар кўрсатиш (истеъмолчиларнинг газ ускуналарига техник хизмат кўрсатиш).** |
| Устав фонди: | **2 645 450 652 700 сўм** |
| Давлат улуши: | **100%** |
| Ходимлар сони: | **15 853 нафар** |
| Эркаклар сони:<br>Аёллар сони: | **14 905 нафар**<br>**948 нафар** |
| Кузатув кенгаши раиси: | **Мирзаев Мубин Мухидинович** |
| Ижроия органи раҳбари: | **Ходжаев Маруфхон Мақсудович** |

| Молиявий кўрсаткичлар | 2022 й. | 2023 й. |
|---|---|---|
| Жами даромад | 10 676 179 | 11 867 128 |
| Харажатлар | 10 360 616 | 11 667 659 |
| Солиқ тўлангунга қадар фойда | 315 563 | 199 470 |
| Соф фойда | 199 983 | 128 682 |
| Бир дона акцияга даромад (соф фойда / акциялар сони), сўм | 7,6 | 4,9 |
| **Жами активлар** | **12 479 451** | **12 375 088** |

| Маҳсулот/хизмат | Ўлчов бирлиги | 2022 йил | 2023 йил | Ўзгариш,% |
|---|---|---|---|---|
| Табиий газ етказиб бериш | млн м3 | 21 384,5 | 20 313,1 | -1 071,4 |
| Суюлтирилган газ етказиб бериш | тонна | 619,1 | 628,1 | 9,0 |

## “Hududgazta’minot” АЖ капитал рентабеллиги (ROE) ва активлар рентабеллиги (ROA) кўрсаткичларининг ўзгариш ДИНАМИКАСИ



“Hududgazta’minot” АЖ
соф тушумининг ўзгариш
**ДИНАМИКАСИ**




“Hududgazta’minot” АЖ
соф фойдасининг ўзгариш
**ДИНАМИКАСИ**



# Ҳисобот йилида рўй берган воқеалар, шу жумладан:

## Асосий фаолиятда

Ҳисобот даврида истеъмолчиларга жами 20 313,1 млн куб метр табиий (аҳоли – 10 579,5 млн куб метр, улгуржи – 9 733,6 млн куб метр) ҳамда 628,1 минг тонна суюлтирилган газ етказиб берилди.

Амалга оширилган тадбирлар натижасида, технологик жараён-лардаги меъёрий йўқотишлар ҳажми ўтган йилга нисбатан 199 млн куб метрга (49%) қисқартирилди.

Инвестиция лойиҳалари доирасида 3 та инвестиция лойиҳаларида Жамият маблағлари, маҳаллий тижорат банклари ва хорижий молия институтлари кредитлари ҳисобидан 64,1 млн доллар (115%) маблағ ўзлаштирилди. Хусусан:

- АСКУГ лойиҳаси доирасида 27,5 млн доллар (106,6%);

- “Газ тармоқларидан метан ташланмаларини қисқартириш” лойиҳаси доирасида 4 млн доллар (133%);

Маълумот учун. Технологик жараёнлардаги йўқотишлар 10,3 млн куб метрга қисқартирилди ҳамда 200 та янги иш ўринлари яратилди ва 16 хил турдаги халқаро стандартларга жавоб берувчи материал ва замонавий қурилмалар жалб қилинди.

- “2022-2024 йилларда газ таъминоти тизимини модернизация ва реконструкция қилиш” лойиҳаси доирасида 32,6 млн доллар (121%).

Маълумот учун: 5 та мобиль лабораториялар фойдаланишга топширилди.

Куз-қиш мавсумига тайёргарлик доирасида 287,0 км (120%) тармоқ таъмирланди ва аҳоли массивлари, ижтимоий-иқтисодий тармоқлар учун 242,3 км (100%) янги газ тармоқлар қурилиб, 1 145 та маҳаллалардаги 479,0 минг хонадон газ таъминоти яхши-ланди. 2 босқичли газ таъминотидаги хонадонлар 951,9 мингтага ва бунда технологик йўқотишлар ҳажми қисқариши йиллик 80 млн куб метрга етказилди.

## Корпоратив бошқарув йўналишида

“Ҳудудгазтаъминот” АЖ трансформация жараёнларини амалга ошириш ва узоқ муддатли ривожланишни таъминлаш учун қатор ишларни олиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 октябрдаги ПФ-6096-сон ҳамда 2022 йил 8 апрелдаги ПФ-101-сон Фармонлари ижроси юзасидан Жамият бизнес жараён-лари қайта кўриб чиқилиб, янги ташкилий тузилмаси тасдиқ ланди, хусусан бошқарув аъзолари ўртасида мажбуриятлар тақсимоти

қайта кўриб чиқилди, Трансформация масалалари бўйича бошқарув раисининг биринчи ўринбосари лавозими киритилди, Трансформация масалалари бўйича лойиҳа офиси, Комплаенс назорати бошқармаси, Харидлар трансформацияси офиси ташкил қилинди.

Кузатув кенгашида Стратегия ва инвестициялар қўмитаси, Аудит қўмитаси, Тайинловлар ва ҳақ тўлаш қўмитаси, Коррупцияга қарши курашиш ва этика қўмиталари ташкил этилди.

## Экологик йўналишда

2022 йил 28 декабрдаги ПҚ-459-сонли “Ўзбекистон Республикасининг 2023-2025 йилларга мўлжалланган инвестиция дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорида “Ҳудудгазтаъминот” АЖ тизимидаги ўрта ва паст босимли тармоқларидан метан ташланмаларнини қисқартириш вазифаси белгиланган.

Мазкур вазифа ва топшириқларни белгиланган муддатда бажариш ва “Ҳудудгазтаъминот” АЖ тизимидаги ўрта ва паст босимли тармоқларидан метан ташланмаларини қисқартириш” лойиҳасини амалга ошириш мақсадида, “Gas Green Asia” LLC (АҚШ) компанияси ҳамда “EcoCarbonServices” MChJ билан музокаралар ўтказилиб, пилот лойиҳаси сифатида Тошкент шаҳри ва вилоятида ишлар амалга ошириш бўйича инвестиция келишуви имзоланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2023-2025 йилларга мўлжалланган инвестиция дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 459-сон Қарорига асосан, газ тармоқларида метан ташланмаларини қисқартириш лойиҳасини амалга ошириш орқали иссиқхона газларининг атроф-муҳитга салбий таъсирини камайтириш ва “яшил иқтисодиёт”га ўтиш мақсадида, 2023 йилда мазкур лойиҳани амалга ошириш учун 3 млн АҚШ доллари жалб қилиниши кўзда тутилган бўлиб, йил якуни ҳолатига кўра умумий ҳисобда 4 млн АҚШ доллар тўғридан-тўғри хорижий ва инвестиция ва кредитлар ўзлаштирилди.

## Ижтимоий йўналишда

Ҳисобот даврида ўтказилган ўқув курслари ва амалий машғулот (тренинг)лар натижасида, 11 минг нафар (290%) турли даражадаги раҳбар ва ходимлар малакаси оширилди ҳамда илмий-техник фаолиятни ривожлантириш ва халқаро стандартлар бўйича замонавий ва илғор тажрибаларни амалиётга жорий этиш учун 105 та норматив ва илмий-техник ҳужжатларни ишлаб чиқилди.

# Қўлга киритилган ютуқлар

“Ҳудудгазтаъминот” АЖда ISO 9001:2015 халқаро менеджмент стандартини жорий этиш мақсадида “Serious Aspect” МЧЖ консалтинг ташкилоти билан ҳамкорликда стандартни жорий этиш босқичлари ишлаб чиқилди.

Ҳамкорликда амалга оширилган тадбирлар натижасида Жамиятнинг қуйидаги фаолият йўналишларида Сифат Менежменти Тизими ишлаб чиқилди:

- табиий газни қабул қилиш, ҳисобга олиш, республика истеъмолчиларига етказиб бериш ва газ тақсимлаш тармоқларидан хавфсиз фойдаланиш;

- суюлтирилган газни қабул қилиш, етказиб бериш, сақлаш, ҳисобга олиш ва республика истеъмолчиларига сотиш;

- истеъмолчиларга соҳага оид пуллик хизматлар кўрсатиш.

ISO 9001:2015 стандарт талабларини жорий этиш ишлар якунлангандан сўнг, “Русский Регистр” халқаро Аудиторлик ташкилоти хулосасига асосан 2021 йилнинг 27 декабрь санасида “Ҳудудгазтаъминот” АЖга ISO 9001:2015 стандарти ва ISO 37001 Коррупцияга қарши бошқарув тизими бўйича халқаро сертификат берилди.

Шунингдек, “Ҳудудгазтаъминот” АЖда ISO 14001 (Атроф-муҳитни муҳофазаси бошқарув тизими), ISO 45001 (Меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлиги бошқарув тизими) халқаро стандартларни ишлаб чиқиш, жорий этиш, ўқитиш ва сертификатлашга тайёрлаш бўйича тадбирлар босқичма-босқич амалга оширилмоқда.



# СТАТИСТИКА



**81 093**

Табиий газ билан таъминланаётган улгуржи истеъмолчилари сони

**4 261 480**

Табиий газ билан таъминланаётган аҳоли истеъмолчилари сони

**3 731 130**

Суюлтирилган газ билан таъминланаётган аҳоли истеъмолчилари сони

**2 917**

Суюлтирилган газ билан таъминланаётган улгуржи истеъмолчилари сони

**O‘ZSUVTA’MINOT**

AKSIYADORLIK JAMIYATI





# “Ўзсувтаъминот” АЖ

## Корхона тўғрисидаги маълумотлар

| | |
|---|---|
| Ташкил қилинган йили: | 2020 йил |
| Жойлашган манзили: | 100053, Тошкент ш., Боғишамол кўч. 152 уй |
| Веб-сайт манзили: | uzsuv.uz |
| Фаолият тури: | Ичимлик сув таъминоти ва оқова сув тизими |
| Устав фонди: | 2 385 355 133 000 сўм |
| Давлат улуши: | 100% |
| Ходимлар сони: | 153 нафар |
| Эркаклар сони:<br>Аёллар сони: | 130 нафар<br>23 нафар |
| Кузатув кенгаши раиси: | Раматов Ачилбай Жуманиязович |
| Ижроия органи раҳбари: | Сувонкулов Ахмад Худайшукурович |

| Молиявий кўрсаткичлар (млн. сўмда) | 2022 йил | | 2023 йил | |
|---|---|---|---|---|
| | Режа | Амалда | Режа | Амалда |
| Жами даромад | 1 800,00 | 1 884,94 | 1 600,00 | 1 632,69 |
| Харажатлар | | | | |
| Солиқ тўлангунга қадар фойда | 1 800,00 | 1 884,94 | 1 600,00 | 1 632,69 |
| Соф фойда | 1 530,00 | 1 645,65 | 1 408,00 | 1 467,73 |
| Бир дона акцияга даромад | | | | |
| **Жами активлар** | 2 800 000 ,00 | 2 877 338,21 | 2 900 000,00 | 2 969 498,41 |

## Асосий фаолият натижалари, млрд.сўм




## ROA ва ROE

(активлар рентабеллиги ва капитал рентабеллиги)



# Ҳисобот йилида рўй берган воқеалар, шу жумладан:

## Асосий фаолиятда

Аҳолини ичимлик сув билан таъминлаш ва оқова сув хизматларини яхшилаш борасида белгиланган вазифалар ижроси доимий назоратга олиниб, тегишли вазирлик ва идоралар ҳамда маҳаллий ҳокимликларни жалб қилган ҳолда ўз муддатида амалга ошириш чоралари кўриб келинмоқда.

Хусусан, жорий йилги дастурлар доирасида бюджетдан ажратилган 328,2 млрд сўмлик маблағлар ҳисобига 168 та объектда 345 км ичимлик ва 110 км оқова сув тармоқлари ҳамда 28 та ичимлик сув ва оқова сув иншоотлари қурилди ва реконструкция қилинди.

Шунингдек, халқаро молия институтлари иштирокида амалга оширилаётган 18 та лойиҳа доирасида 66,8 млн доллар кредит маблағлари ўзлаштирилиши ҳисобига 210 км ичимлик ва 42 км оқова сув тармоқлари ҳамда 4 та иншоотлар қурилди.

Хусусан, йирик лойиҳалардан:

"Тўпаланг" сув омбори манбалари ҳисобига ичимлик сув таъминотини яхшилаш" лойиҳаси доирасида 1,5 трлн сўм маблағлар ҳисобига 147,1 км тармоқ тортилди, 200 минг куб ҳажмли сув тозалаш, 1 та босимни камайтириш ҳамда 5 та сув йиғиш иншоотлари қурилиши якунланди ва Сариосиё, Денов, Шўрчи, Қумқўрғон туманларининг 120 дан ортиқ маҳалласида истиқомат қилувчи 574,4 минг нафар аҳолининг ичимлик суви тармоғига уланиш имконияти яратилди.

"Зарафшон дарёси сувидан фойдаланиш ҳисобига Жиззах вилоятини ичимлик суви таъминотини яхшилаш" лойиҳаси доирасида 163,3 км тармоқ тортилди ва Дўстлик, Пахтакор, Мирзачўл туманлари ҳамда Жиззах шаҳрининг 600 минг нафар аҳолисининг ичимлик сув таъминоти яхшиланди. Жорий йил якунига қадар Бахмал тумани маркази Ўсмат шаҳарчасига ичимлик сув тармоғини тортиш эвазига 13 минг аҳоли марказлашган ичимлик суви билан таъминланади.

Халқаро молия институтларининг 256,7 млн доллар маблағлари ҳисобига амалга оширилаётган 4 та лойиҳа доирасида Самарқанд вилояти, Қўшработ тумани ичимлик суви таъминотини яхшилаш, Бухоро, Жиззах, Гулистон, Янгиер ва Ширин шаҳарларининг оқова сув тармоқларини реконструкция қилиш ишлари якунига етказилмоқда.

Натижада, 2024 йил якуни билан 91,1 минг нафар аҳоли илк бор марказлашган ичимлик суви ҳамда 124,1 минг нафар аҳоли илк бор марказлашган оқова сув хизматлари билан таъминланади ва 318,1 минг нафар аҳолининг оқова сув хизматлари яхшиланади.

Шу йилнинг ўтган даврига нисбатан республика бўйича мавжуд ичимлик сув тармоқларининг 34,9 км мукаммал ҳамда 315,3 км жорий таъмирланди.

Кўрсатмангиз асосида амалга оширилаётган таъсирчан чоралар натижасида республика ичимлик сув таъминоти 77,3 фоизга, 218 минг та сув ҳисоблагичлари ўрнатилиб таъминланганлик даражаси 73,2 фоизга, истеъмолчилар базаси 81,4 минг тага, хизмат кўрсатиш ҳажми 123 фоиз ёки 774,2 млрд.сўмга ҳамда электрон тўловлар улуши 74 фоизга етказилди.

Ичимлик ва оқова сув хизматлари бўйича 227 млрд сўмлик (24 фоиз) дебитор қарздорликлар судларга киритилди.

Шу билан бирга, прокуратура ходимлари билан ҳамкорликда олиб борилган рейд тадбирлари натижасида истеъмолчилар томонидан 6,1 минг та қоидабузарликлар аниқланиб, ноқонуний уланмалар орқали ичимлик сувидан фойдаланган 3,6 минг та истеъмолчилар томонидан 45 млрд. сўмлик етказилган зарар тегишли тартибда ҳисоб-китоб қилинишига эришилди.

Тизим корхоналаридаги 52 та насослар янги энерго тежамкор насосларга алмаштирилди. Шунингдек, 107 та бино ва иншоотларга жами 815 кВт қуёш панеллари ўрнатилиб, 536,7 минг кВт ёки 483 млн сўмлик электр энергиясини иқтисод қилинишига эришилди.

2024 йил якунига қадар аҳолини ичимлик сув таъминоти ва оқова сув хизматларини яхшилаш бўйича белгиланган вазифалар ижроси жадал давом эттирилади. Хусусан:

Биринчи, жами 1,3 трлн сўм бюджет маблағлари ҳисобига 1,3 минг км ичимлик ва оқова сув тармоқлари ҳамда 168 та объектда қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилади. Жумладан, ичимлик сув қамрови даражаси паст бўлган 30 та туманда 914,3 км тармоқ ҳамда 113 та ичимлик ва оқова сув иншоотлари қурилади.

Иккинчи, халқаро молия институтларининг 2,2 млрд долларлик қарз маблағлари ҳисобига амалга оширилаётган 20 та лойиҳанинг ҳар бирини чуқур таҳлили асосида ажратилиши белгиланган маблағларни мақбуллаштирган ҳолда ишларни жадаллаштириш чоралари кўрилади.

Маълумот учун: бугунги кунда дастлабки ўрганиш якунларига кўра умумий қиймати 1,1 млн долларлик 11 та лойиҳа бўйича 166 млн доллар (14 фоиз) миқдоридаги маблағлар мақбуллаштирилди.

Ушбу маблағлар, Тошкент вилоятида 8 км сув тармоғи, Жиззахда 54 км оқова сув тармоғи, Бухорода 37 км ичимлик ва 15 км оқова сув тармоқларини қуриш ҳамда Хоразмда 3 та сув тозалаш иншооти қувватини 2 баробарга ошириш ишларига йўналтирилди.

2024 йилда 308,2 млн доллар маблағ ўзлаштирилиши эвазига 562 км тармоқ ва 9 та иншоот қурилади.

Учинчи, ичимлик сув тармоқларини уй хўжалигигача етказиш ва янги қамров ҳисобига истеъмолчилар базаси 221 минг нафарга оширилади. Шунингдек, 350 минг дона сув ҳисоблагич ўрнатилиб, ҳисоблагичлар билан таъминланиш даражаси 75 фоизга етказилади.

Тўртинчи, сув сифатини назорат қилишни янада яхшилаш мақсадида 37,6 млрд. сўм маблағлар эвазига 1 та янги лаборатория барпо этилади, 1 таси реконструкция, 2 таси керакли асбоб ускуналар билан жиҳозланади ҳамда 1 та мобил лаборатория харид қилинади.

Бешинчи, соҳада энергия сарфини камайтириш орқали таннархни қисқартириш ва моддий-техник базани яхшилаш учун 426 та насос энергия тежамкор насосларга алмаштирилади, 66,2 МВт қуёш панеллари ўрнатилади ва 91 та республика бюджети ҳамда ташқи қарз маблағлари ҳисобидан 46 та махсус техника харид қилинади.

Олтинчи, соҳани рақамлаштириш орқали сув сарфини тартибга солиш, мавжуд тармоқларнинг рақамли харитасини яратиш ҳамда геоахборот тизимини (GIS) жорий этиш мақсадида Осиё тараққиёт банкининг 125 млн доллар маблағи жалб қилинади. Мазкур тадбирлар амалга оширилиши натижасида соҳада ичимлик сувини йўқотиш даражаси

5 фоизга қисқартирилишига ҳамда сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш бўйича замонавий бошқарув тизими йўлга қўйилишига эришилади.

Еттинчи, соҳага хусусий секторни жалб қилиш мақсадида тажриба тариқасида Когон, Ширин, Янгиер, Бекобод ва Янгийўл шаҳарларида ичимлик ва оқова сув тизимларини давлат-хусусий шериклик шартлари асосида бошқарувга берилиши таъминланади.

Амалга ошириладиган ишлар натижасида 2024 йил якуни билан республика аҳолисининг марказлашган ичимлик суви билан таъминланганлик даражаси 81 фоизга етказилади.

## Корпоратив бошқарув йўналишида

Жамият ўз фаолиятида Корпоратив бошқарув кодексига риоя қилиш мажбурияти қабул қилинган. Жамият кузатув кенгаши таркибида, кузатув кенгаши аъзоларидан иборат "Стратегия ва инвестициялар қўмитаси", "Аудит қўмитаси", "Тайинловлар ва мукофотлаш қўмитаси", "Коррупцияга қарши курашиш ва этика қўмитаси" ташкил этилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 октябрдаги ПФ-6096-сон ҳамда 2022 йил 8 апрелдаги ПФ-101-сонли Фармонлари ижроси доирасида "катта тўртлик"га кирувчи "Ernst and Young Advisory» МЧЖ ҚК билан "Жамиятнинг молиявий ва операцион самарадорлигини ошириш мақсадида, "Ўзсувтаъминот" АЖни трансформация қилиш бўйича консалтинг хизматларини кўрсатиш тўғрисида"ги шартнома имзоланиб сохани трансформация қилиш ишлари амалга оширилмоқда.

## Экологик йўналишда

Шунингдек, “Яшил макон умуммиллий лойиҳаси доирасида” республика бўйича 301 мингдан зиёд кўчатлар экилди.

## Ижтимоий йўналишда

Жорий йил март ойида Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар унверситетида таҳсил олаётган талабалар учун ичимлик сувидан оқилона фойдаланиш, ортиқча исрофгарчиликка йўл қўймаслик ва ичимлик сувига бўлган муносабатни яхшилашга қаратилган видеороликлар танлови ўтказилиб ғолиблар тақдирланди.

Шунингдек, 2024 йил 25-26 ноябрь кунлари Тошкент вилоятининг Янгийўл туманида “Ўзсувтаъминот” АЖ ва “Delivery Unit” лойиҳа офиси ҳамкорлигида, ҳамда талаба ва соҳа мутахассисларини жалб қилган ҳолда аҳолини ичимлик суви билан таъминланганлик даражаси ва ичимлик сув сифати бўйича актуал геоахборот маълумотларни шакллантириш бўйича мусобақа (Мапатон) тадбири ўтказилди.

Бундан ташқари, Жамият бошқарув раиси, ўринбосарлари ҳамда ҳудудий сув таъминоти корхоналари раҳбарлари иштирокидаги 2 та расмий баёнот, ҳудудлардаги 4 та маҳаллада сайёр қабул, мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги билан ҳамкорликда 13 та очиқ дарс, соҳага оид 8 та махсус репортаж ва интервью, хорижий ҳамкорлар билан ўтказилган музокара натижалари бўйича 10 та репортаж ташкил этилди.

Шунингдек, Давлат ва жамоат фаоллари иштирокида сувни асрашга қаратилган 1 та ижтимоий роликлар, виртуал сув тушунчаси ҳақида 7 та материал, ичимлик сувини асраб-авайлашга қаратилган, тарбиявий аҳамиятга эга 17 та видеороликлар ижтимоий тармоқдаги расмий саҳифаларда ёритилди.

Бундан ташқари, ичимлик сувидан ноқонуний фойдаланиш ва қарздорликни олдини олишга қаратилган 26 та рейд тадбирлари, 5 та онлайн эфир, 16 та медиа-маҳсулот, 23 та инфографика, 2 та ижтимоий сўровнома ўтказилди.

Матбуот котибининг аҳоли муаммоларини эшитиш ва уларга жавоб беришга қаратилган телевидение ва радио орқали 6 та чиқиши, “Дайджест” информацион дастурининг 4 та сони жамиятнинг ижтимоий тармоқдаги расмий саҳифаларида ёритилди.

Телевидение орқали 31 та, радиоканаллар орқали 3 та, босма нашрда 4 та, ижтимоий тармоқлар орқали 22 та материал эълон қилинди.

# Қўлга киритилган ютуқлар

«Ўзсувтаъминот» акциядорлик жамияти томонидан ишчи-ходимларнинг меҳнат хафсизлиги ва саломатлигини ҳимоя қилиш, коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш, сифат менежменти тизимини жорий этиш ҳамда атроф муҳитни бошқариш йўналишларда Жамиятга 2023 йилнинг май ойида «CERT International» халқаро сертификатлаштириш органи аудиторлари томонидан ISO 45001:2018 (меҳнат хафсизлиги ва саломатлигини ҳимоя қилиш) ҳамда ISO 14001:2015 (атроф муҳитни бошқариш тизимлари) халқаро мувофиқлик сертификатлари жорий этилди.

Шунингдек, 2023 йил якунлари бўйича Коррупсияга қарши курашиш агентлик томонидан республика даражасидаги давлат органлари ва ташкилотлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг 131 нафар матбуот котиби фаолияти баҳоланди.

Унга кўра "Ўзсувтаъминот" АЖ матбуот котиби фаолияти самарадорлиги 91,95 балл билан республикада енг юқори кўрсат-кични қайд етди.

Бундан ташқари, Давлат органлари ва ташкилотларида очиқлик бўйича амалга оширилаётган ишларнинг самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолашга қаратилган Очиқлик индекси кўрсаткичи бўйича 103 та давлат идора ва ташкилотлари орасида "Ўзсувтаъминот" АЖ 81.03 балл билан биринчи ўнталикдан ўрин егаллади.




UzAuto



# “Ўзавтосаноат” АЖ

## Корхона тўғрисидаги маълумотлар

| | |
|---|---|
| Ташкил қилинган йили: | 1994 йил |
| Жойлашган манзили: | Тошкент ш., Миробод тум., Амир Темур кўч., 13 уй |
| Веб-сайт манзили: | uzavtosanoat.uz |
| Фаолият тури: | Автомобил саноати |
| Устав фонди: | 1 861,6 млрд сўм |
| Давлат улуши: | 100% |
| Ходимлар сони: | 108 нафар |
| Эркаклар сони:<br>Аёллар сони: | 98 нафар<br>10 нафар |
| Кузатув кенгаши раиси: | Кучкаров Джамшид Анварович |
| Ижроия органи раҳбари: | Розукулов Улугбек Убайдуллаевич |

| Молиявий кўрсаткичлар (млн. сўмда) | 2022 й. | 2023 й. |
|---|---|---|
| Жами даромад | 53 263 391 | 76 362 996 |
| Харажатлар | 49 617 128 | 70 684 090 |
| Солиқ тўлангунга қадар фойда | 3 646 263 | 5 678 906 |
| Соф фойда | 3 131 483 | 4 927 174 |
| Бир дона акцияга даромад | | |
| **Жами активлар** | **56 908 263** | **60 311 289** |

## **Асосий фаолият натижалари** (млн. сўмда)




## **ROA ва ROE**
(активлар рентабеллиги ва капитал рентабеллиги)




## **Ишлаб чиқариш/хизматлар кўрсаткичлари**

| Маҳсулот | Ўлчов бирлиги | 2022 йил | 2023 йил | **Ўзгариш** |
|---|---|---|---|---|
| Енгил автомобиллар | дона | 327 639 | 395 395 | 67 756 |
| Автобуслар * | дона | 1 357 | 865 | -492 |
| Юк автомобиллари * | дона | 4 094 | 3 230 | -864 |
| Енгил тижорат автомобиллари | дона | 457 | 680 | 223 |
| Автомобил двигателлари | дона | 225 437 | 269 247 | 43 810 |

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 18 мартдаги «Иқтисодиётда давлат иштирокини янада қисқартириш ва хусусийлаштиришни оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги» 168-сонли қарорига мувофиқ «Uz Truck & Bus Motors» МЧЖ ҚК ва «Узавто-трейлер» МЧЖ корхоналани устав капиталидаги улушлари Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги тасарруфига ўтказилган, шу сабабли жадвалда ушбу корхоналарнинг 2023 й. кўрсаткичлари акс эттирилмаган.*

# Ҳисобот йилида рўй берган воқеалар, шу жумладан:

## Асосий фаолиятда

2023 йил якуни билан саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 65,1 трлн сўм, ўсиш суръати ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 136,0 фоизни ташкил этди. Жумладан, 395,4 минг дона енгил автомобил, 4 095 дона ISUZU туридаги автобус ва юк автомобиллари, 680 дона енгил тижорат автомобиллари хамда 269,2 минг дона автомобил двигателлари ишлаб чиқарилди.

UzAuto Motors Хоразм вилояти филиалида Damas ва Labo автомобилларини ишлаб чиқариш ҳажмини йилига 150 000 донага ошириш бўйича лойиҳа амалга оширилмоқда.



## Корпоратив бошқарув йўналишида

“Ўзавтосаноат” АЖ ўзининг бозордаги ўрнини мустаҳкамлаш ва узоқ муддатли ривожланишни таъминлаш учун қатор ишларни олиб бормоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020-йил 27-октябрдаги ПФ-6096- сон ҳамда 2022-йил 8-апрелдаги ПФ-101-сон фармон-лари ижроси юзасидан Компания бизнес жараёнлари қайта кўриб чиқилиб, янги ташкилий тузилмаси тасдиқланган хусусан Трансформасия масалалари бўйича лойиҳа офиси, Харидлар трансформацияси офиси ташкил қилинди.

Кузатув кенгаши қошида Стратегия ва инвестисиялар қўмитаси, Аудит қўмитаси, Тайинлаш ва рағбатлантириш қўмитаси, Коррупцияга қарши курашиш ва этика қўмитаси ташкил этилган.



2024 йил якунига қадар умумий қиймати 318,2 млн. долларлик 3та лойиҳа ишга туширилади ва 1 500 та янги иш ўрни яратилади, шу жумладан “Янги типдаги двигателларни ишлаб чиқаришни ташкил этиш (3 навбат)”, “UzAuto Motors” АЖ томонидан корхоналарида ишлаб чиқаришни модернизация қилиш”, “BYD” компанияси янги энергия манбалари ёрдамида ҳаракатланувчи автомобилларни ишлаб чиқаришни ташкил этиш” лойиҳалари.

2025 йил давомида умумий қиймати 68,7 млн. долларлик “Янги пресслаш ва пайвандлаш қувватларини яратишни амалга ошириш” лойиҳаси ишга туширилади ва 430та янги иш ўрни яратилади.

2026 йилда умумий қиймати 50,7 млн. долларлик “Chevrolet Cobalt моделини ишлаб чиқариш ҳаётий циклини қисман янгилаш (MCM) орқали узайтириш” лойиҳаси ишга туширилади.

## Экологик йўналишда

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли Фармойишига мувофиқ “Ўзавтосаноат” АЖ тизим корхоналари билан биргаликда 2024-йил баҳор мавсумида 100 минг туп ва куз мавсумида 9,5 минг туп манзарали, мевали дарахт ҳамда бута кўчатлари экиш белгиланган.

Маълумот учун: 2023-йил куз мавсумида жамият томонидан “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида 111 128 туп мевали, манзарали дарахт ва бута кўчатлари экилиб, белгиланган режанинг 111%га бажарилиши таъминланди ҳамда ўрнатилган тартибда экилган кўчатлар Экология вазирлигининг “Yashil.makon.eco” платформасига киритилди.

Юқоридаги топшириқлар ижросини таъминлаш мақсадида жамият ва тизим корхоналари томонидан жорий йил баҳор мавсумида жами 100,2 минг режага нисбатан 100,2% шундан, 17,6 минг дона мевали, 50,2 минг дона манзарали дарахт ҳамда 32,4 минг дона бута кўчатлари экилиб, “Yashil.makon.eco” платформасига киритилди.

## Ижтимоий йўналишда

Ҳукумат топшириғи, шунингдек вазирлик, идора ва ҳокимликларнинг сўров хатлари асосида «Ўзавтосаноат» АЖ томонидан 2023 йил давомида спорт, маданият йўналишлари ҳамда ижтимоий лойиҳаларга жами 236,8 млрд сўм миқдорада ҳомийлик ва хайрия ёрдами маблағлари ажратилган.

## Қўлга киритилган ютуқлар

Жорий йилда 95 та давлат ташкилоти, жумладан, 36 та давлат ташкилоти илк маротаба, қолган 59 таси эса такроран баҳолашдан ўтказилган бўлиб, коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлиги 0 баллдан 100 баллгача рейтингда баҳоланди. Баҳолаш натижаларига кўра, «Ўзавтосаноат» акциядорлик жамияти 82 балл билан “яхши” натижани қайд этди.




O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI O'ZBEKGEOLOGIYA QIDIRUV AKSIADORLIK JAMIYATI



## “Ўзбек геология қидирув” АЖ

## Корхона тўғрисидаги маълумотлар

| | |
|---|---|
| Ташкил қилинган йили: | **2021 йил** |
| Жойлашган манзили: | **100060, Тошкент ш., Миробод т., Т.Шевченко кўч., 11а-уй** |
| Веб-сайт манзили: | **uzgeo.uz** |
| Фаолият тури: | **Геология-қидирув ишларини олиб бориш, конларни излаш, баҳолаш ва қидириб чамалашни ўз ичига олган геология - қидирув ишларини олиб боришдан иборат** |
| Устав фонди: | **709 180 869 200 сўм** |
| Давлат улуши: | **100%** |
| Ходимлар сони: | **3 253 нафар** |
| Эркаклар сони:<br>Аёллар сони: | **2 817 нафар**<br>**436 нафар** |
| Кузатув кенгаши раиси: | **Кадирходжаев Аъзам Алишерович** |
| Ижроия органи раҳбари: | **Алимов Шамсиддин Пахриддинович** |

| Молиявий кўрсаткичлар (млн. сўмда) | 2022 й. | 2023 й. |
|---|---|---|
| Жами даромад | 925 106,6 | 1 042 926,3 |
| Харажатлар | 900 896,0 | 980 077,1 |
| Солиқ тўлангунга қадар фойда | 24 210,6 | 62 849,3 |
| Соф фойда | 20 196,9 | 52 826,9 |
| Бир дона акцияга даромад | 3,41 | 8,86 |
| **Жами активлар** | **1 220 005,8** | **1 174 506,8** |

## Ишлаб чиқариш/хизматлар кўрсаткичлари

| № | Маҳсулот/ хизмат | Ўлчов бир-лиги | 2022 йил | 2023 йил | Ўзга-риш,% |
|---|---|---|---|---|---|
| | Бурғилаш ишлари | П.м | Режа/амалда | Режа/ амалда | % |
| 1 | Бюджет | | 378 995/379 565,1 | 324 215,5/324 969,0 | 85,6 |
| 2. | Махсус ҳисоб асосида | | 67 127,7/67 159,2 | 76 621,0/76 623,9 | 114 |
| 3. | Шартнома асосида | | 171 261,1/172 377 | 227 675,0/239 354,0 | 138 |
| | **Жами:** | | **617 383,8/619 101,3** | **628 511,5/640 946,9** | **103,5** |
| | Ер усти тоғ-кон ишлари | м3 | Режа/амалда | Режа/ амалда | % |
| 1 | Бюджет | | 170 453/170 799,7 | 160 020/160 525,7 | 93,9 |
| 2 | Махсус ҳисоб асосида | | 5 714,7/5 718,8 | 3 500/3 509,7 | 61 |
| 3 | Шартнома асосида | | 34 120,3/34 120,3 | 77 923,7/79 498,5 | 232 |
| | **Жами:** | | **211 650,7/212 054,2** | **241 443,7/243 533,9** | **114,8** |
| | Ер ости тоғ-кон ишлари | П.м | Режа/амалда | Режа/ амалда | % |
| 1 | Бюджет | | 2 746,3/2 746,3 | 2 017/2 017 | 73 |
| 2 | Махсус ҳисоб асосида | | 2 070,9/2 070,9 | 1 717/1 717 | 82,9 |
| 3 | Шартнома асосида | | 812/812 | 600/600,1 | 73 |
| | **Жами:** | | **5 629,2/5 629,2** | **4 334/4 334,1** | **76** |

## Асосий фаолият натижалари, млрд.сўм




## ROA ва ROE
(активлар рентабеллиги ва капитал рентабеллиги)



# Ҳисобот йилида рўй берган воқеалар, шу жумладан:

## Асосий фаолиятда

Асосий фаолият-хизмат кўрсатиш. Жамиятнинг фаолиятидан асосий мақсад республиканинг барча ҳудудларида геология-қидирув ишларини олиб бориш, конларни излаш, баҳолаш ва қидириб чамалашни ўз ичига олган геология - қидирув ишларини олиб боришдан иборат. Бундан ташқари аналитик, тематик ва регионал геологик тадқиқотлар ва лаборатория таҳлили, топографик, геологик тасвирлаш ва хариталаш ишлари, ва бошқа фойдали қазилмаларни қидириш, баҳолаш, разведка қилиш ишларини олиб боради.

2024 йилга лойихалар. Лойиҳалар сони 69 та, ундан олтинга 33 та, мисга 8 та, қўрғошин ва руҳга 12 та, вольфрамга 3 та, ноёб металлар ва камёб ер элементларга 4 та, норуда фойдали қазилмаларга 6 та, лаборатория тадқиқот ишлари 1 та, тематик ишлар 2 та.

## Корпоратив бошқарув йўналишида

Жамият бошқаруви:

Ягона акциядор-Давлат активларини бошқариш агентлиги (100%), Кузатув кенгаши ва Бошқарувдан иборат. Кузатув кенгаши 5 аъзодан ва Ижроия органи (Бошқарув) 6 аъзодан иборат.

Кузатув кенгаши: А.Кадирходжаев, С. Тангриев, Ж.Носиров, Т.Набиев, Ш.Ахмедов,

Бошқарув: Ш.Алимов, Э.Эргашев, С.Когай, Р.Раджапов, Ш.Сиражов, Ё.Закиров

Жамият томонидан корпоратив хужжатлар тегишлиги бўйича Кузатув кенгаши ва Ягона акциядор томонидан қабул қилинади. Жамият томонидан Устав, Бошқарув қоидалари, Бошқарув сиёсати ва 14та ички хужжатлар ишлаб чиқилиб, тасдиқланган.

- Кузатув кенгаши ҳузурида тўртта қўмита тузилди ва фаолият кўрсатмоқда:
- Аудит қўмитаси;
- Тайинлов ва ҳақ тўлаш кўмитаси;
- Стратегия ва инвестициялар кўмитаси;
- Корупцияга қарши курашиш ва этика кўмитаси.

Жамият томонидан 2023 йилда Ягона акциядор томонидан 4 маротаба ва Кузатув кенгаши томонидан 6та қарорлар қабул қилинган.

# Экологик йўналишда

Жамият ва унинг таркибий бўлинмалари томонидан 2023 йилнинг бахор ва куз фаслида жами 34034 та мевали ва манзарали кўчатлар экилди.

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 23 ноябрдаги «Республикада яшиллик даражасини янада ошириш, «Яшил макон» умуммиллий лойиҳасини изчил амалга ошириш орқали экологик барқарорликни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида» ги ПФ-199-сон фармонини ижросини таъминлаш мақсадида «Ўзбек геология қидирув» Акциядорлик жамияти ва уинг худудий экспедициялари, ишлаб чиқариш базалари жойлашган худудларда 10 000 дан ортиқ мевали, манзарали дарахт ва бута кўчатлари экилди. Экилган дарахт ва мавжуд боғлар суғориш жараёнида сув ресурсларини иқтисод қилиш мақсадида томчилатиб суғориш тизимлари йўлга қўйилди.

1. “Ўзбек геология қидирув” АЖ томонидан 2022-2023 йиллар давомида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 7 сентабрдаги №541 сонли «Атроф-муҳитга таъсирни баҳолаш механизмини янада такомиллаштириш тўғрисида» ги қарори талабларига асосан 59 та геологик майдонларнинг «Атроф муҳитга таъсирини бахолаш» лойиҳалари ишлаб чиқилиб, экологик экспертизадан ўтказилди.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 2 октябрдаги «Маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасидаги ишлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 787-сон қарорида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб «Ўзбек геология қидирув» АЖ ва уинг худудий экспедициялари биноларига кириш (чиқиш) йўлида 2 тадан ва ишлаб чиқариш базаларига кириш (чиқиш) йўлида 1 тадан қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш учун чиқинди қутиларини жойлаштирилди.

3. Геология қидирув ишлари олиб борилаётган майдонлардаги дала лагерларда 5000 м2 ортиқ майдонда доимий ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш чора-тадбирлари ўтказилиб келинмоқда.

4. Геология қидирув ишлари вақтида атмосфера ҳавосига ташланаётган ноорганик чанглар миқдорини камайтириш мақсадида транспорт воситалари ҳаракатланаётган йўлларда йилнинг иссиқ ойларида чанг бостириш тадбирлари ўтказилиб келинмоқда.

5. Худудларда биологик хилма-хилликни (ўсимлик ва ҳайвонот дунёси) ни асраш, уларга бўладиган зарарли таъсирларни камайтириш мақсадида геологик майдонларга кириш чиқиш йўллари Ўсимлик дунёси кам ва ҳайвонларинг ҳаракат йўналишлари мавжуд бўлмаган энг мақбул жойлардан ташкил қилинмоқда.

6. Геологик майдонларда олиб борилган геология қидирув ишлари натижасида бузилган ерларни тиклаш, қайта фойдаланишга ҳамда экологик ҳолатини яхшилаш мақсадида геология 2023 йил ишлари якунида 30 ГА ер майдонларида рекультивация ишлари амалга оширилди.

7. Геология қидирув ишлари вақтида ер ости сув чиқиш ҳолатлари кузатилганда бурғулаш ишлари тўхтатилиб сув ресурсларини ифлосланишлардан муҳофаза қилиш бўйича чора-тадбирлар кўрилади.

8. Тупроқ ва сув ресурсларини муҳофаза қилиш мақсадида ишлаб чиқариш базаларида мавжуд ёқилғи қўйиш сиғимлари асослари текширилиб чиқилди ва янги ўрнатилган сиғимлир асоси бетонланди.

9. Табиий ресурслар камайиб кетишини олдини олиш мақсадида муқобил энергия ресурсларидан яъни қуёш энергиясидан самарали фойдаланиш йўлга қўйилди. Ҳудудий экспедициялар бош биноларида қуёш панеллари ўрнатилди.

## Ижтимоий йўналишда

Тоғ-кон саноати ва геогия вазирлигининг 2023 йил 22 декабрдаги 23-282-сонли топшириғи ижроси юзасидан “қизил” тоифадаги ёшлардан бири Колганов Игорь Михайловичнинг хонадони таъмирлаб берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 1-июлдаги ПФ-82-сонли Фармонининг 14-банди ижроси бўйича Жамият томонидан хар хафта давомида оилавий шароити оғир бўлган хонадон эгаларига уй рўзғорлари учун керак бўладиган озиқ овқат маҳсулотлари тарқатилиб келинмоқда.

## Қўлга киритилган ютуқлар

2023 йил 17 ноябрда ISO-37001:2016 “Корупцияга қарши халқаро менежмент тизими” бўйича мувофиқлик сертификати олинди.

*“Ўзбек геология қидирув” АЖ ўзининг бозордаги ўрнини мустаҳкамлаш ва узоқ муддатли ривожланиш стратегиясини таъминлаш учун қатор ишларни олиб бормоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 октябрдаги ПФ-6096-сон ҳамда 2022 йил 8 апрелдаги ПФ-101-сон фармонлари ва 2021 йил 21 апрелдаги ПҚ-5083-сон қарорлари ижроси юзасидан Жамиятни ўрта ваузоқ муддатли стратегияси ишлаб чиқилиб, янги ташкилий тузилмаси тасдиқланди, МХХС ўтиш бўйича трансформация ишлари олиб борилди. Кузатув кенгаши хузурида Стратегия ва инвестициялар қўмитаси, Аудит қўмитаси, Тайинловлар ва ҳақ тўлаш қўмитаси, Коррупцияга қарши курашиш ва этика қўмитаси ва уларга ёрдам берувчи ишчи гурух ташкил этилди.*

*Жамият ўз фаолиятида ОТБ, ЕТТБ ва Давлат активларини бошқариш Агентлиги томонидан ишлаб чиқилган Корпоратив бошқарув коидаларига риоя қилиш мажбурияти қабул қилган.*



**+90**

Бурғилаш ускуналари

**+427**

Техникалар

**+4**

Марказий геология
қидирув экспедициялар


UZBEKGEOFIZIKA



# “Ўзбекгеофизика” АЖ

## Корхона тўғрисидаги маълумотлар

| | |
|---|---|
| Ташкил қилинган йили: | 2006 йил |
| Жойлашган манзили: | Тошкент ш., М.Улуғбек т., Буюк Келажак кўч., 5-уй |
| Веб-сайт манзили: | uzbekgeofizika.uz |
| Фаолият тури: | - Ўзбекистон Республикаси ҳудудининг барча нефт ва газ мавжуд ҳудудларида геофизик ишларни мувофиқлаштириш;<br><br>- Ҳудудларда геология-қидирув ишларини жадал амалга ошириш орқали республика минерал-хом ашё базаси ривожлантирилишини таъминлаш;<br><br>- Ўзбекистон Республикаси бўйлаб ва ундан ташқарида махсус геофизик тадқиқотларни ўтказиш;<br><br>- Олдиндан режалаштириш, қидирувда нефт-газ конли объектларни тайёрлаш усулларини такомиллаштириш, геофизик тадқиқотлар имкониятларини кенгайтирадиган ва ишлаб чиқариш ва иш сифатини оширишни таъминлайдиган дала ва қудуқ тадқиқотлари усулларини татбиқ қилиш;<br><br>- Геологик-қидирув ишлари ва объектларнинг муҳим йўналишларида Жамиятнинг илмий-методик потенциалини ва моддий-техник ресурсларини жамлашни кўзда тутадиган геофизик тадқиқотларнинг мажмуий дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш. |
| Устав фонди: | 374 119 729 412 сўм |
| Давлат улуши: | 97,16% |
| Ходимлар сони: | 3 720 нафар |
| Эркаклар сони:<br>Аёллар сони: | 3 122 нафар<br>598 нафар |
| Кузатув кенгаши раиси: | Мухутдинов Нодир Убайдуллаевич |
| Ижроия органи раҳбари: | Юсупжонов Равшанжон Анварович |

| Молиявий кўрсаткичлар (млн. сўмда) | 2022 йил | | 2023 йил | |
|---|---|---|---|---|
| | Режа | Амалда | Режа | Амалда |
| Жами даромад | 498 282,0 | 523 734,0 | 503 654,0 | 555 677,2 |
| Харажатлар | 430 600,0 | 455 532,5 | 453 654,0 | 511 239,9 |
| Солиқ тўлангунга қадар фойда | 67 682,0 | 68 201,5 | 50 000,0 | 444 37,3 |
| Соф фойда | 53 000,0 | 53 098,3 | 40 000,0 | 40 170,2 |
| Бир дона акцияга даромад | | | | |
| **Жами активлар** | **1 512 105,9** | **1 221 564,7** | **1 243 966,9** | **1 087 537,5** |

## ROA ва ROE
(активлар рентабеллиги ва капитал рентабеллиги)




## **Асосий фаолият натижалари** (млн. сўмда)





# 04

## ДАВЛАТ ИШТИРОКИДАГИ КОРХОНАЛАРНИНГ БОШҚАРУВ ВА НАЗОРАТ ОРГАНЛАРИ




## 4.1. Акциядорлар *(иштирокчилар, мулкдорлар)* умумий йиғилиши натижалари

Давлат иштирокидаги корхоналарда 2023 йил якунлари бўйича 295 та навбатдаги акциядор (иштирокчи)лар умумий йиғилишлари ўтказилган, шунингдек муассислар қарорлари қабул қилинган.

Йиғилишларда асосан 2024 йилда олинган соф фойдани тақсимлаш, бошқарув органлари (кузатув кенгаши, ижроия органи)ни сайлаш ва/ёки амалдаги аъзоларнинг ваколатларини узайтириш, корхоналарнинг ички меъёрий ҳужжатларини Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 19 апрелдаги ПҚ-163-сон қарорига асосан кузатув кенгашига бўйсунадиган корпоратив котибият ташкил этиш, корпоратив бошқарувнинг янгиланган қоидалари ва ахлоқ кодекси жорий этиш масалалари кўриб чиқилган.

## 4.2. Кузатув кенгаши таркиби

2024 йил 1 июль ҳолатига давлат улуши мавжуд 347 та корхоналарда кузатув кенгашлари ташкил этилган. Уларда 1 863 та аъзолик ўринлари мавжуд бўлиб, давлат улуши бўйича 1 050 нафар номзодлар киритилган, шундан 102 нафари мустақил аъзолар бўлса, қолган 948 нафар давлат ташкилотлари ходимлари ҳисобланади.

Шунингдек, кузатув кенгаши таркибига 128 нафар аёл номзодлар (6,3 фоиз) киритилган.

Ўз навбатида, Жаҳон банкининг "Институционал салоҳиятни ошириш IBL" лойиҳаси доирасида 38 та давлат иштирокидаги йирик корхоналар кузатув кенгашлари таркибига халқаро тажрибага эга бўлган 79 та мустақил аъзоларни жалб этиш, шунингдек кейинчалик давлат иштирокидаги корхоналарнинг бошқарувига киритиш учун 100 нафар малакали ва салоҳиятли бошқарувчилар заҳирасини шакллантириш кўзда тутилган.

Ушбу тадбирни амалга ошириш мақсадида мазкур лойиҳа доирасида танлаб олинган "Strikitsa Consulting Ltd" (Буюк Британия) компанияси билан ҳамкорликда тегишли ишлар амалга оширилмоқда.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил 18 январдаги «Корпоратив бошқарув тизими янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ЎРҚ-814-сон Қонуни билан Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги ва "Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида"ги Қонунларига киритилган ўзгартиш ва қўшимчалардан келиб чиқиб, Давлат иштирокидаги корхоналар кузатув кенгашининг мустақил аъзолиги учун танлов ўтказиш ва номзодларни танлаб олиш бўйича намунавий низом лойиҳаси ишлаб чиқилди.

# 4.3. Ижроия органи тайинланиши ва таркиби

Давлат иштирокидаги барча корхоналарнинг бошқарув ва назорат органлари тўғрисидаги маълумотларни жойлаштириш ҳамда марказлашган ахборот алмашинувини йўлга қўйиш мақсадида www.kpi.davaktiv.uz сайтининг корхона кабинетида бошқарув ва назорат органлари бўйича алоҳида бўлим очилиб, корхоналар томонидан тегишли маълумотлар киритиб борилади.

Мазкур веб-портал "Давлат мулки" ахборот тизими билан ўзаро боғланган бўлиб, веб-порталдаги маълумотлар автоматик тарзда умумлаштирилади ва таҳлил қилинади.

Ўз навбатида, 2024 йилнинг 1 июль ҳолатига жами 1 655 та корхоналарда жами 2 223 та аъзолик ўринлари мавжуд бўлиб, 123 та корхоналарнинг 139 та (6,2 фоиз) раҳбарлик лавозимларида хотин-қизлар фаолият юритиб келмоқда.

Шунингдек, давлат иштирокидаги корхоналарда ижроия органи раҳбарини сайлаш (тайинлаш) "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонуннинг 79-моддасига ҳамда "Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 39, 40-моддаларига, "Давлат мулкини бошқариш тўғрисида"ги Қонуннинг 45-моддасига мувофиқ амалга оширилади.

Юқоридагиларга асосан, давлат иштирокидаги корхоналар ижроия органи таркибидаги раҳбарлик лавозимларига танлов асосида номзодларни сайлаш (тайинлаш) амалиёти йўлга қўйилган, жумладан ҳисобот йилида жами 25 та давлат иштирокидаги корхоналарнинг 27 та раҳбарлик лавозимларига танловлар ўтказилди.

Шунингдек, Давлат иштирокидаги корхоналар ижроия органининг лавозимларига танлов ўтказиш ва номзодларни саралаш тартиби тўғрисидаги намунавий низом ишлаб чиқилди ҳамда уни амалиётда қўллаш юзасидан Давактив агентлигининг 2023 йил 23 июндаги 03/09-3-17/3004-сон хати билан корхоналар ва уларнинг кузатув кенгашларига тегишли кўрсатма юборилди.

# 05

## ЗАМОНАВИЙ КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВ УСЛУБЛАРИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ




## 5.1. Давлат иштирокидаги корхоналар кузатув кенгашига ўтказилган танлов натижалари

Давлат иштирокидаги корхоналарнинг Кузатув кенгашига номзодларни шакллантириш тартибини такомиллаштиришни назарда тутувчи Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 4 ноябрдаги 647-сон қарори қабул қилинди.

Ушбу қарор талаблари асосида 2023 йил 1 июлдан 2024 йил 1 июлгача бўлган муддатда Давактив агентлиги иштирокидаги 58 та корхоналарнинг кузатув кенгаши таркибига давлат улуши бўйича номзодларни кўрсатиш учун махсус веб-портал (www.cns.davaktiv.uz) орқали танлов эълон қилинган. Эълон қилинган танловлар тўғрисида кенг жамоатчилик оммавий ахборот воситалари ва телевидение орқали хабардор қилиб борилди, жумладан Давактив агентлигининг расмий веб-сайти ҳамда ижтимоий тармоқлардаги саҳифалари орқали кенг ёритиш чоралари кўрилди.

Бугунги кунда, танлов натижаларидан келиб чиқиб, 48 та корхоналарга давлат улуши бўйича номзодлар акциядорлар (иштирокчилар) умумий йиғилишларида кўриб чиқиш учун таклиф этилди.

## 5.2. Давлат иштирокидаги корхоналар веб-сайти ҳолати

Давлат иштирокидаги корхоналар томонидан шаффофлик ва очиқликни таъминлаш мақсадида Давактив агентлиги устав капиталида давлат улуши 50 фоиздан ортиқ бўлган корхоналарнинг расмий веб-сайтлари ҳар чорак якуни бўйича мониторинг қилиб боради.

Бунда, мазкур корхоналар ўзларининг сайтида иқтисодий, молиявий ва бошқа статистик маълумотлар, шу жумладан, ҳар чоракда йиллик бизнес-режанинг бажарилиши ва ривожланиш стратегияларида назарда тутилган дастурларнинг натижалари тўғрисидаги ва бошқа аҳамиятли маълумотларни жойлаштирилиши ҳолати кўриб чиқилади.

Жорий йилнинг 1-чораги якуни бўйича ўрганиш натижаларига кўра, 1 783 та корхоналардан:

335 тасининг (18,8 %) расмий веб-сайтлари мавжуд. Шундан:

245 тасидан маълумот олиш имкониятига эга;

90 та корхоналарнинг сайтлари обунаси тўхтатилганлиги ва бошқа техник сабабларга кўра ишламаётганлиги;

қолган 1 448 та корхонанинг расмий веб-сайтлари мавжуд эмаслиги аниқланди.

Таъкидлаш жоизки, Давлат иштирокидаги корхоналарнинг веб-сайтлари 2021 йил 19 февралдаги 81-сон қарори билан тасдиқланган давлат иштирокидаги хўжалик жамиятлари ҳамда давлат унитар корхоналарининг расмий веб-сайтларига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомларга асосан ўрганиб чиқилди ва веб-сайтда жойлаштирилиши лозим бўлган маълумотларнинг мавжудлигига қараб корхоналар гуруҳларга ажратилди. Бунда, маълумотларнинг жойлаштирилиши 50 фоизгача бўлганда "қониқарсиз", 50 дан 80 фоизгача бўлганда "қониқарли" ва 80 дан 100 фоизгача бўлганда "яхши" баҳоланди ва ушбу градацияга мувофиқ текширувдан ўтказилган

107 та сайт “яхши”, 18 таси “қониқарли” ва 120 таси “қониқарсиз” деб баҳоланди.

Корхоналарнинг веб-сайтларида қуйидаги тизимли камчиликлар аниқланди:

- бизнес-режа ижроси ҳолати тўғрисидаги ахборот мавжуд эмас (141 тасида жойлаштирилмаган);

- корхоналарнинг ривожланиш стратегиясида тўғрисидаги маълумотлар мавжуд эмас (174 тасида жойлаштирилмаган);

- молиявий ҳисоботлар мавжуд эмас (141 тасида жойлаштирилмаган);

- корхоналар ва улар таркибидаги корхоналарнинг фойдаланилмаётган, носоҳавий активлари тўғрисидаги маълумотлар мавжуд эмас (228 та корхона жойлаштирмаган);

- харидлар жадвали ва харидлар тўғрисидаги маълумотлар мавжуд эмас (175 тасида жойлаштирилмаган);

- ижро органининг самарадорлиги кўрсаткичи мавжуд эмас (182 тасида жойлаштирил маган);

- корпоратив бошқарув тизимининг баҳолаш натижалари мавжуд эмас (153 тасида жойлаштирилмаган);

- аффилланган шахслар билан тузилган битимлар тўғрисидаги ахборот мавжуд эмас (150 тасида жойлаштирилмаган);

- бошқарув ва назорат органларига тўланган рағбатлантириш миқдори тўғрисидаги маълумотлар мавжуд эмас (228 тасида жойлаштирилмаган);

- мавжуд маълумотлар мунтазам янгиланиб борилмаслиги.

## Веб-сайтлар ҳолати




Давлат иштирокидаги корхоналар веб-сайтларини ўрганиш натижаларига кўра, аниқланган камчиликларни бартараф қилиш ҳамда қонунчилик талабларига мослаштириш бўйича Давактив агентлиги томонидан тегишли кўрсатмалар берилиб, Вазирлар Маҳкамасига ҳар чорак якуни бўйича таҳлилий маълумот киритиб борилмоқда.

## 5.3. Ички аудит, Комплаенс хизмати ва Кузатув кенгашлари қошидаги қўмиталар

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 8 ноябрдаги ПҚ-415-сон қарори 2022 йил 1 декабрдан бошлаб қуйидаги ташкилотларга нисбатан ички аудит хизматларини ташкил этиш бекор қилинган:

масъулияти чекланган жамиятлар, бундан активларининг баланс қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг юз минг баробаридан кўп бўлган, давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган масъулияти чекланган жамият, шунингдек, кредит ташкилоти мустасно;

активларининг баланс қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг юз минг баробаридан кам бўлган, давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган акциядорлик жамиятлари ва давлат унитар корхоналари.

Қонунчилик талабларига кўра, 2024 йил якунига кўра 81 тасида (33,8 фоиз) ички аудит хизмати жорий этилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 июлдаги ПҚ-5177-сон қарорида 2021 йил 1 октябрдан бошлаб барча давлат унитар корхоналари ва муассасалари, давлат улуши 50 фоиздан юқори ташкилотларда, шу жумладан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларида мавжуд штат бирликлари доирасида коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари фаолияти йўлга қўйилиши белгиланган.

Шунингдек, Стратегиясини амалга ошириш бўйича мақсадли кўрсаткичларида давлат иштирокидаги корхоналарга комплаенс хизматини жорий этиш:




Фаолият юритаётган давлат иштирокидаги 153 та акциядорлик жамиятларидан 48 тасида (31,3 фоиз) Комплаенс хизмати жорий этилган.

Давлат улуши мавжуд корхоналар кузатув кенгаши қошида тегишли йўналишлар бўйича (стратегия ва инвестициялар қўмитаси, аудит қўмитаси, тайинловлар ва ҳақ тўлаш қўмитаси, Коррупцияга қарши курашиш ва этика қўмитаси) жами 2 123 та корхоналарда 563 та қўмита, шу жумладан, 141 та аудит қўмитаси, 141 та стратегия ва инвестициялар қўмитаси, 142 та тайинловлар ва ҳақ тўлаш қўмитаси ҳамда 139 та коррупцияга қарши курашиш ва этика қўмитаси ташкил этилган.

# 5.4. Давлат иштирокидаги корхоналар учун янгиланган Корпоратив бошқарув қоидалари ва Ахлоқ кодекси

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 24 мартдаги ПҚ–101-сон қарорига асосан Давактив агентлиги томонидан Осиё тараққиёт банки ҳамда Европа тикланиш ва тараққиёт банки томонидан жалб қилинган экспертлар билан биргаликда Давлат иштирокидаги корхоналар учун корпоратив бошқарув қоидалари, намунавий Ахлоқ кодекси ҳамда унинг ажралмас қисми сифатида Коррупцияга қарши курашиш сиёсати, Манфаатлар тўқнашувини бошқариш сиёсати ва Қоидабузарликлар ҳақида хабардор қилиш сиёсати ишлаб чиқилди, шунингдек, Давактив агентлигининг 2023 йил 23 июндаги 145-сон буйруғи билан тасдиқланган графикка асосан 62 та корхоналарга бошқарув органлари ваколатлари доирасида кўриб чиқиш ва жорий этиш юзасидан кўрсатмалар юборилиб, бугунги кунда мазкур корхоналарнинг барчасида жорий этилиши таъминланди (масалан, "Олмалиқ КМК" АЖ, "Навоий КМК" АЖ, "Ўзбекнефтгаз" АЖ, "Ўзбекгеофизика" АЖ, "Ўзбек геология қидирув" АЖ ва бошқалар).

Ушбу ҳужжатларда корхоналар ва бошқарув органларининг фаолияти самарадорлигини ошириш, манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш мақсадида қуйидаги нормалар белгиланган:

а) Давлат иштирокидаги корхоналар учун корпоратив бошқарув қоидаларида:

давлат иштирокидаги корхоналарда барча акциядорлар (иштирокчилар) ҳуқуқларини тенг таъминлаш, миноритар акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;

давлат иштирокидаги корхоналарнинг барча манфаатдор томонлар, шу жумладан ходимлар, кредиторлар, мижозлар, етказиб берувчилар ва бошқалар олдидаги мажбуриятларини ошириш;

корхоналарда ички назорат тизимини такомиллаштириш, таваккалчиликни бошқариш ва ички назорат тизимини самарали ташкил этиш мақсадида COSO (The Committee of Sponsoring Organizations of the Treadway Commission) моделига асосланган интеграциялашган назорат тизимини жорий этиш;

корхоналарнинг SWOT таҳлилларини ёритишда очиқлик ва шаффофликни таъминлаш, корхоналарни бошқаришда кузатув кенгаши ва ижро органини масъулиятини ошириш, корпоратив қоидаларга амал қилиш мониторингини юритиш.

